





**КИБРИЕ ҚАҲХОРОВА**

# **ЧОРАК АСР ҲАМНАФАС**

(ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚ ЁЗУВЧИСИ  
АБДУЛЛА ҚАҲХОР ҲАҚИДА  
ХОТИРАЛАР)

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1987

### **Қаҳҳорова К.**

**К 35** Чорак аср ҳамнафас (Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳақида хотиралар).— Т. «Ёш гвардия», 1987.—96 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР Давлат ҳамда Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотларининг лауреати Абдулла Қаҳҳорнинг яқин сафдоши, умр йўлдоши, моҳир таржимон Кириё Қаҳҳорованинг устоз ҳақидаги хотиралар нитобида адабиёттимизининг энг ёрқин сиймоларидан бирининг қиёфаси, инсоний фазилатлари, бугунги ёшлигаримиз ибрат олса арзидиган энг яхши хислатлари очиб берилган. Бу хотиралар устоз тугилган кунининг 80 йиллигига муносиб тухфа ҳамда нитобхонларимизни улуғ сўз санъаткорининг ҳаётига бўлган қизиқишини оз бўлсада қондиришга хизмат этади, деб умид қиласиз.

**Қаххарова К.** Вечно рядом (Воспоминания о народном писателе Узбекской ССР Абдулле Каххаре).

**83.393**

**К** 4702570200—9  
356 (04) — 87      50—87

**© Издательство «Ёш гвардия», 1987.**

Энг яқин одамингиз — ҳам устозингиз, ҳам дўстингиз, яна ҳам аниқроғи — умр йўлдошиңгиз ҳақида хотира ёзишдан оғирроқ иш йўқ экан. Айниқса у киши эл назарига тушган, совет адабиёти тараққиётига муносаб ҳисса қўйшган, сўз санъатида асл санъаткор бўлса, зиммангиздаги масъулият юз чандон ортаркан. Минг бир андишага борарканси. Биргаликда кечган умрнинг энг еўзал унугтилмас дақиқалари ҳақида бор гапни ёзсангиз ўз-ўзингизни мақтагандек, устознинг шуҳратига ўзингизни шерик қилиб кўрсатаётгандек бўлиб туюлавераркан. Лекин начора, умр ўткинчи, қораланган қоғоз қолади. Очиги мен Абдулла Қаҳҳор вафотидан кейин узоқ яшамасам керак, деб ўйлаган эдим. Бу ёруғ оламда ҳалқ меҳри, тасаллиси, ёру дўстларнинг далласи, қолаверса, Абдулла Қаҳҳордек сўз санъаткори билан бирга кечган умримнинг нурли хотиралари мени шу ёшгача олиб келди. Қалбим тўрида сақланган ана шу хотираларни одамларга айтib бериш, вақти келиб уларни қоғозга тушириш учун ҳам яшашим керак, деб ўйлардим.

Салкам йигирма йилдан бери ҳамроҳсиз, устоз Абдулла Қаҳҳорсиз яшаб келяпман. Лекин шу давр мобайнида унинг руҳи, ундан қолган зариф хотираларнинг ёди бир сония бўлсин мени тарқ этгани йўқ.

Баъзан бирдан юрагим сиқилиб кетади. Ўзимни қўярга жой тополмай қоламану устоз столига ўтираман. Ўзга ҷумаман. Эсдаликлар, қўл билан ушлагудек яқин, аниқ ёдномалар, айни пайтда нурли, завқ-шавқли бир ўтмиш... Қаламга қўл чўзаман. Устоз қалами. Оддийгина қалам. Бу қалам унинг қўлида ҳаракатга келиб, оптоқ қоғоз бетига сўз дурларини терар, мисли кўрилман мўъжизалар яратар эди. Эндици? Энди ўз соҳиби ҳақида хотира ёзмоқчими? Еза олармикин? Йўқ, бўлма-

*ди. Қаламнинг салобати босади мени. Бу қаламни тутиш, уни ҳаракатга келтириш учун устознинг забардаст қўли, унинг жасорати ва маҳорати керак. Бошқа қалам оламан. Ҳар қалай бир уннаб кўрайчи...*

## I

1944 йилнинг июль ойи. Биз (мен ҳарбий кийим — лейтенант формасида эдим) — кўз доктори Мұхтарама Ҳамирова (ҳозир у киши профессор) иккаламиз Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг эски биносига, Ўйғуннинг «Қалтис ҳазил» комедиясини томоша қилгани борган эдик. Томоша тугагач, шоир Үткир Рашид оқарган чакка соchlари ўзига жуда ярашган, кўзлари оловдай, юзи бежирим бир киши билан таништириди:

— Бу киши машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳдор бўладилар. Абдулла акам ҳарбийдаги қизлар ҳақида китоб ёзмоқчилар...

Мен бу кишини дастлаб 1939 йилнинг баҳорида кўрган эдим. Ўша йиллар мен Сталинободда, Тоҷикистон Давлат нашриётининг бадний адабиёт ҳамда болалар ва ўсмирлар адабиёти бўлимини бошқарапдим. Тоҷикистонда болалар ва ўсмирлар адабиёти нашриёти ташкил этиш нияти туғилиб, мен тажриба орттириш мақсадида Ўзбекистон пойтахтига келган эдим. Тошкентда болалар ва ўсмирлар адабиёти нашриёти ўша даврда Ленинград кўчасида, ҳозирги «Гулнора» пойабзал магазинининг қаршисида, катта бир ҳовлида жойлашган эди. Дарвозадан кирганда, чап томонда директор, унинг рўпарасида, ўнг томондаги хоналарда нашриёт ходими-лари ўтирас, бўлим бошлиғи вазифасида шоира Зулфияхон ишлар эдилар.

Нашриётда ишлайдиган, мўйлови энди сабза урган, қорачадан келган бир йигит:

— Мен Комил Яшиннинг укаси бўламан, исмим Маъруфжон,— деб ўзини таништириди ва мени эшиккача кузатиб чиқди. Остонада кўзлари хиёл ғилайроқ кишига ва қадди-қомати келишган, чакка соchlарига битта яримта оқ оралаган бир йигитга рўпара келдик. Улар Маъруфжон билан илиқ сўрашишди.

— Танишинг, бу киши бизнинг севимли ёзувчимиз Абдулла ака, бу киши эса Одил Раҳимий,— деди Маъруфжон.

Уша йиллар мен ўзбек адабиётидан фақат Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и-ю, «Меҳробдан чаён»ини ўқиган эдим, шунинг учун бу киши қайси Абдулла эканини яхши англамадим. Шонир Ўткир Рашид таништирмаса, балки ҳозир ҳам ажратадолмас эдим, чунки 1939 йилга нисбатан бу киши анча ўзгарган, соchlари хийла оқарган эди.

Мұхтарама Ҳамирова билан йўлимииз айрим бўлгани туфайли, хайр-маъзур қилиб, Абдулла Қаҳдор билан бирга кўчага чиқдик.

Аста-секин трамвай бекатига келсак, тумонат одам. У вақтларда такси, троллейбус, автобус деган гаплар йўқ, бирдан-бир нақлиёт воситаси трамвай эди.

— Қаерда турасиз? — деб сўрадилар Абдулла Қаҳдор.

«Фрунзевец» газетаси редакциясининг ёнида, асли самарқандлик бир кампирнинг уйида яашимни айтдим.

— Узоқ эмас экан. Юринг, пиёда кетдик, — деб қолдилар.

Суҳбатлашиб, яёв кетдик. У вақтлар мен ўзбек ёзувчиларининг асарлари билан яхши таниш эмас эдим, шунинг учун суҳбат мавзуи жуда чекланиб қолаётгандай туюларди.

— Қаерда хизмат қиласиз? — дея яна саволга тутдилар.

— Ўрта Осиё ҳарбий округи органи «Фрунзевец» газетасида ҳарбий таржимон бўлиб ишлайман.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан шеъриятга келиб тақалди, ёшлигимда дадам ўргатган Бобораҳим Машрабининг алифбосини айтиб бердим:

Эй, «алиф» отингга қилдим сарҳат топмай ибтидо,  
«Бе» балойи доғи ҳажринг дилга жо қилдим бугун.  
«Те» типоват қилғай эрдим ояти рухсорини...

Шу билан суҳбатнинг қулфи очилди-қолди. Абдулла Қаҳдор дарҳол қаерда ўқиганим, ўзим қаерлик эканим билан қизиқиб қолдилар. Мен Самарқандда ота-онам, укаларим борлигини, икки синглим Сталинободда олиймактабда таълим олаётганини айтдим.

— Сиз ҳақингизда ёзишим шарт, агар рухсат берсангиз эртагаёқ учрашсак...

Мен уйимни кўрсатиб, таклифни қабул қилдим.

Эртасига Абдулла Қаҳдор қоғоз-қалам ўрнига, худди мени имтиҳон қилиб кўрмоқчи бўлгандаи, эски муқовали бир китобни кўтариб келдилар.

— Хожа Ҳофизни албатта ўқигандирсиз. Девоннинг биринчи ғазалига домламнинг ҳам тиши ўтмаган эди. Балки сиз тушунарсиз,— дедилар.

— Мен Ҳофизнинг ғазалларинигина эмас, ҳатто вафоти тарихини ҳам биламан. Вафоти тарихи Ҳоки Мусалло<sup>1</sup> бўлади,— дедим ва қоғоз-қалам олиб, абжад ҳисоби билан Ҳоки Мусаллони чиқардим. Чунончи: «хе»— етти юз, «алиф»— бир, «коф»— йигирма, «мим»— қирқ, «сот»— тўқсон, «лом»— ўттиизга тенг. Жами саккиз юз саксон биринчи ҳижрий йили бўлади. Агар бир минг уч юз йигирма икки<sup>2</sup> дан саккиз юз саксон бирни олиб ташласак, демак Ҳофизнинг вафотига ҳозир тўрт юз қирқ бир йил тўлгани маълум бўлади.

— Сиз аёл зоти билмайдиган нарсалардан ҳам воқиф экансиз,— дедилар ҳайрат билан.

Кейин мен Хожа Ҳофизнинг тушуниш жуда мураккаб бўлган ва ҳатто домлаларининг ҳам тиши ўтмаган бир ғазалини таҳлил ва таржима қилиб бердим:

Алоё ай юҳал соқи адир ковсан ва но вилҳо,  
Ки ишқ осон намуд аввал vale афтод мушкилҳо.  
Ба бўйи ноғаи коҳар сабо з-он турра бикшояд,  
Зи тоби жадди мушкинаш чу хун афтод дар дилҳо.  
Ба май сажжода рангин кун гарат пири мугон гўяд,  
Ки солик бехабар набвад зи роҳу расми манзилҳо.

### Мазмуни

Эй соқий, косани (шароб тўла қадаҳни) бирма-бир  
ҳаммага тут,

Ёрнинг ишқи бошида жўндай кўринган эди, аммо оқибатда  
кўп азоб-уқубатларга гирифтор қилди,  
Тонг шамоли ёрнинг зулфидан эсаётган хушбўй ҳидни  
келтириб, юракни қонга тўлдириди.

<sup>1</sup> Мусалло — Эрондаги истироҳат боғи.

<sup>2</sup> 1322 ҳижрий йил — мелодий 1944 йилга тўғри көлади.

Агар пири мугон (бодафуруш) жойнамозни майга ботир, деса сўзини рад қилма, чунки майфуруш майхўрларнинг хулқ авзорини яхши билади.

Хожа Ҳофиз ғазалини таҳлил қилиб беришим, абжад ҳисобидан хабардорлигим туфайли Абдулла Қаҳҳорнинг менга муносабатлари, назаримда, буткул ўзгарди. У киши «ҳарбийдаги қизлар ҳақида китоб ёзишни» унудилар шекилли, кейинги гал Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон»ини кўтариб келдилар. Жомийнинг ҳазилмутойибалидан ўқиб, таржима қилиб бердим. Ўқиб берганларим орасида бир ҳикоят жуда ёқиб қолди-ю, эринмасдан қоғозга ёзиб олдилар:

«Кўзи ожиз киши қоронги кечада бир қўлида чироқ, бир қўлида кўзача кўтариб бораётган экан. Бир бефа-росат кимса рўпара келиб қолибди. Ҳалиги бефаросат:

— Эй иодон, сен учун куннинг тундан фарқи йўқ-ку! Чироқ кўтариб юрганинг нимаси?— дебди.

Кўр шундай жавоб берибди:

— Чироқни ўзим учун эмас, сенга ўхшаган кўрлар менга тўқнашиб, кўзачамни синдириб юбормаслиги учун кўтариб юрибман!»

Абдулла Қаҳҳор эски мактабда таълим олганлари сабабли ҳам тоҷик тилига унча-мунча тушунар, лекин тоҷик шеъриятини тушуниш учун таталаб ўқиш кифоя қилмас эди. Шу сабабли мен ҳар бир шеър мазмунини тушунтирганимдан кейин асл нусхасини яна бир карра ўқиб берардим.

Бир куни у киши:

— Мен сиз ҳақингизда китоб ёзмоқчи эдим. Нима қилдик, қулай фурсат топиб менга таржимаи ҳолингизни айтиб берасизми ёки бамайлихотир ўзингиз ёзиб бе-расизми?— деб қолдилар.

Менга қолса, айтиб беришдан кўра ёзиб бериш қу-лайроқ эди.

— Қоғозни аяб ўтирунг, батафсилроқ ёзинг, бади-иyroқ бўлса — яна яхши.

Уч-тўрт кундан кейин таржимаи ҳолим ёзилган ўн саҳифа қоғозни у кишига тутқаздим.

## II

«Дадам риёзиётчи олим бўлган. Умрининг ўттиз йилини Бухоронинг Кўкалдош мадрасасида таълим

олиш билан ўтказган. Моддий жиҳатдан ёрдам қиладиган кишиси бўлмагани туфайли хаттотлик қилиб пул топиб, умр кечирган. Таҳсилни тамом қилгандан сўнг, учтўрт йил мударрислик қилган. Ниҳоят эллик икки ёшида, 1910 йили Самарқандга қайтган. Уша даврда риёзиятчи олим нима иш ҳам қилиши мумкин эди. Чорночор қозихонада шариат қонуналарини назорат қиладиган муфтий-аъзам бўлиб ишлаган.

Умрим ўтди, энди оила қурмасам керак, деб уйланиш умидидан воз кечганда, тасодифан бир куни дадамнинг мирзоси уни уйига таклиф қиласди. Суҳбат чоғи ариқнинг нариёғидан бошига рўмол ташлаган нозик-ниҳол қизалоқ ўтиб қолади. Шунда дадам у кишидан:

— Мирзо Абдужаббор, бу қизча ким? — деб сўрайдилар.

— Синглум,— деб жавоб беради мирзо.

— Синглингиз бор экан, нега индамайсиз? — дейдилар дадам ҳазиломуз.

— Ўйланмоқчи бўлсангиз, марҳамат, битта эмас, ўнта синглум бўлса ҳаммаси сизники.

Шу тарзда, ҳазил-хузул билан эллик тўртга кирган дадам ўн олти яшар қизчага уйланадилар.

Ойим Мушаррафой қош-кўэлари қоп-қора, кулча юзли, оппоққина, хийла жозибали қиз бўлган. Буни қараангки, дадам салкам қирқ ёш кичик қизга уйландим, деб сира суюнмаганлар. Маълум бўладики, эр-хотин орасидаги муносабат ҳусну латофат, қадду қомат, фаҳму фаросатга боғлиқ эмас экан...

Дадам баланд бўйли, қошлари пичноқ сопидек йўғон, қиррабурун, кенг яғринли киши бўлиб, соқол-мўйловларига энди оқ оралаган экан.

Эс-эс биламанки, дадам ташқари ҳовлида, аям ичкари ҳовлида яшардилар. Гоҳ-гоҳ дадам ичкарига кирсалар, ҳаммамиз ўрнимиздан туриб салом берар эдик. Дадам укаларимни қўлларига олиб, ўпиб, яна ташқари ҳовлига чиқиб кетардилар.

Дадам билан аям орасида муҳаббат бўлганлигига ақлим бовар қилмайди, чунки ўн олти яшар қизчанинг назарида эллик тўртга кирган эркак, ҳойнаҳой чол кўринган бўлиши мумкин. Лекин аям буни сира-сира сиртига чиқармаган, оғзидан бирон ношойиста гап эшигманан. Хонадонимизда дадам мўътабар киши эдилар, дадам уйга кирганларида катта бувимдан бошлаб — ҳаммамиз қўл қовуштириб турардик.

Мен, дадам эллик олтига кирганида, яъни 1914 йили туғилган эканман. Шу ёшга кириб фарзанд кўрган одамнинг қувончини тасаввур қилиб кўринг!

Дадам Лутфулламаҳдум ўз замонасининг тарақ-қийпарвар олими ва фозили бўлган. Беш-олти яшарлигимда қўшнимиз Гулжамол деган бир татар аёлни уйимизга таклиф қилиб, менга рус тилини ўқитишни илтимос қилганлар. Гулжамол сутдай оппоқ, бир қултум сув билан ютса бўладиган, исми жисмига муносиб соҳибжамол эди. У ҳам дадамнинг таклифларини қабул қилди ва ҳафтада икки марта рус тилидан сабоқ бера бошлади. Бу аямга ёқмади шекилли, эр-хотин ўртасида ихтилоф пайдо бўлиб қолди ва сал ўтмай Гулжамол бизнинг даргоҳдан оёғини узди.

— Нега Гулжамол опам келмай қўйдилар? — деб сўраган эдим, дадам:

— Кўйинг, ўзим ўқитаман. Туш кўрсам, Гулжамол менинг олдимга кир дастурхон ёзибди. Бунинг ҳосияти яхши эмас, — деб гапни қисқа қилган эдилар.

Уч-тўрт яшарлигимдан бошлаб дадам мен билан муттасил шуғуллана бошладилар. Тилим чиқиши билан менга:

Алиф лака о — анвали о, ул — ули минал му — ули мао — о  
Бе лака бобан вали бо, бу — були минал бубули мабо — бо  
Те лака то — тан вали, то, ту — тули минал ту — тули  
мато — то, —

деб шеър ўргатар эдилар. Мен бу шеърнинг фаҳмига етмас эдим. Кейин билсан боланинг тилини қайраш учун керак экан.

Хат ўқишини ўрганишим билан дадам абжад, ҳаввас, ҳутти, каламан, сауфас, карашат, зазағ деб абжад ҳисобини, зарб жадвали — «бабду бажвўн бадҳу баҳен бав яби»ни ўргатдилар. Буларни ёдлаб олганимдан кейин аста-секин: алиф—бир, бе—икки, жим—уч, дол—тўрт, деб маъносини ўргата бошладилар. Ўқиши-ёзиши ўрганишим биланоқ мен тўрт амални ёдлашга киришдим.

Агар дадам: «Қани, қизим, айтинг-чи, Гўри Амирнинг тарихи «Гумбаз» нечанчи йилда қурилган экан?» — деб сўрасалар, абжад ҳисоби билан қачон қурилганини чиқариб берар эдим.

Үн ёшга кирганимда Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил,

Шайх Саъдий, Абдураҳмон Жомий асарларини бемалол ўқир эдим. Эркатой, кўзларининг оқ-қораси бўлганим учун дадам, қизим уйда ёлғизликтан зерикабирон касалликка чалинмасин, деб ёз фасли боққа кўчсак — маҳалламиздаги мактабга, кузда шаҳарга кўчиб келсак — гузаримиздаги отин ойидан сабоқ олишга юборар эдилар.

Эски мактабда синфларга бўлиш деган гап йўқ, ҳамма ўқувчи қизлар бир хонада бўйра устида ўтириб дарс қилишарди. Қиз болалар ёзишни ўрганиши шарт эмасди. Чунки қиз бола ёзишни билса, битта-яримта йигитга хат ёзиши мумкин. Шунинг учун эски мактабда асосан ўқиш ўргатилар эди. Бири алифбе ўқиса, иккинчиси «ҳафтияқ» ўқир, учичиси «Қуръон» ўқиса, тўртинчиси «Чаҳор китоб» ўқир, бешинчиси «Ҳикмат» ўқиса, олтинчиси Машрабни ўқирди. Қизлар бараварига ўз дарсини баланд товуш билан такрорлар, дарсхона худди қовоқ арининг уясига ўҳшар эди. Отин ойи кўпинча ўз иши билан шуғулланар, дарсда асосан халифа — ҳозирги тил билан айтганда синф бошлиғи раҳбарлик қиласар, шўхлик қилган қизларга ҳам халифанинг ўзи жазо берар эди.

Бир кунда асосан, икки-уч соат ўқилар, қолган вақт қизлар отиннинг хизматини қилишарди. Қишлоғимииздаги отин бадавлатроқ эди шекилли, унинг жуда катта олмазори бор эди. Биз ҳар куни пешин — нонхўраккача ўқир, пешиндан кейин олма терар, терган олмаларимизни кесиб, офтобга ёяр эдик, экин-тикинларни ўташ, чорбоғни супуриб-сидириш ҳам бизнинг зиммамиизда эди.

Куз фасли шаҳардаги ҳовлимизга кўчиб келгандаги гузардаги отинга борар эдим. Шаҳардаги отин димори билан гапиргани учун «манқа отин» деган лақаб олган. Отин ойи қизларга «Алиф» демоқчи бўлса, унинг оғзидан «аниф» бўлиб чиқар, қизлар отиннинг оғзидан чиққан сўзни такрорласа, отин ойи хуноб бўлиб: «Ўзингнинг анифингни айт!» деб бақирар ва адабчўп<sup>1</sup> билан савалаб қоларди.

Бечора отин уй-рўзғор ишларига ҳам йўқ эди шекили, нонхўракдан кейин қизларга кир ювдирар, уй юмушларини буюрар, нон ёпадиган бўлса, қизларга хамир қордириб, тандирга ўт ёқтиарарди. Отин ойи жуда нўноқ бўлиб, у ёлган нонлар ҳамиша тандирдан таппа-таппа

<sup>1</sup> Адабчўп — қизлар шўхлик қилгандаги урадиган калтак-таёқ.

ўзини ташлар, отин бечора эридан қўрқса керак: «Қизларим, бу нонлар худонинг юзини кўрган, енглар, савоб бўлади» деб ҳом-хатала, кулга беланган нонларни бизга егизарди.

Агар бирон ўқувчи «Ҳафтияқ»<sup>1</sup>нинг «Таббат» деган сурасига келса, албатта ота-онаси «таббатга товоқ» деб бир товоқ ош қилиб келиши шарт эди, ваҳоланки, «таббат» деган сўз «ҳалок бўл» деган маънени англатиб, бунинг товоққа мутлақо алоқаси йўқ эди.

Агар «Қул ё айюҳал кофирун» деган сурага келса, албатта бечора қиз қўймоқ, пишириб келиши лозим, бунинг ҳам маъноси «Айтинг, эй, кофирлар» бўлиб, қўймоққа сира алоқаси йўқ эди. Булар мактаб болалари нинг ота-онасини шилиш учун бир баҳона эди, холос.

«А лам нашра» («Сен учун қалбингни очиб қўймадикми?») сурасига келган қизнинг иккала қўёли орасига қаламдонни боғлаб, худди бойчечак айтгандай, эшикма-эшик юрар эдик. Баҳоли қудрат ҳамма қаламдон ичига пул солар, шу билан кунни кеч қилиб, қаламдон ичини пулга тўлдириб, мактабхонага қайтар эдик.

«Ҳафтияқ»ни битириб қуръонга ўтмоқчи бўлса ғ қуръонни битириб «Чаҳор китоб»га ўтмоқчи бўлса, қизнинг ота-онаси отинга, унинг эрига албатта бош-оёқ сарпо қилиб келиши шарт эди.

Кундузи ўқиганларимни дадам кечқурун албатта имтиҳон қилиб, отинни сўкиб-сўкиб, хатосини тузатар эдилар.

1930 йилда гузаримизда саводсизликни битириш курси очилди. Шунда дадам: «Ойингизни шунча йил ўқитдим, бари бир алифни калтак деёлмади. Ўзингиз чиқақолинг», деб қолдилар. Шу гап билан мен гузардаги курсга қатнай бошладим.

Биринчи куниёқ ўқитувчи менинг саводимни кўриб, дарсдан сўнг гузаримиздаги 9-мактабга бошлаб борди. Мактаб директори, адабиёт ва математика муаллимлари мени имтиҳондан ўтказиб кўришгач, мактаб қошидаги ўқитувчилар тайёрлаш курсига тавсия қилишди. Мен олти ойлик курсни икки ойда битириб, ўқитувчилик қила бошладим.

1932 йили ёзги таътил вақтида, Янги растадаги «Тожик китоб» дўконига китоб олгани кирдим. Дўкон

<sup>1</sup> «Ҳафтияқ» — қуръоннинг энг кичик суралари, еттидан бир қисми.

мудири қотмадан келган, баланд бўйли, бошига чуст дўппи кийган ўрта яшар киши эди. Кейин билсам бу киши тожик драматурги марҳум Фани Абдуллонинг отаси экан.

Мен у кишидан бир китоб олиб, уйга келиб қарасам, ичида бирорвонинг мактуби...

Эртасига мактубни олиб бориб бердим. Дўкон мудири: «Э, сиз арабчани ўқий оласизми?» деб қўлимга бир китоб тутқазди, мен хатосиз ўқиб бердим. «Биласизми, қизим, нашриёт сизга ўхшаган саводли одамларга муҳтож. Нашриётда ишлаш иштиёқингиз бўлса, сизни ҳозироқ олиб бораман», деб қолди.

Мен рози бўлдим. Абдуллажон aka мени Тожикистон Давлат нашриётининг Гўри Амир ёнида жойлашган филиалига бошлаб борди. Филиал узундан-узун бир хонадан иборат бўлиб, унинг бир чеккасида бош редактор, иккинчи бир чеккасида директорнинг столи, ўргадаги столлар атрофида нашриёт ходимлари: таржимон, муҳаррир, машинистка ва корректорлар ўтиришарди. Бош муҳаррирлик вазифасини домла Айний ўтар эканлар.

Мени бош муҳаррир ҳузурига олиб киришди. Домла дарҳол араб алифбосида ёзилган қўлёзмаларини бериб, мени имтиҳон қилиб кўрдилар. Домла ҳуснihatда йўқ бўлсалар ҳам мен қўлёзмаларини шариллатиб ўқиб бердим. Домланинг имтиҳонларидан ўтгандан кейин мени машинисткаликка қабул қилишди. У вақтларда араб алифбосини биладиган саводли аёллар йўқлиги туфайли бу вазифани эркаклар бажаришарди. Икромий деган бир мўйсафид ва Тожикистоннинг таниқли таржимони марҳум Ҳабиб Аҳрорий ўша даврда машинист бўлиб ишлар эди. Мен ҳам шулар қатори нашриётда китобларни араб алифбосидан лотин алифбосига қўчирадиган машинистка бўлиб қолдим.

Нашриётда Айний домладек одамнинг қўл остида ишлаш мен учун катта мактаб бўлди. Домла талабчан муҳаррир эдилар. Оригинал ё таржима асарларни ўқирканлар, муаллиф ёки таржимон бирор калима сўзни ўринисиз ишлатса, эринмасдан саҳифанинг ёнига қоғоз ёпишириб бу сўзни қаердан келиб чиққани, асл маъноси нима экани ҳамда бу ерда ўринисиз ишлатилгани ҳақида бир бет изоҳ ёзар эдилар.

1934 йил Сталинободда матбаа базаси ташкил топгандан кейин Самарқанд филиалига эҳтиёж қолмай, туғатилди. Мен ҳам нашриётнинг таклифига кўра, бошқа

ходимлар қатори Тожикистонга кетдим. Орадан кўп утмай адабий муҳаррир, сўнгра бадий адабиёт бўлимида бошлиқ бўлиб ишладим.

1936 йили Мирзо Турсунзода, Деҳотий, Улугзода, Мирзоевлар қатори «Намуноҳои адабиёти тоҷик» («Тожик адабиёти намуналари») ни нашрга тайёрлашда фаол қатнашдим. Бу китоб домла Айнийнинг таҳрири остида чиқиши керак эди. Мен ҳам нашрга тайёрловчи, ҳам бўлим бошлиғи сифатида қарийб йигирма кунча домланинг ҳузурида бўлиб, бу китобни бошдан охиригача ўқиб бердим. Ўз даврининг қомуси бўлган домла Айнийдек улуғ сиймонинг ҳузурида салкам бир ой ҳамкорлик қилиш мен учун катта баҳт эди.

Тожикистон Давлат нашриётида таржима, таҳрир ишлари билан шуғулландим. Бироқ олий мактаб у ёқда турсин, ҳатто ўрта мактабни битирганлигим ҳақида гувоҳнома йўқ эди, шунинг учун 1940 йили мен Ленинград Давлат университетининг шарқшунослик факультетига ўқишига кирдим ва айни вақтда Тожикистон Давлат нашриётининг Невский проспектида жойлашган филиалида жамоатчи муҳаррир бўлиб ишлай бошладим.

Немис-фашист босқинчилари мамлакатимизга ёвузларча ҳужум қилиб, Улуғ Ватан уруши бошланиб кетган кунлари Ленинград Давлат университетида таълим олиб юрган эдим. Уруш бошланган машъум куннинг оқшоми ҳарбий комиссариат барча студентларни чақириб, даъватнома тарқатишга сафарбар қилди. Мен ҳам бошқа студентлар қатори кечаси билан шаҳар кўчалаарини кезиб чиқдим. Зудлик билан университет казармага айлантирилди. Йигитлар армия сафига чақирилди, қизлар университет биносида очилган қисқа муддатли ҳамширалар тайёрлаш курсига ўқишига киришди.

Июль ойининг охирларида, Ленинград қамалидан сал олдин, нашриёт филиали мени бирмунча муҳим қўл-ёзмалар билан бирга Тожикистонга жўнатди.

Топшириқни бажаргач, армияга жўнамоқчи эдим. Бироқ асосий матбуот ходимлари сафарбар этилгани туфайли менга ўхшаган кадрларга эҳтиёж катта эди, шунинг учун фронтга кетганларнинг ўрнини олишга мажбур бўлдим.

Уша йиллар нашриёт деярли ёпилган, биттагина сиёсий-ижтимоий бўлим қолган эди холос. Мени Министрлар Совети қошидаги радиоэшиттириш комитетига бош муҳаррир қилиб тайинлашди. Уч-тўрт ой ишлага-

нимдан кейин Тожикистон комсомоли Марказий Комитетининг агитация ва пропаганда бўйича секретарига муовин қилиб олишди.

Бирмунча вақт комсомол Марказий Комитетида ишладим. Бироқ кун сайн ўзимни нокулай ҳис этар, гўё Сталинободга келиб жонимни асраб қолгандай бўлиб юрдим, чунки университетдаги дугоналаримнинг кўпчилиги ихтиёрй равишда армияга кетган ва мен улардан ажралиб қолган эдим.

1943 йилнинг июнъ ойида ўз ихтиёри билан армияга жўнаш ҳақида ҳарбий комиссариатга ариза бердим. Яна бўлмади. Комсомол Марказий Комитетининг раҳбарлари рухсат бернишмади. Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг аралашуви билан жавоб бернишга мажбур бўлишди. Ҳарбий комиссариат мени Урта Осиё ҳарбий округи ихтиёрига, юборди.

Тошкентга келишим биланоқ, Урта Осиё ҳарбий округи менга лейтенант унвонини берди ва округ қошидаги тожик тилида чиқадиган «Фрунзечи» газетасига (уруш йиллари бу газета Урта Осиё халқлари тилларида чиқар эди) ҳарбий таржимон қилиб тайинлади.

Редакция ишларини бирмунча йўлга қўйгандан кейин бир куни радиоэшиттириш комитетига келдим. У вақтларда радиоэшиттириш комитети Инқилоб хиёбонида эди.

Ўша даврда радиоэшиттириш комитетининг раиси Иzzат Отахонович Султонов экан. Мен у кишининг ҳузурига кириб:

— Нима учун Сталинободда ўзбек тилида газета бор, радиоэшиттириш бор-у, сизларда тожик тилида эшиттириш йўқ?— деган савол билан мурожаат қилдим. «Холва деган билан оғиз чучимайди,— дедилар Иzzат Отахонович,— бунинг учун муҳаррир керак, таржимон керак, диктор керак, машинистка керак, қисқаси бутун бир штат керак». Мен ҳаммасини ўз зиммамга олишга тайёр эканимни айтдим. Шу тарзда радиокомитет қошида тожик редакцияси вужудга келди. Унинг бирдан бир ходими — ҳам таржимон, ҳам редактор, ҳам диктор ўзим... Радио Инқилоб хиёбонида, редакция эса Қизил майдонда. Мен бўзчининг мокисидай иккала идора ўртасида қатнаб юрибман.

Мана — менинг қисқача таржимаи ҳолим».

Абдулла Қаҳҳор таржимаи ҳолимни ўқидилар-у, ин-

дамадилар. «Бу лейтенантни қаҳрамон қизларданмиккин десам, бошқалардан фарқи йўқ экан-ку», деган ўйга бориб, ҳафсалалари пир бўлдими — билмадим. Сўрашга истиҳола қилдим. Сўрамаганим яхши бўлган экан. Абдулла ака зоҳиран эътиборсиздай кўрингандар билан, аслида таржимаи ҳолим билан жиддий танишганларини кейинроқ билдим. Қейинги учрашувларимизда у киши баъзан болалигим, баъзан дадам, баъзан Айний домла, баъзан қамал арафасидаги Ленинград ҳаётидан сўраб қолардилар. Мен ҳақимда ёзиш масаласида сўз очмасдилар. Орадан йиллар ўтиб, бу таржимаи ҳол воқеаси эсдан чиққандир деб юрганимда, Абдулла ака яна ўтмиш билан қизиқиб қолдилар. «Ўтмишдан эртаклар» ёзилаётган пайтида бу мавзуга тез-тез қайтадиган бўлиб қолдик.

Ўша дастлабки учрашувларимизда ўтмишдан эртак ёзиш ниятлари бормиди, йўқмиди билмайман. Аммо ўша воқеани йигирма йил ҳаёлларида сақлаганларига қараганда, шундай мақсадлари куртак очган эди, дейишм мумкин.

Бир дам олиш куни уйларига таклиф қилдилар. Ўйлари Жуковский кўчасида (ҳозирги «Медицина» магазини жойлашган ерда) экан. Ўй масжиддек баланд бўлиб, бир залу кичкина бир хонадан, залнинг бутун жиҳози эса алмисоқдан қолган шкаф ва битта эски китоб жавонидан иборат эди, холос. Кичкина хонада битта темир каравот, бесўнақай бир ёзув столи турарди. Китоб жавони билан бу ёзув столини боғдорчилик — виночилик трести (илгари шу бинода жойлашган экан) кўчиб кетаётган чоги, назари илмаган бўлса керак, ташлаб кетган экан.

Эшикдан киргач, чап қўлда шкаф, унинг орқасида, бурчакда қўл ювадиган умивальник билан тогора, ундан сал нарироқда кичкина думалоқ стол қўйилган бўлиб, шу уйда, шу шароитда яшаб ижод қилишни тасаввур этиш амримаҳол эди.

Менинг келишимга бутун ҳунарларини сарфлаб, каттакон бир чўмичда ош дамлабдилар. Ўйда сабзи йўқ экан, бозорга боргани эриниб, сабзи ўрнига лавлаги солибдилар.

— Кечирасиз,— дедилар қизариб,— одатан, Фаргона йигитлари ошга уста бўлишади. Лекин менинг шу ишга уқувим йўқроқ, чунки умрим дарбадарликда, ке-

йинчалик болалар уйида ўтган, тайёрига ўрганиб қолғанман.

Ниҳоят, ош сузилди. Мен бир оғиз ё едим, ё емадим, аммо ўзлари «пули куйган... қалампир чайнабди» дегандай ошни паққос урдилар.

Шу аҳволда яшаб юрганларини кўриб, ачиндим. Бирор кун келиб манти қилиб берадиган бўлдим. Ваъда-лашган куни келсам, гўшт, ун олиб келиб қўйибдилар. Дарров хамир қориб, шиша билан жувалаб манти тугдим, қасқон йўқлиги туфайли мантини лаганга териб, кастрюлька ичига қўйиб димладим. Манти ҳузур қилиб ейилди. Озгина қийма ортиб қолган эди, эртасига мендан таълим олиб, бир литрча сувни тоғорага солиб, хамир қилмоқчи бўлибдилар. Қарасалар, халтадаги ун таомом бўлай деб қолибди-ю, ҳали хамир аталадек суюқ. Нима қилишни билмай, қўшнининг хотинини чақирибдилар. Ў дарров икки косача аталани тогорадан олиб, қолганига озгина ун қўшиб бир зувала хамир қилиб берибди...

...Ёшлари ўттиз олтига борган, «Сароб»дай романнинг муаллифи бўлсалар ҳам, ҳамси ўша «Ўтмишдан эртаклар»даги бола сингари индамас эдилар. Қарийб тўққиз ой учрашиб юрган бўлсак-да, бирор маротаба дилдаги гапларини айтганлари йўқ. Форсча, тожикча олиб келган китобларини ўқитиб кетар эдилар, холос. Ёки, «Кечча айтиб берган ҳикоятингиз жуда маъқул бўлди, ёзиб олай деб келдим», деб қўя қолардилар. Қейинги ойлар ишим кўпайиб, ўн-ўн беш кунда бир кўришадиган бўлдик. Бу орада қаттиқ бошоғриқ касалига йўлиқиб қолдим ва шу баҳона билан менга ишхонадан отпуска берилди. Жўнаш арафасида хайрлашгани уйларига кирдим. Яна индамай хайрлашиб қўя қолдилар, ҳатто орқамдан кўчага ҳам чиқмадилар. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, Гоголь кўчасига, ҳозирги Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми жойлашган бино олдига бориб қолганимда орқамдан қадам товуши эшитилди. Қайрилиб қарасам — Абдулла Қаҳҳор. Келиб қўлимдан ушладилар:

- Қолишнинг иложи йўқми?..
- Қанақа қилиб қоламан, уйимни ҳам топширдим,— дедим. «Юринг, бир гап бўлар» дейиш ўрнига:
- Ўй топамиз, Сайфи деган ўртоғим бор, ўшанинг уйини ижарага олиш мумкин,— дедилар.

Кайтиб келдик.

— Қани, ўтириңг. Биласизми...— дедилар,— қулғаннан гизга айтадиган бир-икки оғиз сўзим бор. Агар шу ёзларим сизга маъқул тушса, ЗАГСга борайлик. Аввало, шуни сизга айтиб қўяйки, менинг гуноҳим ниҳоят дара жада кўп. Шу қадар кўпки, ёзсан қофоз қизаради...

Мен Абдулла Қаҳҳорнинг гуноҳ бобида айтган сўзларига сира ишонганим йўқ, чунки у киши ниҳоятда одобли, шарм-хаёли эдилар. Биз тўқиз ой учрашиб юрган бўлсак-да, бирон маротаба ҳатто ёнимга яқин келиб ўтирганлари йўқ. Бу сўзларни аввало мени яна бир карра синааб кўриш, қолаверса, образли, муболагали гапиришга одатланганлари туфайли айтдилар, холос.

— Таъкидламоқчи бўлган яна бир гапим шуки,— дедилар,— биз ҳеч қачон бир-биримизни алдамаймиз. Қандай шароит, қандай вазият бўлмасин, биз ҳамиша ростини айтамиз. Шу нарсани эсда тутингки, беихтиёр қилинган гуноҳни кечирса бўлади. Аммо билатуриб, ростини қўйиб, ёлғон гапириган одамнинг гуноҳини кечириб бўлмайди. Рост гап ўла-ўлгунча эсдан чиқмайди, ёлғон гап-чи, дарров унутилади-қолади. Бугун ростни қўйиб ёлғон гапириган одам, эртага кеча нима деганини унутади-ю, ростини айтиб қўяқолади ва шу билан ўзини-ўзи бебурд қиласди. Бир маротаба ёлғон ишлатган одамнинг иккинчи маротаба ёлғон ишлатмаслигига ким кафолат беради — ҳеч ким! Яна бир нарсани айтиб қўяй: эр-хотин орасида парда бўлиши шарт. Эр-хотин мана шу парда кўтарилмаслиги учун ҳаракат қилиши керак. Парда кўтарилдими — бас, ҳаётга дарз тушади. Масалан, ўз болангизга ҳам илк маротаба қўл кўтаришингиз қийин. Бир шапалоқ урдингизми — тамом, иккинчи марта қўлингиз ўз-ўзидан кўтарилаверади. Оилада ҳам шундоқ. Бир куни «сану ман»га бордингизми, эртасига ёқалашиб ҳеч гап эмас. Шунинг учун биз шу парда кўтарилмаслиги учун ҳаракат қилишимиз керак.

Абдулла Қаҳҳор талабларини қўйиб бўлгач, мен ҳам бир нима дейишим керак эди. Олдимга келганларида, бир-икки марта: «Хайр мен кетай, биттаси соат ўн бирда келаман, деб ваъда берган эди», яна бир гал: «Кечаси биттаси келувди, соат биргача гаплашиб ўтириб, уйқудан қолувдим»,— дегандилар.

Энди хонаси келганда мен ҳам:

— Хўш, ана у кечалари ўн бирда келадиган, соат биргача гаплашиб ўтирадиганлар нима бўлади?— деб сўрадим.

— Биласизми,— дедилар Абдулла Қаҳҳор,— сизнинг бу ерда ота-онангиз бўлмаса, елкангизда погону эгнингизда шинель бўлса, мен сизнинг қанақа аёллигингизни кимдан сўрайман? Оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган мақол бор. Бу гапни жўрттага, азбаройи сизни синааб кўриш учун айтдим. Эски одамлар қуръонни ўртага қўйиб қасам ичган. Мен сизни ўртага қўйиб қасамёд қиласманки, ўша, кўзингизга кўзим тушган кундан бошлаб сиздан бўлак ҳеч қанақа аёл зоти ҳақида ўйлаганим йўқ.

Ана шу «изҳори дил»дан сўнг, 1945 йилнинг 12 априли — туғилган куним арафасида, Улуғ Ғалабага 27 кун қолганда биз ЗАГСга бордик. Аммо гувоҳнома ёзилаётган вақтда: «Ўша, кўзингизга кўзим тушган кун — 1944 йилнинг июнь ойи», — деб ёздирилар.

Ўйга қайтиб келганимиздан кейин:

— Билсангиз, боланинг ўгайи бўлади, аммо хотининг ўгайи бўлмайди. Мен гўё дунёга келиб кўз очиб сизни кўргандайман,— дедилар.

### III

Биргаликдаги ҳаётимиз меҳнатдан бошланди. Бир ҳафтагача уйни эпақага келтириш, ўёқ-буёғини йиғишириш, тартибга солиш билан шуғулландик. Йўлакдаги қўш деразали уй ўтихонага айлантирилган экан, шоҳшаббаларни ҳовлининг бир чеккасига чиқариб ташлаб, уни ошхона қилиб қўйдик. Уста топиб келиб, бурчакка печка қурдирдик, деразага докадан парда осдик.

— Қаранг, бир ҳафтада бу ташландиқ макон хотин бор уйга ўхшаб қолди-я,— дедилар у киши суюниб.

Оила қургач, дастлабки харидимиз Тезиков бозоридан сотиб олинган эскигина велосипед бўлди. Абдулла Қаҳҳор нашриёт ва ёзувчилар союзига шу велосипедда қатнардилар, гоҳ-гоҳ бозорга борадиган бўлсак ҳам майда-чўйдаларни велосипедга ортиб, пиёда гаплашиб қайтардик.

Турмуш қурганимиздан кейин Абдулла Қаҳҳор кўчага камдан-кам чиқадиган бўлиб қолдилар.

Бир куни уйни яхшилаб йиғиширмоқчи бўлиб:

«Бир кўча айланиб келмайсизми?»— десам, «Кўча айланиш планини ортиғи билан бажарганман,— дедилар.— Биласизми, эркак киши қай маҳал кўчага чиқиб кетади? Агар қидирганини уйидан тополмаса!»

Мени ишга кузатиб қўйгач, қайтиб келгунимча ёзув

столи ёнидан сира жилмас эдилар. Уша кунлари «Қўш-чинор чироқлари» романни устида ишлардилар. Ижодий иш орасида уч-тўрт марта Янгийўл районидаги Социалистик Мехнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов раҳбарлик қилаётган «Ленинизм» колхозига бориб, беш кампирнинг фидокорлиги ҳақида «Кампирлар сим қоқди» деган ҳикоя ҳам ёздилар.

Ҳамза номидаги театр Абдулла Қаҳдор таржимасида Тренёвнинг «Флот матрослари» деган пьесасини саҳналаштириди. Премьерадан сўнг бир кун жиндай ичиб, ширакайф бўлиб келдилар. Шу маҳалгача мен у кишининг ичганларини кўрмаганим учун сал ранжигандай бўлдим. Шу-шу умрларининг охиригача менинг олдимда ичганларини кўрган эмасман.

Эсимда, уйимизнинг эшиги олдида пиво сотадиган дўкон бор эди. Бир гал «Пиво олиб келсам, ичасизми?» десам, «Хотини билан уришганлар ичсин» дедилар кулиб.

Эллигинчи йилларда, қанд касалига чалинганларидан кейин, бир профессор кўриб, чекишни ман қилди. Профессор олдидан чиқиб, папирос қутисини кўчадаги ахлатхонага ташладилар ва шу билан иккинчи маротаба папиросни қўлга олмадилар.

\* \* \*

Абдулла Қаҳдор ўта нозиктаъб, маданиятли одам эдилар.

Мен у кишининг бирор маротаба отимни айтиб, баланд товуш билан чақирганларини эслеёнмайман. Бозор-ўчарга бориб қолсан, нуқул: «Қанисиз, қанисиз?»— деб орқамдан юрар эдилар.

Үйдаги иккита телефоннинг биттаси у кишининг иш столида, бошқаси менинг столимда туради. Агар бирор зарурат туғилиб қолса, «Қибриёл» деб чақирмасдан столдаги телефоннинг ғалтагини айлантирас эдилар, «Лаббай!» деб телефоннинг гўшагини кўтарар эдим.

Зилзила бўлган 1966 йили украин ёзувчилари ўзбек ҳамкасларидан бир гуруҳини Одессадаги ижодхонага дам олгани таклиф қилишди. Таклиф қилинган ёзувчилар жумласида биз ҳам бор эдик. Ижодхона Қора денгиз бўйида, ниҳоят сўлим гўшада жойлашган экан. Шерилларимиз ҳар куни денгизга тушиб чўмилиб келишади. Бироқ Абдулла Қаҳдор чўмилиш ўёқда турсин, ме-

ни хижолат тортмасин, деб ҳатто бирор маротаба денигиз бўйига ҳам бормадилар. Ҳатто шунча йил бирга яшаб, менинг олдимда кийим алмаштирганларини билмайман. Илгарилари бу одатларига кўп эътибор бермас эдим. Энди ўйлаб кўрсам, буларнинг барчаси шарқликларга хос одобнинг ҳавас қилса арзигулик намунаси экан.

Ҳаёт асфальтга ўхшаган текис эмас, паст-баландликдан иборат. Ҳаётнинг аччиғи бўлмаса, унинг ширинлиги ни ҳам билмас эдик. Агар бирор, эрим мени бошига кўтариб юради, деса—ишонмайман. Чунки, жон бор жойда, жанжал бор, дейди доно кексаларимиз. Бизнинг ўртамиизда ҳам баъзан тушунмовчиликлар чиқиб қоларди. Шундай кезларда Абдулла Қаҳдор «ғазаб оти»га минмай, аксинча, иззат-нафсимга тегмайдиган қилиб, теша тегмаган сўз билан беозоргина танбеҳ берар эдилар.

Нозаниннинг нози бор деганларидай, бир куни нимадан хафа бўлганим эсимда йўқ, «Кетаман», дебман. Шунда жилмайиб: «Эй, менга қаранг, ҳусайнин узумдай бор ширамизни сўриб, пўчоғимиз қолганда иуфлаб ғетар экансиз-да!» дедилар. Кулгим қистаб, дарҳол уйга кириб кетдим.

...Уйимизга нашриётнинг ўша даврдаги директори Шариф Толибов билан Абдулла Ўразаев ўртоқлар қанақадир иш билан келишди. У вақтларда мен ҳали Абдулла Қаҳдорнинг феълу атворларини, ўз иборалари билан айтганда, «рашшок» (рашклари зўр) эканлигини унчалик билмасдим, албатта. Нечук бўлиб суҳбатга қўшилибман. Меҳмонлар кетгач, хиёл жилмайиб:

— Биз хотинни улгуржи олганимиз,— дедилар.— Яъни, ҳазил-мутойибаси ҳам, кулгуси ҳам ўзимизники.

Бу гапдан мен ранжиганим йўқ. Фақат кулиб қўя-қолганман. Агар шунда: «Ҳой, бирорнинг олдида оғзингни очма!» десалар, эҳтимол, менинг дилим оғриб жавоб қайтарар ёки бир ҳафта йиғлаб, қош-қовоқ қилиб юрар эдим. Ҳамма гап фикрни қай йўсинда ифодалашда экан.

Шундан сўнг мен ҳеч қачон эркаклар суҳбатига ҳуда-бехуда аралашмайдиган бўлдим. Бизнинг хонадонга меҳмон келса эркаклар алоҳида, хотинлар алоҳида ўтирадиган таомил йўқ эди. Аммо мен уйимизда бўладиган суҳбатларга, адабий мунозараларга очилиб-сочилиб қатнашмас эдим.

Оила қурган кунларимиздан бошлаб Маъруф Ҳаким

оиласи билан дўстона муносабатимиз бор эди. Бир куни  
Маъруфжон ҳазил аралаш:

— Абдулла ака, кеча-кундуз Кибриё опам ёнингиз-  
да-ю, нега мунча рашк қиласиз?— деб қолди.

Шунда у киши:

— Биласизми, битта хўрзанинг ўнта макиёни бўла-  
ди. Мабодо, катагига бошқа хўрз кириб қолса, унинг  
бошини қонатмагунча кўнгли жойига тушмайди. Менинг  
бисотимда бор-йўғи битта хотин!— дедилар кулимсираб.

Кўчага ҳамиша бирга чиқар эдик. Дастраски йил-  
лар — мен ҳали радиоэшиттириш комитетида ишлаб юр-  
ган чоғларимда ҳам, бирмунча вақт хотин-қизлар жур-  
нали «Саодат»да ишлаган чоғларимда ҳам ўzlари олиб  
бориб, ўzlари олиб келар эдилар. Ҳатто машиначига  
ҳам бирга борар эдик. Бир марта у кишини ёлғиз қол-  
дириб, роса адабимни еганман.

Абдулла Қаҳҳор ёпилган нонни яхши кўрар эдилар.  
Уша йиллар ҳовлимида тандир йўқ эди, мен нон ёпгани  
бир дугонамнинг уйига жўнадим. Ҳамир қилдим, ҳамир-  
туруш эскироқ эканми, ҳамир тезда етилавермади. Қиш  
фасли, кун қисқа, то нонни ёпиб келгунимча кеч соат  
олти бўлиб қолибди. Уйга келсам, эшик олдида туриб-  
дилар. Мени кўриб;

— Ҳа, келдингизми? Бўпти, энди сиз кутинг, мен  
кетдим!— дедилар-у, чиқиб кетдилар. Соат ўн бўлди, ўн  
бир бўлди, ўн икки бўлди, у кишидан — дарак йўқ. Ке-  
часи билан кўнглимга ғулғула тушиб, эшик олдида ўти-  
риб чиқдим. На қаёққа боришимни биламан, на биронга  
телефон қилишни. Кун ҳам ёришди, соат ҳам ўн бўлди,  
ҳали у кишидан дарак йўқ.

Кундузи соат ўн иккilarда Fafur Fуломнинг уйла-  
рига бориб, «Абдуллажон сизларникига келганлари  
йўқми?» деб сўрасам: «Эрталаб келиб бир пас ўтириб  
кетувди»,— дедилар Fafur Fулом.

Хайрият, тирик эканлар, деб хотиржам уйга қайтдим.

Бир маҳал, кечки пайт, ўша уйдан чиқиб кетган  
соатларида эшикдан: «Ҳа, кутиш қалай бўлар экан?»  
деб жилмайиб кириб келдилар.

Шу-шу, уларни уйда ёлғиз қолдириб кўчага чиқмай-  
диган бўлганман.

Қирқ еттинчи йилнинг баҳорида Ёзувчилар союзи-  
нинг Дўрмондаги ижод боғига кўчиб чиқдик. У вақтлар-  
да ҳозирги иморатлар йўқ эди. Бор-йўғи икки қанотда  
қатор хоналару ўртада узун йўлак бор. Биз эшик тепа-

сидаги кичкина болохонага жойлашдик. Ариқ бўйига чодир — капа тикиб, ўчоқ қуриб, ўша ерда ҳам овқатланиб, ҳам ишлар эдик. Тепага фақат тунағани чиқардик.

Баъзан эр-хотин поездга тушиб, Чирчиқ станцияси-гача борар, у ердан пиёда юриб, уйимиздан хабар олар, кейин бозорга бориб харид қилгач, яна поездга ўтириб боққа қайтар эдик. Бирдан бир нақлиёт воситамиз поезд эди.

Боққа кўчиб чиққандан кейин мен ишдан бўшашга мажбур бўлдим. У киши: «Қани, бир машқ қилиб кўра-сизми?»— деб, «Қўшчинор чироқлари» романининг қўл-ёзмасини бердилар.

Қўлёзма араб алифбосида эди. Устига устак мен ҳали у вақтларда ўзбек тилини мукаммал билмасдим. Қийналиб бўлса ҳам, роман қўлёзмасини ўқиш жара-енида ўзбек тилини яхшигина ўрганиб ғлдим.

Бир куни қандайдир сўзни нотўғри ёзибман. «Ҳа, бечора, ўзи тожик бўлса, яна қўлёзма араб алифбосида, битта-яrimta хато қилгандир» дейиш ўрнига: «Савод борми?» десалар бўладими.

Ушанда йиғламаган бўлсам ҳам йиғлагандан баттар бўлганим ҳануз эсимда. «Қўшчинор чироқлари» мен учун биринчи мактаб бўлди.

Ўзбек тилини анча ўрганганимдан кейин Авдеевнинг «Бир аҳоли яшайдиган пунктда», Б. Галиннинг «Подалар йўлларда» деган кичкина повестларини ўзбекчага таржима қилдим. Таржималаримни кўздан кечириб, у киши:

— Туппа-тузук таржимон бўлибсиз, энди каттароқ нарсага қўл урсангиз ҳам бўлар,— дедилар.

Шундан кейин Садриддин Айнийнинг «Эски мактаб»-ини тожикчадан ўзбекчага ўгирдим.

Ингирманчи йилларда Абдулла Қаҳдор Серафимовичнинг «Темир оқим» романини таржима қилган эканчар. Ўзбекистон Давлат нашриёти шу китобни қайта иашр қилмоқчи бўлиб, Абдулла Қаҳдорга мурожаат этганда: «Уша йиллари мен рус тилини таталаб ўқиган эдим, шунинг учун бу таржимадан воз кечдим», деб нашриётга расмий равишда ариза берган эдилар. Нашриёт бу асар таржимасини менга топширди. «Эски таржимангизни беринг, фойдаланай!», деб Абдулла Қаҳдорга кўп ялиндим, лекин бермадилар. «Менинг таржимадан фойдалансангиз, чайналган овқатни ютгандай бўласиз ва ҳеч қачон сиздан яхши таржимон чиқмайди.

Болага ҳам овқатни чайнаб берсангиз, тиши ўсмай, мўрт бўлиб қолади. Таржимон ҳам шунаقا. Сиз қўлингиздан келганйни қилинг, чиқаролмаган жойларингизни тоҷикча ифода этиб қўйсангиз ҳам майли, кейин биргалишиб кўрамиз», дедилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг талабчанлиги сабаб бўлиб, мен Лев Николаевич Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеяси таржимасига журъат этдим.

Она боласининг тетапоя бўлиши, мустақил қадам ташлаши учун нечоғлиқ жон куйдирса, Абдулла Қаҳҳор ҳам менинг ўзбек тилини мукаммал ўрганишим, яхши таржимон бўлишим учун шунчалик сабру матонат билан ҳаракат қилганлар.

«Уруш ва тинчлик»нинг биринчи жилди таржимасига деярли иштироким йўқ. Иккинчи жилдини қуидагича таржима қилдик: иккаlamизнинг қўлимизда бир нусхадан оригинал. Аввал қўлимдан келганча мен таржима қиламан. У киши эса хатоларини тузатиб, оқ қофозга ёзадилар. Учинчи жилни — кундузлари мен таржима қиламан, кечқурунлари тайёр қисмини у киши пешмапеш кўриб, таҳрир қилиб чиқадилар. Тўртгинчи жилдини биргаликда таржима қилиш насиб этмади...

Боя, «Қўшчинор чироқлари» ўзбек тилини мукаммал ўзлаштиришим учун мактаб бўлди, деганимнинг боиси шуки, биз уйда кўпроқ тоҷик тилида гаплашар эдик, турмуш қуришимиз билан у киши:

— Келинг, ўзаро тоҷик тилида гаплашамиз,— дедилар,— менинг ўрганишим зарур. Фақат шарт шуки, но-тўғри гапирсам кулмайсиз.

Хуллас, тоҷик тилида гаплашадиган бўлдик. Бу тилга шу қадар ўрганиб қолдиларки, ҳатто меҳмонлар олдида ҳам менга фақат тоҷик тилида гапирар эдилар. Бир гал нимадандир жаҳллари чиққанда шундоқ деганилари ёдимда:

— Нима қилай? Носқовоқдай белимга осиб юрсам, она тилимни қўйиб, хотин тилида гаплашсам, тағин мендан нима истайсиз?!

Тўрт-беш ой мобайнида тоҷик тилини мукаммал ўзлаштириб олдилар. Ҳатто ҳикояларини Тоҷикистон Давлат нашриёти учун таржима қилганимда ўзлари бемалол таҳрир қилдилар.

Бирор ёзувчи ёки шоир ўзбек тилининг назокатини бузса, минг яқин, минг жонажон дўстлари бўлса ҳам уни аяб ўтирасдилар.

Абдулла Қаҳдор фақат ўзигагина ёхуд ёшларгагина эмас, ҳатто тенгқурлари, қаламкаш дўстларига нисбатан ҳам талабчан эдилар. Энг аввало, ўзлари ёзадиган ҳар бир сўзни фикр тарозусида обдан ўлчардилар.

«Поэзия юксак санъат» деган мақоланинг бош қисмига эътибор қилинг:

«Шеър — фикр экстракти бўлиши жиҳатидан ҳикмат, кўнгилга йўл топиши, ундан ўзига ҳамоҳанг садо чиқарииши жиҳатидан мусиқа!

Шеър — ошиқнинг оҳи, мусибатдийданинг кўз ёши, саодат ва сурур ифодаси бўлган қаҳқаҳа.

Шеър — кўнгилнинг ойнаси, кўнгилда нима бўлса шуну акс эттиради.

Шеър — маъсум гўдак, риёни билмайди. Риё бўлган ерда шеър йўқ.

Шеър — бир мўъжиза. Унинг мўъжизалик сирларидан воқиф бўлиш, бу сирларни жиловлаш ҳар кимга ҳам мұяссар бўлавермайди. Бунга эришиши учун зеҳн, сабр ва меҳнатдан бошқа яна нимадир керак.

Поэзия юксак санъат.

Шундай бўлган ҳолда, балоғат остонасига қадам қўйган йигитча ўз туйгуларини дабдурустдан шеър билан ифода қилишга уринади, она ўз фарзандини шеър ўқиб аллалайди ёки унинг тобути устида айтиб ийғлайди, ошиқлар бир-бирига мұхаббат изҳор қилганда, иложи бўлса икки сатр шеър қистиргиси келади...»

Бу мақола.

Мана, «Сўз Фанишерга» деган очеркни олайлик.

«Тилимни қичитма, жўнсаҳуроз! Айтмадимми, кузда ышқилиб, столнинг тагига кириб кетасан деб... Эҳ-е, сенинг хўроз бўлишингга ҳали ўн тўрт процент бор. Ҳавони қара, шов этиб ёмғир ёғса нима қиласан? Ўн тўрт процент пахтангни лунжингга шўр пахта қилиб боғлайсанми?.. Келаси йил менинг бригадамга ўтақол. Биронта эски кетмонга даста қилиб қўя қоламан!..»

Абдулла Қаҳдорнинг бирон калима сўзини ўрнидан жилдириб бўлмайди, ҳаммаси бамисоли ипга тизилгандай. Турган гап, буларнинг ҳаммаси узоқ меҳнатнинг самараси.

Қаерда бўлмасин, Абдулла Қаҳдор минбарга чиққанда айтадиган сўzlарининг замирида албатта тил масаласи ётар эди.

Мана, чет тиллар педагогика институтининг студентлари билан бўлган учрашувда сўзланган нутқдан парча:

«...Мен студентлар билан кўп учрашганман. Студентларнинг дилкуши суҳбатларини биламан...»

Сизлар ҳар қаердан келгансизлар. Институтни биштиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар борадиган жойларингга чет тиллар билан бирга (балки биринчи наебатда) ўз она тилимиз — ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб боринглар! Ўзбек тили ғоят бой, ниҳоят чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғуни ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар; қаерда ва қандай шароитда ишламанглар, тил маданиятизининг машъали бўлинглар!

Мен бу гапни тилимизнинг бойлигига дахл қиласидиган, ҳусн латофатини бузадиган, тилимизни «таҳрир» қилишга қаратилган қилиқларга барҳам бериши мақсадидагина айтаётганим йўқ. Бу гапнинг фақат тилимизагина эмас, давлатимизга, тузумимизга ҳам алоқаси бор.

Мен бундан бир неча йил муқаддам Ҳиндистонга борганимда бир ўзбек учраб қолди. Бу ўзбек Ҳиндистонга уч яшарлигигда бориб қолса ҳам, ўз она тилини йўқотмаган экан. Шу одам мендан:

— Ўзбекистонда ҳали ҳам ўзбек тили борми? — деб сўраб қолди.

Бу савол менга ғалати туюлди: бу одам бегона элларда юриб, ўзбек тилини йўқотмабди-ю, нима учун ўзбек ҳалқи ўз миллий республикасида ўз тилини йўқотиши керак? Мен тушунтирдим. Ўзбекистонда ўзбек тили боргина эмас, бу тилда миллион-миллион нусха газета-журналлар, китоблар нашр этилади, театрлар гуллаб-яшина бурибди, дедим.

Кейинчалик билсан, Ҳиндистон республика бўлишидан олдин мустамлакачилар ҳинд ҳалқининг қулогига: «большевик миллий маданиятнинг офати, большевизм қадам босган жойда ҳар қанақа миллий урф-одат, миллий маданият, жумладан тил ҳам барбод бўлади, бугукул йўқолади» деб қўйгани экан.

Бу гап қай даражада қабиҳ тухмат эканини йил сайин равноқ топаётгани миллий маданиятимиз, қоматиги жаҳонга кўрсатиб турган адабиётимиз, санъатимиз мисолида кўриши мумкин.

Тарихда ўтган буюк одамларнинг деярли ҳаммаси ўз она тили устига ўз замонасининг бой, маданий тилаа-

ридан бирини ё бир нечасини яхши билган. Навоий форс тилида шеър ёзган. Лермонтов француз тилида шеър таълиф этган, Абу Али ибн Сино араб тилида илмий асарлар ёзган. Биз учун шундок тил рус тилидир. Биз учун керакли ҳамма модда бу тилда бор. Шунинг учун бу тил бизнинг иккинчи она тилимиз ҳисобланади.

Шунинг учун сизлар борадиган шаҳар, қишилоқларга ўзбек тилига чексиз мұҳаббат түйғусини олиб борганларингда бу түйғуни иккинчи она тилимиз — рус тилига ҳам қаратишларинг зарур! Рус тилини иккинчи она тилимиз дейшишимиз учун ўз тилимизни билишимиз керак!

1965 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институты студентлари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқлари замирида ҳам асосан тил масаласи эди:

«...Кейинги вақтларда одоб-ахлоқ масаласига илгаригига нисбатан жуда катта эътибор қилиняпти. Матбуот доим шу масала билан шуғулланяпти. Бу албатта, ёшларимиз бузилиб кетяпти экан, ёшлар орасида ярамаслар кўпайибди экан, деган фикрга бориш керак деган гап эмас. Масала шундаки, яхши ёшларимиз, одобли ёшларимиз, одамнинг ҳаваси келадиган ёшларимиз ўз ишлари билан машгул...

Ёшларнинг кўп қисми яхши экан, нима учун бу масалага алоҳида эътибор қилиняпти, деган савол туғилиши мумкин.

Бир мисол: арзимаган калтакесак бир қозон ошни ҳаром қилиши мумкин; шунинг учун биронта калтакесак ошни ҳаром қилмасин деб киши атрофга қарайди. Шунга ўхшашиб оз бўлса ҳам ўшанақа одамлар бўлмасин. Ишни шундай ташкил қилайликки, бундай одамлар жамиятимиздан ўрин топмасин.

Бизнинг матбуот ҳам, радио ҳам — ҳаммаси мана шунга қаратилган бўлиши керак. Ярамас одам сувнига бетидаги ёғдай ажралиб турадиган бир ҳолатни вужудга келтиришимиз зарур. Ҳозир бизнинг пропаганда қуролимизнинг ҳаммаси шунга қаратилган. Бироқ пропаганда қуролимизнинг ҳаммаси ҳам яхши ишилаётгани ийқ...

Энг юксак ғояларимизни энг нўноқ тил билан айтишига қарши ёшларимиз исён кўтаряпти.

Яқинда мен Ҳамза номидаги драма театрида «Оқ кабутар» деган бир спектаклни кўрдим. Еш драматурга жуда катта юкни ўз устига олибди: нима учун бизнинг

пропагандамиз кучсиз, деган гапни катта жасорат билан, баланд товуш билан айтибди, бироқ драматург сифатида ҳали ёш бўлгани учун тиззаси қалтирайди. Аммо олдига қўйган мақсад жуда олижаноб мақсад. Бу пъесанинг муаллифи Фарҳод Мусажонов...

Шу пъесани кўриб жуда хурсанд бўлдим, шунинг учун хурсанд бўлдимки, қотиб қолган тилимизга ёш бир йигит исён кўтаряпти. Бу тил билан пропаганда қилиб бўлмайди деялти...»

Абдулла Қаҳҳор ҳар куни соат иккита қишлоқ хўжалик ходимларига бағишлаб бериладиган эшилтиришларга қулоқ солиб, кўпинча хуноб бўлиб юрар эдилар. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида «Тошкент оқшоми» газетасининг ташаббуси билан ташкил этилган учрашувда радионинг камчиликлари, агар музикага ўраб бермаса ҳеч ким эшилтмайдиган баъзи бир очеркларини аёвсиз танқид қилганлари радио ва телевидение раҳбарларига таъсир қилибди. Шу учрашувдан кейин, орадан кўп ўтмай, Абдулла Қаҳҳор радио ва телевидение ходимларининг йиғилишига таклиф қилинди. Мана, ўша йиғинда сўзланган нутқдан айрим парчалар:

«...Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу йўқ! Бу тил эллик йил ичida шундоқ бир қудрат касб этдики, халқимизни жаҳон, рус маданиятига шерик қилиб қўйди. Афсуски, радиомиз кўпинча халқ билан мана шу бой, чиройли, пурқудрат тилда гаплашмайди. Одамлар борки, бисотидаги бир ҳовув сўзни айлантириб ойлигини олаверади, ўқиш ўрганиши билан ўзбек тилининг имкониятидан тўлароқ фойдаланишини истамайди ёки бунга фаросати етмайди. Мана шу одамларнинг дангасалиги ёки фаросатсилиги, чала мулла «олим»ларнинг илмий фаолияти оқибатида шундоқ бир тил вужудга келганки, на муомалада, на суҳбатда, на оиласда ҳеч ким бу тилда гапирмайди...»

Бу тилни фақат микрофон кўтаради, бунга фақат микрофон тоқат қиласди...

Бизнинг матбуот ва радио тили нима учун кундан-кунга халқ тилидан узоқлашиб боряпти? Нима учун тилимизнинг қонун-қондалари бузилияпти? Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузгаётганларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди?..

...Кейинги вақтларда ашула жанрининг ғоявий-ба-

дипи савияси ҳам тобора пастлашиб кетяпти. Радио ва телевидениедан бериладиган кўп ашулаларнинг тексти хароб. Композиторлар бу текстларни қайси гўрдан топганига ҳайрон қоласан киши:

...Бир кўнглим олма деди,  
Бир кўнглим олгин деди.  
Кўлим ҳеч бир қайтмаган...

Нима гап ўзи? Шу ҳам шеърми? Шу ҳам ашулами?  
Буни қаранг:

Ким ўзи, ким ўзи?  
Кўнглимга олов ёқиб кетган ким ўзи?  
Боқанига ошиқ бўлиб қолдимми?  
Бирданига шоир бўлиб қолдимми?  
Ким ўзи, ким ўзи?

Маст одамнинг хиргойисига қулоқ солинг:

Аҳдига вафодорим, жононимни кўп соғиндим,  
Кўнглимга меҳр қўйган меҳрибонимни кўп соғиндим.  
Жону тан садқасидир, жононимни кўп соғиндим,  
Кўксимга жило берган оромимни кўп соғиндим.

Бу чаласавод одамнинг қоғоз тирнаб қилган машқи қаёқдан композиторнинг қўлига тушди-ю, бунинг нимаси музика ёзишига илҳом берди экан?

Классикларда ҳам, ҳалқ адабиётида ҳам, ҳаётда ҳам одатан йигитлар яхши кўрган қизларини мақташар эди: қўзинг ундоқ, ўзинг мундоқ дейишар эди, ҳозирги кўп ашулаларда қизлар ўзларини ўзлари мақташади: у ёғим бундоқ, бу ёғим ундоқ дейишади.

Эй, шоир, ташаббус эркакдан бўлиши керак, бул-булнинг ҳам эркаги сайдайди-ку, дейдиган одам йўқ!..»

Езувчилар союзида бўладиган йиғинларга келган ёшлилар ҳамиша Абдулла Қаҳҳорнинг сўзга чиқишини сабрсизлик билан кутишар, президиумга доимо даста-даста саволлар тушарди. Абдулла Қаҳҳор сўзга чиқишини мажлис аҳли интиқ бўлиб кутар эди.

Мана, 1965 йилнинг май ойида ўтган Езувчилар съездига президиумига тушган хатлардан айримлари:

«Ҳурматли Абдулла Қаҳҳор! Китобхонлар сизнинг сўзга чиқишинигизни кутмоқда».

**«Съезд президиумига.**

**Хурматли Абдулла Қаҳдор!**

**Съезднинг ёш делегатлари бўлган университет сту-  
дентлари сизнинг бугунги ийғилишда сўзга чиқиши-  
нгизни илтимос қиласдилар.**

**Бир группа студентлар».**

**«Хурматли Абдулла Қаҳдор!**

**Биз — китобхонлар сизнинг нутқингиз: адабиётимиз-  
нинг тақдирин масалалари, келажаги ҳақидаги доно  
фикрингизга муштоқмиз. Шу бугун, тўғрироғи ҳозир чи-  
қишингизни кутамиз».**

**«Хурматли Сергей Петрович!**

**Абдулла Қаҳдор қачон сўзга чиқади? Сабрсизлик  
 билан кутмоқдамиз.**

**Китобхонлар».**

Мана бу эса — 1965 йил прозаси ҳақида сўзланган  
нутқнинг тезиси:

**«Кейинги ийларда адабиётимизнинг энг катта юту-  
ги — бадиий маҳорат масаласининг диққат марказида  
турганлиги, дейиш мумкин.**

**Бадиий маҳорат чиройли иборалар, ифодалар, анти-  
қа воқеалар, кулгили ва қайгули ҳолатлар топиш эмас,  
халқка айтадиган зарур сўзимизни китобхоннинг қалби-  
га олиб кирадиган образлар яратиш демакдир. Езуечи-  
нинг халқка айтадиган гапи нақадар муҳим, нақадар  
салмоқли, нақадар зарур бўлса, буни китобхоннинг  
қалбига олиб кирадиган образ шу қадар кучли бўлиши  
керак. Шунинг учун биз бугун олтмиш бешинчи йил  
прозасини кўздан кечириш, ютуқлариги суюниш, заиф  
томонларига афсусланиб, тажриба ортириш учун  
ийғилган эканмиз, ўтган йили яратилган образлар тўғ-  
рисида гапирсак, гапни шундан бошлиб, шу билан та-  
мом қилсан муродимизга етган бўламиз.**

**Асарга баҳо берилганда унинг қалин ё юпқалигига,  
уни ким ёзганига, ҳатто нима мақсадда ёзилганига эмас,  
ундаги образларга қараб баҳо берилса, яхшироқ бўла-  
ди. Шунда асарга катта адабиёт чўққисидан қараб баҳо  
берилган бўлади. «Маҳалла аҳамиятига эга бўлган»  
асарлар китобхонлар кўзида адабиётнинг қадрини ту-  
ширади. Бадиий асарга баҳо беришда юз хотир, ғараз,  
ҳасад, лаганбардорлик сингари иллатлар адабиётга йўл  
тополмайди».**

\* \* \*

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос хислатларидан яна бири шу эдики, у киши то айтадиган сўзларини қофозга туширмасалар, кўнгилга тугиб қўйган гаплари бўлмаса минбарга чиқмас әдилар. Тўй ёки ўтиришларга бориб қадаҳ кўтаргандা айтадиган икки оғиз сўзларини ҳам аввал қофозга тушириб олардилар. Тайёргарлик кўрмасдан бирон маротаба минбарга чиққанларини билмайман. Бу албатта, минбарга чиққанда қофозга қараб гапирар экан, деган маънони англатмаслиги керак. Абдулла Қаҳҳор доимо қофозсиз гапирардилар. Аммо минбарга чиқиб айтадиган сўзларини «етти ўлчаб, бир кесиб», кўнгиллари тўлгачгина айтар әдилар. Бу ўша аудиторияга нисбатан ҳурмат сақлашнинг аломати эди...

#### IV

1947 йилнинг охирларида Ёзувчилар союзи бизга «Москвич» енгил машинаси ажратди. Иккаламиз автомото клубга қатнаб, бир ҳафта-ён кун ичида машинанинг қисмларини ўргандик, инструктор ёрдамида машина ҳайдашни машқ қилдик. Аммо имтиҳон чогида: «Ҳозирча хотиним рулда ўтирсин!»,— деб у киши менга ишора қилдилар. Ўзлари орқа ўриндиқда, мен рулда ўтириб, автоинспектор ҳамроҳлигида шаҳар айланиб келдик ва мен «ҳаваскор ҳайдовчи» гувоҳномасини олдим, тўрт-беш ой «Москвич»ни ҳайдаб юрдим.

У вақтларда хотин-қизлардан машина ҳайдовчилар жуда камлиги учунми, милиция ҳавасга ҳам тўхтатаверарди.

Бир куни Абдулла Қаҳҳор шундоқ дедилар:

— Иўқ, бўлмади. Куппа-кундузи кўчанинг ўртасида милиция тўхтатиб: «Қани, опажон, правангизни кўрсатинг», деб хотинингга ишшайиб туриб ҳазил-мутойиба қиласа-ю, сен унинг қулоғи остига туширолмасанг! Бўлмади, руль эркак кишининг қўлида бўлгани маъқул экан.

У киши уч-тўрт кун Янгийўл томонларга бориб, машина ҳайдашни ўрганиб, имтиҳон топшириб, гувоҳнома олдилар, мен эсам, «запас шоффёр» бўлиб қолавердим.

Машина бўлгандан кейин ўёқ-буёққа борищ муаммоли ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлди. 1948 йилнинг баҳорида Оржоникидзе районининг «Қизил Ўзбекистон» колхозига

кўчиб чиқдик. Албатта, дам олиш мақсадида эмас. Ўрни келганда шуни айтиб қўяйки, Абдулла Қаҳҳор колхоз, совхозни бир айланиб битта очерк ёза оладиган ёзувчилардан эмас эдилар. У киши ёзилажак асарларининг қаҳрамон билан яқиндан танишмагунча қўлга қалам олмасдилар.

Биз яшаган ҳужра ҳозирда колхознинг янги идораси тушган ерда эди. Ҳужранинг бир чеккасида темир каравот, бир чеккасида электр плита туради.

Абдулла Қаҳҳор колхоз раиси Абдужамил aka Матқобилов билан жуда иноқлашиб қолдилар. Абдужамил aka шопмўйловли, соxту сумбатидан раислиги билиниб турадиган салобатли одам эди. Колхоз ўша йилларда ҳам кўп тармоқли хўжалик бўлиб, раис қўли бўш бўлган пайтларда Абдулла Қаҳҳорни олиб ферма борми, дала борми, қир борми айлантириб келарди.

Раис кўпинча азим садақайрағоч остига қўйилган сўрида ўтириб, колхозчиларнинг истак ва фикрларини тинглар эди. Иши тушган одам қўл қовуштириб, шу ерга келарди. Абдужамил aka ишнинг кўзини биладиган миришкор раислардан эди. Кейинчалик «Синчалак» повести ёзилганда Қаландаров образида Абдужамил aka нинг баъзи бир хислатлари ўз аксини топди.

Бир куни раис арз эшитадиган сўрида биз ҳам ўтирган эдик. Бир маҳал оёғида этик, эгнида гимнастёрка, тўладан келган барваста киши машинадан тушиб, шахдам қадам ташлаб, сўри томон кела бошлади.

— Э, Усмон aka-ку,— дея Абдужамил aka билан Абдулла Қаҳҳор дарров у кишининг истиқболига югуришди.

Усмон aka ниҳоятда камсуқум эканлар. Кўрган киши бу одамни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари деб сира-сира ўйламас эди. Келиб ўтиргач, ҳол-аҳвол сўрадилар. Кейин Абдулла Қаҳҳорга қараб:

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?— дедилар. (У киши ҳаммани сенсираб гапирав эканлар.)

Абдулла Қаҳҳор колхоз ҳаёти билан яқинроқ танишиш мақсадида икки-уч ойдан бери шу ерда яшаётганикларини айтдилар.

— Мирзачўлга бормайсанми? У ерда ҳам чўлни бўстонга айлантираётган одамлар жуда кўп. Агар хўп десанг, мен шу бугуноқ райкомга телефон қиласман,

райком секретари Тоҳиров сени кутиб олади,— дедилар Усмон Юсупов.

Турган гапки, Абдулла Қаҳҳор бу таклифга рози бўлдилар.

1948 йилнинг август ойида яна «Москвич»га ўтириб, Мирзачўлга қараб йўл олдик. Тўғри район партия комитетининг ўша даврдаги секретари ўртоқ Тоҳиров хузурига кирдик. У киши бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди ва ўша куниёқ колхозга бошлаб борди. Колхоз идораси пастқамгина иккита хонадан иборат экан. Колхоз раиси баланд бўйли, қотмадан келган киши бўлиб, 1941 йили Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан Намангандан Мирзачўлни обод қилгани, чўлу биёбонни боғу бўстонга айлантиргани келган экан.

У пайтларда умуман колхозда кўзга кўринадиган муҳташам иморатнинг ўзи йўқ эди. Колхоз идорасининг ёнгинасида келди-кетди учун иккита кичкина хона ажратиб қўйишган экан, биз ўша ерга тушдик.

Абдулла Қаҳҳор табиатан тортинчоқ, одамларга аралашибиши жуда қийин эди, хайриятки колхоз раиси ёқиб қолди-ю, тезда эл бўлиб кетишиди. Ўша йиллари Мирзачўлнинг кўчалари тўпиққа урадиган тупроқ, салгина ёмғир ташласа, бир ҳафтагача қуrimай, шираҷдай бўлиб ётар эди. Колхоз раиси билан Абдулла Қаҳҳор кўпинча от миниб дала айланишарди. Баъзан раиснинг қизил «Фиат» машинасида мени ҳам дала айлангани бирга олиб чиқишишар эди. Гоҳ-гоҳ машҳур пахтакор, Андижоннинг Бўтақора районидан, Мирзачўлни Мирзабўстонга айлантираман, деб келган Ганишер Юнусовнинг бригадасига бориб, дала шийпонида узоқ-узоқ сухбатлашиб ўтирас эдик.

Биз яшайдиган шароитда ижод қилиш ниҳоятда душвор эди. Колхознинг кичкинагина движоги бўлиб, бирпас тап-тап қилиб ишлар эди-ю, соат тўқиз бўлар-бўлмас тўхтаб қоларди. Абдулла Қаҳҳор симнинг бир учини ерга кўмиб, кичкинагина хонани ёритиб, кундалик таас-суротларини ёндафтарга ёзардилар.

Сал вақтда совуқ ҳам тушиб қолди. Ҳужракни иситай десак на ўтин бор, на кўмир. Тошкентга тушиб бир машинада ўтин-кўмир олиб чиқдик, эски шаҳар бозоридан битта ўтизинчи лампа олдик. Абдулла Қаҳҳор шу лампадан керосинка ясадилар. Электр чироқ ўчгандан кейин лампа ҳам уйни ёритар, ҳам иситар, яна устига ус-

так унда чой ҳам қайнатар эдик. Лекин бирор марта Абдулла Қаҳҳор, шу шароитда яшаб ижод қилиш мумкинми, деб шикоят қилмаганлар. Кунбўйи ё сувора, ё пиёда дала айланар эдилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Мирзачўлда куз», «Сўз Фанишерга», «Келинг ошна, чўл қувлаймиз» очерклари шу сафар таассуроти бўлиб майдонга келган.

Уша йили ноябрь ойининг бошларида бирдан Абдулла Қаҳҳорнинг тоблари қочиб, Тошкентга қайтишга мажбур бўлдик. Қелишимиз билан касалхонага ётдилар. Бирор ҳафтадан кейин диагнозлари маълум бўлди: қанд касалига чалинган эканжар.

Бир нарсани алоҳида эътироф қилиш керакки, гарчи биз унча-мунча қийналган бўлсак ҳам Мирзачўл сафари Абдулла Қаҳҳор ижодида катта бурилиш ясади. «Яни ер» («Шоҳи сўзана») комедиясининг «пойдевори» ҳам ўша ерда қўйилди. Ундаги Мавлон, «Синчалак»даги Эшон каби образларнинг прототипларини Абдулла Қаҳҳор Мирзачўлда учратгандар.

Касалхонадан тузалиб чиққач, «Шоҳи сўзана» комедиясини ёзиб тугатдилар. Бу комедия 1949 йили республика миқёсида ўtkазилган ёпиқ конкурсда «Мирзачўллик» имзоси билан қатнашиб, юксак мукофотга сазовор бўлди. Уша йили ўзбек саҳнасининг отахони Етим Бобоҷонов бу асарни Ҳамза номидаги театр саҳнасида қўйди.

1950 йили СССР Давлат мукофотининг лауреати Ю. Герман билан Б. Рест таржимасида «Шоҳи сўзана» Москвада, «Звезда» журналининг март сонида чоп этилди ва келгуси йили комедия СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Абдулла Қаҳҳор биринчи бўлиб ўзбек драматургиясини Умумиттифоқ саҳнасига олиб чиқди. Кейинчалик бу асар бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам саҳналаштирилди. Вьетнам Демократик Республикасида эса, бу комедия саҳналаштирилди ҳамда алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Асар муаллифи номига грек ёзувчиси Костас Франческодан келган мактуб шу жиҳатдан қизиқарлидир:

«Афина, 1959 йил, 15 март.  
Машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳорга

Совет Иттифоқи сафоратхонасининг лутфу марҳама:  
тидан баҳраманд бўлиб, Сизга ушбу мактубни йўллаяп-  
ман.

## *Мұхтарам дұстим!*

Приеда нашр этиладиган «Периодико мас» журнали учун Совет Осиёси адабиётининг мұхтасар обзорини түзарканман, ўзингиз ва адабий фолиятигиниз ҳақида мағлумот берганим ва «Шоҳи сўзана» пъесангизнинг биринчи пардасини шу журналнинг 1959 йил, 7—8 сонларида ўз таржимамда (мен шу журналда ишлайман) эълон қилганимни зўр қувонч билан мағлум қилмоқчиман.

Греция адабий жамоатчилигининг таассуроти шу қадар кучли бўлдики, ҳатто менда бу ишни давом эттиришга рағбат уйғонди.

Хозирги Совет Осиёси адабиёти ҳақидағи мүқаддимадан ташқари, мен Сизнинг асарингиздан парча бостирдим. Шунингдек, машҳур ёзувчи Мұхтор Аvezov ва шоир Али Тўқомбоевларнинг асарларидан ҳам айрим боблар эълон қилинди. Келажакда ажойиб ёзувчи Айний ва бошқалар ҳақида ҳам ёзиш ниятим бор.

Хат билан бирга «Периодико мас» журналининг 7—8 сонларини юбордим.

Агар мумкин бўлса, француз тилида таржима бўлган асарингизни юборсангиз (мен ажнабий тиллардан француз тилини яхшироқ биламан), айни муддао бўлур эди. Бу нарса сизнинг ижодингизни тўлароқ тадқиқ этишимда менга ёрдам беради албатта. Асарингизни қаердан ва қандай қилиб олишим ҳақида, француз тилида, менга мағлум қилинг.

*Сизга катта ҳурмат билан,  
Костас Франческо».*

Иттифоқимизда «Шоҳи сўзана»ни биринчи бўлиб Ленин комсомоли номидаги Ленинград театрида СССР халқ артисти Георгий Александрович Товстаногов саҳналаштириди.

Спектакль ҳақида «Правда» газетасининг 1952 йил, 11 ноябрь сонида Г. Капралов шундай деб ёзган эди:

...«Янги ер» (*«Шоҳи сўзана»*) чинакам хушчақчақ комедия: ундан ҳазил, мутойиба, асқиля барқ уриб турибди. Драматург совет ватанпарварларининг осойишта меҳнатини улуғлайди. Ҳаётдаги ажойиб анъаналарнинг эскилик қолдиқлари билан кураш жараёнида ривож топишни ҳаққоний кўрсатилади. Қаҳҳор ўз комедиясини нозик конфликт асосига қурган...

Ленин комсомоли номидаги театр колективи ҳаёт-

**‘Бахш комедияни саҳналаштиришига мувваффақ бўлибди...’**

Бу асар ҳақида жуда кўп тақризлар ёритилди. Шулардан айримларини сақлаб қўйганман. Мана улар:

Александр Димшиц «Вечерний Ленинград» газетасининг 24 апрель сонида босилган мақоласида, жумладан, шундай дейди:

«Ленин комсомоли номидаги театр жуда ажойиб, жуда хушчақчақ спектакль кўрсатди, деган ҳис-туйғу билан янги ўзбек комедияси «Шоҳи сўзана»ни томоша қиласан, бу жўшқин, хушчақчақ спектаклни кўриб бўлгач яна шу ҳис-туйғу билан театрдан чиқиб кетасан!

Ўзбек драматурги Абдулла Қаҳҳор ҳозирги мавзуда ажойиб истеъодд билан лирик комедия ёзибди...»

М. Троянский («Ленинградская правда», 1952 йил, 8 май):

«...Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедияси Ленин комсомоли номидаги театр саҳнасида қўйилиши ҳам муаллифнинг, ҳам театрнинг сўзсиз улкан ютуғи ҳамда совет томошабинларига муносиб ҳадясидир...

Рус ва совет театри тарихида биринчи маротаба Улуг Октябрь инқилобигача ўз театри ва миллий драматурги бўлмаган ўзбек халқи вакилининг оригинал асари қўйилмоқда...»

«Советское искусство» газетасининг 1952 йил, 4 июль сонида Золотинский қўйидагиларни ёзган эди:

«...Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана»си шунинча учун ҳам кишини мафтун этадики, бу комедия шу йил яратилган пьесалар орасида энг яхшиси ҳисобланади.

Ленин комсомоли номидаги театр бу комедияни биринчи бўлиб саҳнага қўйди, унинг бу хизматини тақдирлаш керак...»

Биргина Ленин комсомоли номидаги театрда қўйилган спектакль ҳақида бешта катта мақола чиқиши «Шоҳи сўзана» комедиясининг қадридан дарак бериб турибди. Бу комедия муаллифга катта шуҳрат келтирди. «Шоҳи сўзана» бир неча мавсум Иттифоқнинг деярли ҳамма театрлари саҳнасида қўйилди.

Авторлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш бошқармасининг берган маълумотига кўра «Шоҳи сўзана» Иттифоқнинг 74 театри саҳнасида қўйилган. Муаллиф номига жуда кўп театрлардан устма-уст телеграммалар келар, улар Абдулла Қаҳҳорни премьерага таклиф қилишар эди. Бироқ у киши ниҳоят даражада камтарин одам бўй

либ, ортиқча дабдаба ва тантаналарни хуш кўрмасди-  
лар. Фақат, Ленин комсомоли номидаги Ленинград теат-  
ри билан Моссовет номидаги Москва драма театрининг  
премьерасига бордилар, холос.

Азибеков номидаги Озарбайжон академик драма  
театри «Шоҳи сўзана»ни саҳналаштирганда биз Қисло-  
водскда истироҳат қилиб юрган эдик. Уйга қайтишда  
Боку орқали ўтиб, премьерада қатнашдик. Латвияга  
эса Абдулла Қаҳҳор ўрнига мен бориб, премьерани ўт-  
казиб келган эдим.

Ҳар йили ёзда ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод бо-  
ғига кўчиб чиқар эдик. Бир куни аргувон дараҳти ости-  
да, сув устига қўйилган сўрида меҳмон кутдик. Меҳ-  
монлар орасида «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси  
Абдужамил Матқобилов, Ўзбекистон Компартияси Мар-  
казий Комитетининг ўша даврдаги секретари Ҳожиак-  
бар Гуломов ўртоқлар бор эди. Гапдан гап чиқиб, Аб-  
дулла Қаҳҳор:

— Темирчининг ўғли бўлганим туфайли бутун бола-  
лик йилларим кўрпа кўтариш билан ўтган эди,— деди-  
лар.— Ўша кифоядир деб ўйлаган эдим, йўқ, яна чаласи  
бор экан: шу ёшга кириб яна кўрпа кўтариб юрибман,  
Озгина ер бўлса, битта капа қуриб, кўч-кўч азобидан  
қутулар эдим.

Шунда Ҳожиакбар Гуломов:

— Мана шу ерга иморат солсангиз бирор сизга бир  
нима дермиди,— деди ариқ бўйидаги бедазорга ишора  
қилиб.

— Аслини суриштирангиз бу ер колхозники, чегара-  
миз ҳув ариқ эди,— деб гапга қўшилди Абдужамил  
ака,— ўртадан йўл ўтгандан кейин йўлнинг бу томонида  
бир парча ер қолдию, биз ҳам баҳридан ўтиб, ёзувчи-  
ларга бердик. Агар сиз шу ерга иморат солсангиз, мар-  
ҳамат! Биздан нима хизмат талаб қилинса, ҳаммасига  
камарбастамиз.

Ҳазил-хузил билан 1953 йилнинг ёз фаслида биз  
иморат бошладик. Бошимга похол шляпа кийиб, икки  
йил «прораблик» қилдим. «Машина ҳайдашни билсангиз  
ҳам, бари бир сиз келгунча юрагимни ҳовучлаб ўтира-  
ман», деб у киши мени бирга олиб юрар эдилар. Ҳали  
ғишт учун колхознинг хумдонига, ҳали ёғоч-тахта учун  
колхознинг тахта кесадиган саройига борардик. Ўзлари  
ҳеч қачон машинадан тушмас эдилар: доду муомала  
менинг бўйнимда.

Шу тариқа икки йил мобайнида иморатни тиклаб, өллик тўртингчи йилнинг баҳорида кўчиди чиқдик. Абдулла Қаҳҳор энди фақат ижод билан банд, боғнинг ўёқбуёғига қараш менинг зиммамда эди. Муҳаббат кишига қанот бағишлади, деган гап бежиз эмас экан. Муҳаббат мендек эрка ўсган арзанда қизни боғбон қилиб қўйди. Абдулла Қаҳҳор шафтолини жуда яхши кўрар эдилар. Умримда қўлимга токқайчи олмаган бўлса ҳам, пайванд қилишни ўргандим. Агар бирор жойда чилги шафтолими, нақш олмами, ёқиб қолса, албатта кузда пўстлоғини нам докага ўраб опкелиб, найча пайванд қилар эдим. Бизнинг боғда бир туп шафтоли уч-тўрт хил ҳосил қиласар эди.

Истироҳат кунлари боғимиз гавжум бўлар эди. Абдулла Қаҳҳорнинг ёру биродарлари: академиклардан Ҳабиб Абдуллаев, Убай Орипов, Жўрахон Сайдов, Муҳаммаджон Ўрозбоев, Мирзавали Муҳаммаджонов, шифокорлардан Самарқанд Медицина институтининг профессори Мамажон Қулматов, Андижон Медицина институтининг ректори Юсуфбек Отабеков ва бошқалар келиб туришар эди. Айниқса, Абдулла Қаҳҳор бошқа ёру дўстларига нисбатан Муҳаммаджон Ўрозбоев билан тез-тез учрашиб турар эди. Чунки улар ёшликтан ўртоқ бўлиб, бир интернатда таълим олишган. Қўқондан Тошкентга келганда ҳам бирмунча вақт бир жойда истиқомат қилишган. Буларни бирлаштирган яна бошқа бир сабаб ҳам бор: Ўрозбоев гарчи техника фанлари соҳасида ишласалар ҳам, бадиий адабиётга жуда қизиқар эдилар, бирон янги асарни ўқисалар, албатта келиб ўз фикр-мулоҳазаларини айтар эдилар.

ЁзувчиларданFaфур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла ва бошқалар тез-тез бизнинг меҳмонимиз бўлишарди. Шоир Чархий мабодо Қўқондан Тошкентга келиб қолсалар, кўпинча бизнинг боғда бўлар эдилар.

Кўқонликлар умуман ҳазил-мutoибага жуда моҳир бўлишади. Агар, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла ва Чархий домла бирга ўтириб қолишса, дарров аския бошланиб кетар эди.

Мана, Чархий домланинг Абдулла Қаҳҳор юбилейи муносабати билан ёзган ҳазил шеъри:

**«Фозилу муҳтарам, адаби мукаррам, дўстимиз Абдулла Қаҳҳорга.**

Улкан әдіб Абдулла Қаҳдоримиз,  
Камтару зийрак, дили ҳушёrimiz.  
Йўлчи рафиқ ўртадаги норимиз,  
Ҳамдамимиз мақсади вълогача.

Ҳалқу Ватан васфида ижодингиз,  
Мангу кўнгил лавҳида бунёдингиз.  
Ечди ширин рамз ила имдодингиз,  
Фикри чигил нуқта, муаммогача.

Ҳажвингиз ачниғ vale мазмуни қанд,  
Ақл тарозусига солганда панд.  
Сўзларингиздан ҳаммамиз баҳраманд,  
Юсуф удур хоҳи Зулайҳогача.

Қиссангиз эл тарихининг дафтари,  
Тобин олурсиз қалам оқангари.  
Куйди бир учқун била ҳар жангари,  
Билғанича ҳосиду саллогача.

Сизга омонлик тилаги созидир,  
Бу тўйингиз элнинг қувонч ёзидир.  
Барча китобхонларингиз розидир,  
Яъни бу дунё-у, у дунёгача.

Ўтди саодат била олтмиш баҳор,  
Сизга умур истагимиз сад ҳазор.  
Даврада сиз бизлар учун ифтихор,  
Табрик ўқир булбулигўёгача.

Суҳбатимиз файзидир оламшумул,  
Бўлди пойяндоз зар ўрнига гул.  
Тухфай Чархий қаламин ҳадди шул,  
Раҳмату таҳсину тасанногача.

Ҳурмат ва самимият билан дўстингиз  
Чархий.

2 сентябрь, 1967 йил».

Боғимизниниг гавжум бўлиши бежиз эмас эди. Абдулла Қаҳдор оддий деҳқондан тортиб, то академиккача — ҳамманинг кўнглини топа олардилар. Одамнинг кўнглига тушадиган биргина калити бор, бу калит — камтарларлик, оддийликдир. Абдулла Қаҳдор номи Иттифоқ бўйлаб тараалганда ҳам «мен фалончиман» демаганлар. Шу сабабли ҳам уйимииздан яхшилар қадами сира узилмас эди.

«Шоҳи сўзана» комедиясининг довруғи сусаймасдан туриб, Абдулла Қаҳҳор 1953 йилда «Оғриқ тишлар» комедиясини яратдилар. Бу комедия Александр Осипович Гинзбург томонидан 1954 йили Ҳамза номидаги Академик драма театри саҳнасида қўйилди, томошабинлар меҳрини қозонди.

Абдулла Қаҳҳор ижод билан асосан қишида шуғулланиб, ёз фаслида Фарғона водийси ва республиканинг бошқа воҳаларини айланиб юрар эдилар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб, ёзиладиган асарларининг қаҳрамонлари билан учрашар, уларнинг феъл-автори, меҳнат фаолияти билан яқиндан танишишни яхши кўрар эдилар.

У киши 1954 йилининг қишида «Синчалак» повести-ни ёзишга киришдилар. Одатдагидек, бўлажак асарнинг асосий образларига оид тасвиру деталлар ёндафтарда тайёр эди. Фақат ўтириб, қунт билан ёзиш керак эди, холос. Лекин у киши жуда секин, бир маромда ишлар эдилар.

Повесть устида ишлаб юрган чоғлари — 1956 йилнинг ёзида уйимизга ёшгина қизи тенги танноз жувонга уйланган бир танишимиз келиб қолди. Мехмондорчиликдан сўнг биз уларни машинага ўтқизиб шаҳар айландик. Йўл бўйи бозорга тушиб, ул-бул харид қилдик. Бечора, ёши ўтиб қолган «куёв бола» ёш хотини олдида ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиб, жони халқумига келса ҳамки, ўзини бардам, чаққон кўрсатиб, елиб-юрганича майдо-чуйдаларни машинага элтиб қўярди. Абдулла Қаҳҳор унинг ҳансирашини кўриб, қўлидан тўрхалтани олишга харчанд уринсалар-да, бари бир у тутқич бермас эди. Харид қилинган юкларни машинага жойлаб, ҳаммамиз ўриндиқча ўтиргандан кейин «куёвбола»нинг афти-ангорига қарасак, ҳоли хароб, бурникиннинг учи оқариб, калта-калта нафас оляпти.

Абдулла Қаҳҳор машинанинг ички кўзгусидан менга қараб:

— Зўри беҳуда миён мешиканад,— деб қўйдилар.

Шу воқеа Абдулла Қаҳҳорга туртки бўлди-ю, «Синчалак» повести орасида «Тўйда аза» деган ҳикояни ёздилар ва ўшандага менга машина ичидаги айтган тоҷикча мақолни — «Зўри беҳуда миён мешиканад»ни («Ор-

тиқча чираниш — белнинг заволи») ни ҳикояга эпиграф қилиб қўйдилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг бир кечак ҳикоя ва фельетонларини рус тилига таржима қилган машҳур ҳажвчи Леопард Ленч «Тўйда аза» ҳикоясига шундай баҳо берган эди:

«Конфликтсиз кичик ҳикоя китобхонда яхши таассурут қолдирмайди. Буни моҳир ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор жуда яхши билади. У кичик ҳикояларини зўр маҳорат билан ёзади. Унинг барча ҳикояларида ўткир сюжет, кутимаган ўзгаришлар бўлади. Бир гапни алоҳида эзтироф этиш керакки, буларнинг бариси ҳаётий, бадиий жиҳатдан пухта, ишонарли чиқади. Абдулла Қаҳҳор истеъодди таъриф-тавсифга муҳтоҷ эмас. Менинг гапларим ҳам таърифу тавсиф эмас, балки бир китобхоннинг миннатдорчилиги холос.

Абдулла Қаҳҳор маҳоратини кичкинагина «Тўйда аза» ҳикояси мисолида кўрсатиш мумкин. Инсоннинг ўлими ҳақида кулгили қилиб ҳикоя ёзиш ниҳоятда мурракаб. Бу иш фақат Чеховнинг қўлидан келар эди, французлар эплашар эди. Қарангки, Абдулла Қаҳҳор шунга муваффақ бўлибди. Кичик бир ҳикояда сийқаси чиқиб кетган ўлим воқеаси янгича ҳаётий бўёқлар билан ярқираб, жилоланиб турибди»<sup>1</sup>.

«Минг бир жон» деган ҳикояларининг прототипини 1949 йили касалхонада ётган чоғларида кўрган ва айрим деталларини ёндафттарга туширган эдилар. «Синчалак»дан бир оз «дам олиб», нафас ростлаш кезларида шу ҳикояни ёзиб тугалладилар.

«Синчалак» повестига 1958 йилнинг баҳорида нуқта қўйилди. «Звезда Востока» журналининг ўша йиллардаги масъул мұҳаррири Андрей Митрофанович Иванов бир куни уйимизга телефон қилиб:

— Повестингизни зудлик билан олиб келинг. Ўзимиз таржимон топиб, журналда биринчи бўлиб босиб чиқарамиз,— деди Абдулла Қаҳҳорга.

Узоқ маслаҳатлардан кейин мен повестнинг сўзмасўз таржимасини журналга олиб бориб бердим.

Орадан кўп ўтмай яна Андрей Митрофанович қўнгироқ қилиб:

<sup>1</sup> «Маҳорат мактаби», F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 125-бет.

— Таржимани Константин Михайлович Симоновга топширдик. У киши рози бўлди. Лекин, ҳарҳолда, ўзингиз ҳам бир қўнғироқ қилиб қўйсангиз ёмон бўлмасди,— деди.

Дарвоқе, ўшанда Константин Симонов Тошкентда яшар эди. Абдулла Қаҳҳор у кишига телефон қилсан нима бўлади, қилмасам нима бўлади, бордию повесть ёқмаган бўлса хижолатга қолдирмайин, деб ўч-тўрт кун пайсалга солиб юргач, ниҳоят қимтинибгина телефон қилдилар.

Хайрият, повесть Константин Симоновга ёқибди. У киши Абдулла Қаҳҳорни қизғин табриклиди.

Константин Симонов ўша кунларни эслаб шундай ёзади:

«Қаҳҳор билан шахсан танишганимда унинг мен учун ардоқли бўлган яна бир хислатини сездим: у ўта ҳозиржавоб бўлиб, ўзининг ҳозиржавоблигини билган кишилар, одатан жуда камдан-кам тортинчоқ бўлади, аммо Қаҳҳор ниҳоятда тортинчоқ эди. У ўзининг билим-донлигини, ҳозиржавоблигини ҳамсуҳбатига кўрсатишга шошилмас, теша тегмаган сўзларини асосан адабиёт учун, оқ қофоз билан танҳо қолган вақтлари учун асраб қўяр эди, у ўз қадр-қимматини билар, аммо айни пайтда вазмин, камтарин ва тортинчоқ киши эди.

«Синчалак» қиссасидан сўз очиб: «Мабодо қисса Сизга ёқсау уни таржима қилишга ҳавас уйғонса, фуррату имкониятингиз бўлармикан?»— деб уялиб-қимтиниб, ҳатто ўзини бирмунча ўнғайсиз сезиб илтимос қилгани ҳали-ҳали ёдимда.

Кейинчалик ҳақиқатан ҳам таржимани бўйнимга олганимда бир оз иккиланиброқ ишга киришдим. Чунки қиссанинг ҳайратланарли миллий руҳини рус тилида ифода эта олишга уччалик имоним комил эмас эди. Ўша кезлар Ўзбекистонда бирмунча муддат яшамаганимда балки бу ишга қўл ургани журъат этолмаган бўлар эдим. Аммо кейин жуда-жуда хурсанд бўлдим — таржима жараёнида мен Қаҳҳордай одамни яқиндан танидим; бунинг таажжубланадиган жойи йўқ, чунки ҳеч нарса одамни одамга умумий иш, ҳамкорлик жараёнидаги сингари яқинлаштирумайди.

Мени ташвишга солаётган нарса Қаҳҳорни ҳам ташвишга солаётганини биринчи кундаёқ сездим. Қиссани рус тилига аниқ ўгиришимда у иложи борича менга ёрдам қилишни бажонидил истар эди. Рус тилига муво-

фиқ келадиган иборалару синоним сўзларни қидириб биз озмунча кечакундузларни бирга ўтказмадик!..

Қаҳҳор рус тилини мукаммал билар ва рус адабиётининг билимдони эди. Унинг учун ўзбекча матнга мос келадиган русча ифодаларни топиш ҳеч гап эмас эди.

Мен Тошкентда Қаҳҳор билан ёнма-ён юрган дамларимни маминуният билан эслайман. Унинг насрини рус тилига таржима қилганим туфайли эмас, балки бу иш ёзувчи сифатида мен учун ҳам муҳим эди: шу иш туфайли мен кўп нарсаларни ўргандим, ҳозиржавоб, бир сўзли, қалби одамларга нисбатан марданавор саховатга тўла инсон билан шахсий мулоқот хотиралари қалбимда ўчмас из қолдирди<sup>1</sup>.

Константин Симонов ҳам Абдулла Қаҳҳор сингари ниҳоятда камтарин инсон эди. «Синчалак»нинг биринчи бобини таржима қилиб бўлгач:

— Абдулла Қаҳҳорович, фурсатингиз бўлса мен бугун кечки пайт бориб, қилган таржимамни Сизга ўқиб бермоқчиман,— деб телефон қилиб қолди.

Холбуки, келинг, бирга ўқиймиз дейиши ҳам мумкин эди.

Ваъдалашилган соатда Константин Симонов келди. Рус тилига ўгириш қийин бўлган баъзи бир сўзларни муҳокама қилиб анча маҳалгача ўтирадилар.

Шу тариқа таржима бўлган бобни пешма-пеш кўриб чиқиш бу икки улкан ёзувчи учун одат тусига кириб қолди.

Бу асар Константин Михайловичга азбаройи маъқул бўлганидан, у киши ҳамма ишини йиғишириб қўйиб, қисқа бир муддат ичida таржимани тугатди. Қисса «Звезда Востока» журналининг 1958 йил декабрь сонида нашр этилди.

1959 йилнинг январь-февралида Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ҳафталиги кунларида журнал ҳали босмадан чиқмаган эди, шунинг учун журналнинг бешолти нусхасини брошюра қилиб олиб боришиди.

Ҳафталикда ўзбек адабиёти муҳокамасида совринни «Синчалак» повести олди, десак муболага бўлмайди.

Қаламкаш дўстлар Абдулла Қаҳҳор шаънига жуда кўп илиқ сўзлар айтдилар.

<sup>1</sup> Абдулла Каххар. Изд-во, «Художественная литература». Избр. соч.

Абдулла Қаҳҳорнинг қадрдан дўстларидан бири — украин ёзувчisi, «Тоғ ораликлари» романининг муаллифи Иван Ле «Синчалак» повести ҳақида шундай деган эди: «Синчалак»— ёш бир партия ходими, Саида деган қиз ҳақидаги асар. Лекин муаллиф ўзбек қизи образи орқали колхоз қурилишининг катта муаммоларини акс эттиришга муваффақ бўлган. Абдулла Қаҳҳор Ўзбекистоннинг айрим партия ходимини эмас, балки партияянинг қишлоқда ўтказаётган ҳаётбахш сиёсатини кўрсата олган дейиш мумкин<sup>1</sup>.

Таниқли арман ёзувчisi Г. Севунц Абдулла Қаҳҳор ҳақида бундай ёзган эди: «Шуниси қувончилик, биз билан бирга, умумий мақсад йўлида, халқимизнинг баҳт-саодати йўлида Абдулла Қаҳҳордай бадиий сўз устаси яшамоқда, ижод қилмоқда. Унинг «Синчалак» повестини ўқиб муаллифнинг муваффақият сирларини икки оғиз сўз билан айтиш амримаҳол. «Синчалак» повести катта истеъодод соҳиби қалами остидан чиққанини яққол сезасан киши...»

Ўзбек адабиётининг билимдони, таниқли мунаққид Зоя Сергеевна Қедринанинг дил сўзлари ҳам диққатга сазовор:

«...Мен Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести ҳақида гапирмоқчиман. Повестда ҳаёт ташкилотчisi бўлмиш, ҳеч кимга ўхшамайдиган, фақат ўзигагина хос қиз тасвирланган. Муаллиф Саиданинг ўз кучига унчалик ишонмаслигини, иккиланишларини, ҳатто кўз ёшини кўрсатишдан қўрқмайди. Бу асар, умуман олганда, бизнинг адабиётда Абдулла Қаҳҳорнинг катта муваффақияти. Абдулла Қаҳҳорнинг бу асарини шунинг учун ҳам оригинал ва новаторлик дейманки, ундан бугунги кун нафаси уфуриб туради. Муаллиф партияянинг XX съездидан кейин биз учун очиқ-ойдин бўлган янги воқеаларнинг мазмунини илғаб олган...».

«Синчалак» 1959 йили «Роман-газета»да босилиб чиқди. Бу асар ҳам муаллифга «Шоҳи сўзана» комедиясидан кам шуҳрат келтиргани йўқ. Рус тилида нашр этилиши билан Иттилоғнинг деярли ҳамма тилларига таржима қилинди ва мамлакатимиз сарҳадларидан узоқларга парвоз этди.

1959 йили машҳур рус шоири Степан Шчипачев уйи-

<sup>1</sup> «Маҳорат мактаби», Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 18-бет.

мизда меҳмон бўлди. Қетаётган чоғи Абдулла Қаҳҳор унга китобларини тақдим этдилар. Повестдан олган таассуротини у қўйидаги мактуби билан билдирган эди:

**«Азиз дўстим Абдулла Қаҳҳор!**

Мен бу хатни Сизга Москвадан ёзаспман. Самолётда ҳам, уйга келиб ҳам «Синчалак»ни ўқидим. Повестни ўқирканман, уйга келганимни ҳам билмай қолдим, хуллас, бу асар кечаги ҳамда бу кунимни жуда мазмундор қилди. Ҳозир бу китоб бутун Шарқимиз учунгина эмас, балки ўзимиз учун ҳам керак. Мен аминманки, бу китоб хотин-қиззларимизнинг эскилик қолдиқларидан, бидъатдан буткул қутулишларига жуда-жуда ёрдам беради.

Саида ниҳоятда жозибали. Повестнинг тили ҳам равон, юмор зарофати ҳам нозик.

Балки Сиз менинг фикримга қўшилмассиз: назаримда ниманги биландир бизнинг Гоголга ўхшаб кетасиз.

Сиз билан шахсан танишганимдан, боғинеизда бўлиб, Сиз билан ҳамсүҳбат бўлганимда ғоят хурсандман.

Қўлингизни маҳкам қисиб, Сизнинг Степан Шчипачевингиз.

1959 йилнинг 22 октябри».

## VI

Бойлик ва виждон, одатан, бир-бирининг заволи. Ижодкорнинг имони бутун бўлиши керак. Афсуски, бойлик изидан қувиб, истеъодини ўткинчи ҳавасларга қурбон қилган ижодкорлар ҳам адабиёт тарихида учрайди. Абдулла Қаҳҳор бу масалада ўзларига нисбатан ниҳоятда қаттиққўл эдилар.

Кинорежиссёр Латиф Файзиев «Синчалак» повести асосида фильм яратмоқчи бўлди-ю, сдатдагидек, мен бориб киностудиянинг ўша вақтдаги бош муҳаррири, шоир Туроб Тўла билан саккиз минг сўмга шартнома тузиб келдим. Қоидага кўра повесть экранлаштирилса беш минг, уёқ-буёғи ўзгартирилса — саккиз минг сўм тўланар экан. Улар фильмнинг номини «Синчалак» деб атамаслик шартини қўйишиди. Мен уйга келиб, масаланинг бу томонини Абдулла Қаҳҳорга тушунтиридим.

— Уч минг сўм ортиқча пул оламан деб ҳам ҳукуматни, ҳам томошабинни алдайманми? — дедилар у киши.— Боринг, шартномани бекор қилиб, беш мингга тузиб келинг.

Эртасига янгидан шартнома тузиш учун киностудияга бордим. Абдулла Қаҳҳорнинг талабини эшитиб ҳамма ҳангуманг бўлиб қолди.

Туроб Тўла жилмайиб:

— Ажабо,— деди,— одамлар қалам ҳақини пича оширинг, деб илтимос қилиб келади-ю, Абдулла акам озайтиришни сўрабдилар-а!

Олтмиш йиллик юбилейлари арафасида Ўзбекистон Давлат нашриёти Абдулла Қаҳҳорнинг олти томлиқ асарларини чоп этмоқчи бўлди. Ўша даврда «куллиёт» учун юз фоиз қалам ҳақи тўланар, танланган асарларга неча томлигидан қатъи назар, қайта нашр тариқасида ҳақ берилар эди. Абдулла Қаҳҳорни қўярда-қўймай нашриётнинг ўша вақтдаги директори Рамз Бобожон ҳузурига бошлаб бордим.

— Абдулла ака,— деди Рамз Бобожон,— асарларингиз жуда кўп марта босилган, энди қайта нашр учун оладиган пулингизнинг баракаси бўлмайди. Келинг, шартномага «куллиёт» деб ёзинг, биз сизга юз процент ҳақ тўлайлик.

— Э, нима деяпсиз?— дедилар Абдулла Қаҳҳор ранжиб.— Ҳали дунёдан умидим бор. Пул учун «куллиёт» деб ёзсан, кейинги асарларимни «илова» дейманми?

Абдулла Қаҳҳорнинг довругини Иттифоққа таратган «Шоҳи сўзана»га мукофот олган кезлари эди чамаси, бир куни кечки пайт уйимизга меҳмон келди. Улар орасида партия ва ҳукуматимизнинг раҳбарлари ҳам бор эди. Меҳмонлар биз яшаб турган уйни кўриб ҳайратда қолишли. Қатта хонамиз дуруст эди-ю, лекин кичкинасининг энига иккита каравот аранг сигарди-да. Бизга уй бермоқчи бўлишиди. Орадан сал ўтиб уч-тўрт ёзувчи қатори бизга ҳам Уста Ширин кўчасидан янги уй қуриб берилди. Ўша йиллар таржимон Маъруф Ҳаким оиласи билан Курант рўпарасидаги бинода, битта хонада истиқомат қиларди. Кўчиш арафасида Абдулла Қаҳҳор:

— Шу иморат биз учун солинган, демак, нима қилсак бизнинг ихтиёримиз, шундоқми?— дедилар.— Келинг, шу уйни Маъруфжонларга берайлик: етти жон, битта каталакдай хонада қийналиб ўтирибди...

Ўзимиз яна ўша «бир яримта» хонада яшайвердик.. Ез ойлари Дўрмонга кўчиб чиқишимиз ғонисидан уйнинг торлиги унчалик билинмасди. Орадан сал ўтмай, ишчилар шаҳарчасида, ҳукумат бизга атаб янги уй қура

бошлади. Уша йиллар шогирдларидан бири уй масаласида қийналиб юрган эди.

— Менга қаранг,— дедилар Абдулла Қаҳдор бир оқшом маслаҳат оҳангида,— шу ҳовлини унга бера қолсак-чи? Керак бўлса, мен истаган жойдан уй олишим мумкин.

У кишининг таклифи менга ҳам маъқул тушди. Чала иморатни ўша ёзувчининг номига ўтказдилар.

Бирор билан дўст бўлсалар, жонажон дўст бўлар, дўстларига ҳамиша содик, оқибатли эдилар. Аммо бирорни ёмон кўрсалар, ўз иборалари билан айтганда, «ботинкасининг учигача» ёмон кўрадилар.

## VII

Олтмишинчи йиллар Абдулла Қаҳдор ижодининг авжи гуллаб-яшнаган даври эди, десам хато бўлмайди. Чунки машхур асарлари асосан ана шу йилларда бунёдга келди.

1962 йили «Тобутдан товуш» комедиясини ёзиб туғатгач, «Ўтмишдан эртаклар» қиссасини бошладилар. Гарчи бу асарга доир барча деталлар, воқеалар, ҳатто қаҳрамонларнинг номларини ёндафтарларига бир неча йилдан бўён ёзиб юрган бўлсалар-да, 1961 йилнинг ёз фаслида Фаргона водийсини, киндик қонлари тўкилган, болаликлари ўтган жойлар — Яйпан, Бувайда, Оққўрғон ва Ленинободдаги Ашт қишлоқларини яна бир карпа кезиб чиқдилар-да, сафардан қайтлач, ишга жиддий киришилар.

Мазкур қиссанинг муқаддимасида шундай дейилган:

«...Ўттизинчи йилларнинг ўрталарида болалигимни ўйлаганимда чалакам-чатти туш кўргандай бўлган эдим, думли юлдуз чиққан эди. Бабар (Бобир бўлса керак) деган йигитни от қоровул милтиқ билан отганда ўлмаган эди, шунда от қоровул одамларга юзланиб: «Ёпрай, бунақа баттол ўғрини умримда кўрган эмасман, устидан ошириб ўқ узибман-у, киприк қоқмайди-я»— деган эди.

Зеҳнимда шунга ўхшаш қалқиб юрган хотиралардан ташқари қалқимасдан тошдек чўкиб ётган хотиралар ҳам ҳисобсиз эканидан узоқ замон бехабар эканман. Бундан мени Антон Павлович домла хабардор қилдилар.

Мұхтарам устод метига гўё муборак кўзойнакларини

бердилар-у: «Мана буни тақиб, ўз халқингнинг ўтмишига назар сол!» дедилар...

Шу тариқа «қалқиб юрган» ва «тошдек чўкиб ётган» хотиралар сал кам уч йил деганда бир асарга жо бўлди. Бу қиссани ҳам китобхонлар зўр мамнуният билан қарши олишди.

1966. йили Абдулла ака «Ўтмишдан эртаклар»нинг сўзма-сўз таржимасини қадрдан дўстлари Константин Симоновга юбордилар. У киши асарни ўқиб чиқиб, муаллифга қўйидаги мактубни йўллаган эди:

«Москва, 1966 йил, 12 сентябрь.

*Қимматли Абдулла Қаҳҳорович!*

Мен «Ўтмишдан эртаклар»ни зўр иштиёқ билан қўлга олдиму ҳузур қилиб ўқиб чиқдим. Сўнгги саҳифасини ёпганимда бу китоб Сизнинг катта мувоффақиятингиз эканидан суюниб кетдим. Мафтункор асар ёзибсиз. Бунда ҳамма нарса зийраклик билан тасвирланган. Ўтмишнинг асл фожиасини беихтиёр ҳис қиласан киши. Фожиалар қўйнида бўлса-да, халқнинг турмуши тарзини ишонарли кўрсатгансиз. Ҳайратланарлиси шундаки, қисса нозик юморга йўғрилган, юморингиз китобга нур таратиб, ёруғлик сочиб тургандек. Гоҳ одамларнинг портретлари чизилган, гоҳ зиддиятли ҳолатлар тасвирланган, умуман, ҳайратомуз образлар бир-бирига сингишиб кетган.

*Қисқаси бу китоб жуда ҳам ажойиб! Аъло!*

Унинг бирдан-бир камчилиги менинг назаримда, сўнгги қисмида гўё охир қумга сингиб кетгандай. Агар бу бир усул бўлса, усул эканини таъкидлаш зарур, усул бўлмаса, ярим саҳифагина қўйшиши керак, йўқса, 167 саҳифали китоб тўқмоқдай туюладио, ўқувчи янги саҳифани қидириб қолади. Китоб сўнгги сиҳифада тугаши керак-да, асар ўзи табиий ечимга келиб тақалган. Бироқ бу ҳали ечим эмас.

Мен бу хусусда индамай ўтолмайман, чунки бу камчilik кўзимга яққол кўриниб турибди. Сиз менинг сўзимни, Сизни чин дилдан яхши кўрадиган китобхонингизнинг сўзини инобатга олишингизни истайман.

Энди асарнинг таржимаси хусусида: келаси йили Москва журналларининг бирида, сентябрга қолмай эълон қилинса яхши бўлар эди. Эҳтимол, анъанага кўра, «Знамя» журналида босилар. Бу ҳақда ўйлашга

ҳали фурсат бор, албатта. Агар «Знамя» талабгор бўлса, уңга бериш мумкин, нима дедингиз?

Мен асарни икки қайта ўқиб чиқдим ва қандоқ қилсанмойтадам тегар экан, деб атрофлича ўйлаб кўрдим. Мен ўқиган нусхага фақат, сўзма-сўз таржима деб қараши адолатдан бўлмаса керак, бу гарчи хомаки таржима — тўлақонли таржима бўлмаса ҳам, ҳар нечук хомаки таржима ҳам эмас. Умуман қунт билан қилингани ши. Шунга қарамай, Сизнинг бетакрор овозингизни рус тилида ҳам иложи борича тўлароқ сақлаб қолиш ҳақида жиддий ўйлаб кўриши керак. Шу билан бирга бу нарса рус тилида қандоқ бўлиши керак эканини ўйлаганимда беихтиёр бошқа синонимлар, жумла тузилиши, хуллас авторнинг товушини, интонациясини, юморни тўлароқ берадиган нарсалар излаб қоласан киши.

Кўлёзмани бирор журналга тавсия эташга қадар ҳали ихтиёризимизда тўққиз-ўн ой муддат борлигини эътиборга олганда, қўллимдан келганча таржимага андак ҳайиқиброқ қўл ураман, чунки болалик ҳақидаги бу китоб ўз характери эътибори билан фавқулодда аниқ тасвири-ю, фавқулодда миллий руҳини сақлаб қолиши шарт. Бунда қош қўйман деб кўз чиқариб қўйиш ҳеч гап эмас. Шундоқ бўлса ҳам, таваккал қилиб бу ишга киришаман, натижасини биргаликда муҳокама қиласиз.

Лекин таржиманинг муҳлати ҳақидаги мулоҳазанги зини олдинроқ эшитсан ёмон бўлмас эди. Чунки мен уни келаси ийлнинг биринчи июлидан эрта битиролмасам керак. Иккинчидан, агар шу ишни менга ишониб топширадиган бўлсанги, таржима жараёнида, қоқилмаслигим учун кимдир Сизнинг қўлингиздаги текстда учрайдиган ва таржима қилиш мушкулроқ ибораларга, рус китобхони учун тушунарсиз бўлган барча сўзларга изоҳ ёзиб чиқса, иш хийла осонлашар эди.

Албатта, биз яқин кунларда Тошкентдами, Москва-дами учрашсак ва худди «Синчалак»нинг таржимаси устида кенгашганимиз каби бу сафар ҳам маслаҳатлашиб олсан бўларди. Лекин ўша учрашувга қадар изоҳлар тартиб берилса-ю, кўришганимизда изоҳга кирмаган масалалар тўғрисидагина гаплашсак иккаламиз ҳам унчалик қийналмас эдик, деб ўйлайман.

Сиздан жавоб келгунча қўлёзма менда туради. Агар сиз розилик берсанги, муҳлатни узоқ демасангиз биринки ой ичida бояги ишни қилиши мумкиндири? Охирги

*саҳифа — якун тўғрисида, мен айтган мулоҳаза тўғрисида ҳам ўйлаб кўринг. Ноябрнинг охирларида ёки декабрнинг бошида Москвадами, Тошкентдами учрашиб, текстни бошидан оёқ кўриб чиқсанак айни муддао бўлар эди.*

*Ажойиб китоб билан Сизни яна бир мартаба қутлайман.*

*Кибриё Лутфуллаевнага чин юракдан салом йўллайман.*

*Лариса Алексеевнадан икковларингга қизғин саломлар!*

*Сизни қучиб,*

*Константин Симоновъ.*

Турган гапки Абдулла Қаҳҳор Константин Симоновнинг мактубини олгач, китобнинг якунинигина эмас, балки бошидан охиригача яна бир карра кўздан кечириб, таҳрир қилиб чиқдилар ва Симонов илғаган камчиликни тузатдилар.

Бу китоб 1965 йили ўзбек тилида нашр этилди ва келаси йили Ҳамза номидаги Республика давлат мукофотига сазовор бўлди.

Мана, Абдулла Қаҳҳорнинг шу муносабат билан 1967 йили Ўзбекистон ёзувчилар союзининг съездидаги сўзлаган нутқининг тезиси:

«Менинг асаримни юксак мукофотга тавсия этган Ўзбекистон ёзувчилар союзига, Тошкент Давлат университетининг филология факультети студентларига, асарга катта баҳо берган ҳамкасларимга, ниҳоят, асарни мукофотга лойиқ кўрган Ҳамза мукофоти комитетига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Адабий асарнинг тақдирланишини уни етиштирган заминга — адабиётга берилган юксак баҳо деб билиш керак.

Эллик ёшга тўлиб бораётган янги, беқиёс тузумнинг неъматларидан бўлган ўзбек совет адабиёти, ҳақиқатан ҳар жиҳатдан баркамол, таҳсинга лойиқ, халқимизнинг олий мақсади учун курашда катта куч, партиямизнинг оташнафас пропагандисти бўлиб қолди.

Адабиётимиз — катта адабиёт, катта адабиётга талаб ҳам катта бўлади.

Баъзи асарларимизни китобхоннинг таъби унча тортмайди. Бизнинг адабиётимиз Умумиттифоқ адабиёт

ти — буюк адабиётнинг бир қисми бўлгани ҳолда, кўпгина асарларимиз Тўйтепадан нарига ўтмайди.

Бу катта адабиётнинг кичик камчиликлари эмас.

Биз уни яхши биламиз, бундан катта ташвишга тушамиз».

«Ўтмишдан эртаклар» қисссасининг рус тилида нашр этилишини кўриш Абдулла Қаҳҳорга насиб этмаган экан. Константин Симонов ўзига боғлиқ бўлмаган айrim сабабларга кўра қиссани келишилган вақтида таржима қилолмади. Уни муаллифнинг вафотидан сўнг, Комрон Ҳакимов билан ҳамкорликда таржима қилди ва ўзи мухтасаргина сўзбоши ёзиб, «Дружба народов» журналинг 1969 йилги 10-сонида нашр эттириди. К. Симонов Абдулла Қаҳҳор билан қилинган ҳамкорлиги тўғрисида ўша сўзбошида жумладан шундай дейди:

«...Мен Абдулла Қаҳҳор билан Тошкентда ёнма-ён туриб ишлаган чоғларимни эслаб, унинг асарларини рус тилига ағдарганимдан, ундан сабоқ олганимдан ўзимни беҳад баҳтиёр ҳисоблайман. Бундан ташқари ўша йиллар шуниси билан эсда қоладики, мен шу баҳонада Абдулла Қаҳҳордек оқилу доно, ҳозиржавоб, бир сўзли ва ҳатто тили хийла аччиқ, айни замонда бағри кенг, одамшаванди инсон билан дўстлашдим...».

## VIII

Абдулла Қаҳҳорнинг биринчи оиласаридан Пўлат ва Суръ исмли икки ўғиллари бор эди. Шу болалар туфайли кундошим билан тез-тез учрашиб турар эдим. Баъзан қўни-қўшнилар кундошимга нисбатан бўлган муносабатимни кўриб ҳайрон қолишарди. Ахир у биз турмуш қургунча бошқа эрга тегиб кетган ва эрим у билан умр кечиришни истамагандан кейин менинг рашик қилиб юришим ўринсиз эди. Бундан ташқари у кишининг тинчлиги, менинг тинчлигим. Тожикларда «Азбарои як нахўд, ҳавзи оба хўрд», яъни «Битта нўхат учун бир ҳовуз сувни ичибди» деган мақол бор. Шунинг учун болаларнинг туғилган куни борми, байрам, янги ўқув йили бошланадиган кун борми, мен Абдулла Қаҳҳорни ҳол-жонларига қўймай:

— Юринг, болаларни кўриб, табриклаб келайлик!— деб қисталанг қиласардим.

Абдулла Қаҳҳор зоҳиран «йўқ-йўқ» десалар-да, ботинан суюниб борардилар. Ёзги таътилда албагта болалар боғда, биз билан бирга бўлишарди.

Абдулла Қаҳҳор ниҳоятда сергак, ўта ҳушёр одам эдилар. Ҳеч қачон болалар келса: «Мана буни олинглар!»— деб чўнтақларидан пул чиқариб бермас эдилар. Бунақа ишлар фақат мен орқали бўларди. Бу албатта мендан қўрққанларида эмас, болалар олдида обрўйими ни сақлаш мақсадида қилинар эди. Агар бу ишни мендан яшириқча қилсалар, болалар олдида мени камситган бўлар ва болаларда ҳам «ҳа, дадам шу пулни хотинидан беркитиб бердими, демак, хотини бизни ёқтири мас экан», деган фикр туғилар ва бу туйғу бора-бора адоватга айланарди. Шунинг учун қанақа ёрдам керак бўлмасин болалар менга мурожаат қилишар, мен эса уларнинг истакларини икки ҳисса ортиғи билан бажаришга ҳаракат қиласдим.

Модомики, болалардан гап очилди, икки оғиз сўз билан уларнинг тақдирини айтиб ўтишга мажбурман.

Катта ўғиллари Пўлат Москва авиация-технология институтида ўқиди. Техника фанлари кандидати деган унвонга эга бўлиб, Тошкент политехника институтида дарс берар эди, тўсатдан 37 ёшда, инфаркт бўлиб оламдан ўтди. Кичиги Суяр университетнинг юридик факультети кечки бўлимидаги таҳсил оларди, кундузи Тошкент область ички ишлар бўлимидаги ишлар эди, у ҳам фожиали тарзда 33 ёшда вафот этди. Шу тарзда иккала фарзанд ҳам, отадан сўнг, бирин-кетин оламдан ўтдилар.

Эллигинчи йилларда ўт пуфагимда тош пайдо бўлиб, докторлар узоқ вақт касалимни аниқлаёлмасдан, юрагимни даволаб юришди. Дори-дармон наф бермагандан кейин бир чораси Кисловодскка юбориш, акс ҳолда инфаркт бўлиб қолади, деган хulosага келишди. Абдулла Қаҳҳор ниҳоятда изтироб чекдилар ва ўзлари мени Кисловодскка олиб бормоқчи бўлдилар. Энди путёвканинг ҳаракатини қилиб, йўл тадоригини кўриб юрган кунларимиз, тасодифан боғимизга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Ҳабиб Абдуллаев рафиқалари Фотимахон билан келиб қолишли. Шунда икки ўртоқ маслаҳатлашиб, Фотимахон иккаламизни Кисловодскка юбормоқчи бўлиши. Майнинг бошларида икки дугона жўнаб кетдик.

Кисловодскка борганимиздан кейин кунора телефон қиласдилар. Бир куни телефонда: «Модомики менсиз шунча қийналар экансиз, нега бирга келмадингиз?»— десам: «Мен борсам сиз мен билан овора бўлиб, ўзин-

гиз дуруст дам ололмайсиз деб атайлаб бормадим», — дедилар.

Хуллас мен қайтиб келгунча иш ҳам унмабди. Ё кунора менга телефон қилгани шаҳарга тушадилар (у вақтда Ёзувчилар союзининг боғида телефон йўқ эди), ё бозордан мева-чева олиб менга посылка қиласдилар. Мана, ўша кунлари ёзилган мактублардан бири:

«Ассалому алайкум, жондан азиз ва шакардан лазиз ёри вафодорим Кибриё — чучук!

Муборак саломномалари иди қурбон намози эртаси субҳ, яхши соатда қўлимизга тегди ва Аний (онахонимиз) икковлон оқ дастурхон устида ҳақингизга дуо қилишдик.

Камина болохонада ишлаб ва истиқомат қилиб юрибдириман. Радиоприёмникни уёқдан-буёққа кўтариб юрмаслик учун боз бир дона «Волна» тўлқинли приёмник олдим.

Ҳаволар мўттабидил. Саломатлик яхши. Кечадан анализга борган эдим: Қувват жойига<sup>1</sup>. Топганимни халтага (ёндафтартга) жамлаб, дуои жонларини қилиб юрибдириман.

Бир оқшомни Мұхаммаджон (академик Ўрзобеев) икковлон Үбайдиллоникида (академик Үбай Орипов) ҳандин ҳамашаҳарлар сүхбатида ўтказдик ва боз бир оқшомни Мұхаммаджоннинг боғида, унинг расмкүшодида бўлдик. Мұхаммаджон ўзи танҳо (хотини билан аразлашиб юрган эди) кўчидан келди.

Бизга ҳам тез-тез меҳмон келиб турибди. Үбайдулло, Мұхаммад Расул, Мамажон, Сирожиддин (Нуриддинов), Маърутф, бастакор Раҳимов, усто Йўлдошлилар келди. Шу якшамба куни ва ундан сўнг Мұхаммад Расул, Отабеков (Юсуфбек), Манзура ва бошқалар келса эҳтимол. Винони уч четвертга тўлдириб, оғзини печатлаб қўйған экансиз, ҳайтнамози куни бирининг бошини кесдик.

Союз Москвага, яна қайси бир ташкилот Олмаотага, Абдужамил ака (Матқобилов) Чимкентга таклиф қилишиди, бормадим.

Боғга назорат қилиб турибмиз. Сув талаб бўлганига сув ва дон талаб бўлганига дон бериб тарбият қилмоқдамиз.

<sup>1</sup> Мен жўналиш келишиги билан ўрин пайт келишиги қўшимчалари — «га» билан «да» масаласида адашар эдим, ўшанга ишора,

*Ишларим дуруст. Мақолани<sup>1</sup> тамомлаб журналга топширдим. Эндиликда пъеса<sup>2</sup> ғамидаман.*

*Сайд Дазоридини аввал<sup>3</sup> дорулғанодан дорулбақоға риҳлат қилдилар.*

*Мушук шўх. Кампирга ракат кўрситмий, чўқунғон!*

*Боқи ассалому алайкум мулло Абдулложони хоса, қаймоқи рўйи коса<sup>4</sup>.*

27—V—61 йил.

*Бугун Муҳаммаджон (Ўрозбоев) билан бориб, «Мирзо Улуғбек»ни кўриб келамиз. Иниоолло.*

*Голос ва ўрикни бозордан олиб юбордим. Ўзимизнинг голосимиз ҳам пишган, лекин хўп пишсин-чи, қандоқ бўларкан, деб тегмадим. Роса пишса юбораман!.*

Аввал айтганимдек, академик Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев билан жонажон дўст эдилар. Ҳабиб Муҳамедовичнинг зукколиги, ҳоксорлиги, нозиктаъ ва ҳозиржавоблиги Абдулла Қаҳҳорга ёқарди.

Тантанали кунларда оиласвий борди-келдимиз бор эди. Ҳатто сўнгги май байрамида ҳам Ҳабиб Муҳамедович нотоблигига қарамай, академик Обидхўжа Акромхўжаев ва оила аъзоларини олиб, байрамни биз билан бирга нишонлаган эдилар. Бу дўстлик у кишининг вафотидан кейин ҳам оиласаримиз ўртасида давом этди. Биз ҳар гал шаҳарга тушсак, қайтишда албатта уларнинг боғига ўтиб, Фотимахондан хабар олар эдик. Одатдагидек, бир куни шаҳардан қайтишда кирсак, Фотимахон йўл ҳаракатида экан.

— Йўл бўлсин?— деб сўрадилар Абдулла Қаҳҳор.

— Қайнонам Ўшда қаъда қиляпти, кечқурун поезд билан жўнамоқчиман,— деди у.

— Ким билан боряпсиз?

— Ёлғиз ўзим.

Фотимахон ташқари чиққанда:

— Қандоқ қилдик,— дедилар Абдулла Қаҳҳор ўйчан,— эгнида мотам либоси бўлса, шунча йўлга яккаёлғиз ўзи қандоқ боради? Эсон-омон бориб келинг, деб

<sup>1</sup> «Ўзбекистон пахта ҳазинаси» очерки кўзда тутилмоқда.

<sup>2</sup> «Тобутдан товуш» комедияси назарда тутилмоқда.

<sup>3</sup> Дозор итимиз бор эди, ўша ўлибди.

<sup>4</sup> Мен хат-пат ёёсам, ҳазил тариқасида: «Абдулложони хоса, қаймоқи рўйи коса» деб ёзар эдим, ўшнга ишора.

чиқиб кетсак бўлмас. Мен бу ерда қийналсан ҳам майли, лекин сиз бирга бормасангиз одамгарчилликдан бўлмас.

Фотимахон чой дамлаб келгач:

— Яна битта билет буюринг, Қибриё ҳам сиз билан бирга боради,— дедилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг гаплари мен учун қонун эди, Фотимахон билан бирга Ўшга жўнадик.

1964 йил эди чамаси. Шоир Аширмат бетоб бўлиб, Нов район касалхонасида ётган экан, укаси Назарматга: «Бир Абдулла акани кўрсам эди», деб қолиди.

Агар бирор тўйга айтса, мен амин эдимки, шунча йўлга сира бормас эдилар. Аммо беморнинг интиқ бўлиб ётганини эшитиб, дарҳол отландилар. Маъруфжон билан Манзурахонни (уларнинг ҳам шоир Аширмат билан танишлиги бор эди) олиб, Новга қараб жўнадик. Қасалхонага борсак, бечора Аширмат давосиз дардга учраб, ёлғиз ўзи бир кишилик палатада ётган экан. Абдулла Қаҳҳорни кўргач, худди отаси тирилиб келгандай қувониб кетди:

— Қуллуқ, Абдулла ака, — деди хаста овозда. — Мана, энди Сизнинг пойқадамингиз билан тузалиб кетаман. Колхоз менга сой бўйидан ер бермоқчи, қовунтарвуз экаман. Насиб этса келгуси йил келганингизда ўзингиз пайкалга тушиб қовун узасиз...

Қасалнинг олдидан чиққач Абдулла ака ҳатто машина ҳайдашга ҳам мажоллари қолмай:

— Сиз ҳайдай қолинг,— дедилар менга.

Ленинобод орқали уйга қайтдик. Сирдарё бўйига етгунча ҳеч кимдан садо чиқмади.

Кўп ўтмай шоир Аширмат оламдан ўтди.

Бир гал нашриётдан каттароқ қалам ҳақи олган бўлсан керак, магазиндан Абдулла Қаҳҳорга қора ёғочдан ясалган хитойча қаҳвадон сотиб олдим. Уйга келиб:

— Мана, элликка кирганингизга мендан Сизга ҳадя,— десам хиёл жилмайиб шундай дедилар:

— Биласизами, мен хотин кишининг ҳадясидан ҳазар қиласман. Ҳадяни Сиз менга эмас, мен Сизга қилишим керак. Сиз топганингизни ўзингизнинг упа-элигингизга сарф қилинг, чаласига мен қарздорман. Ёзувчи одам,

эртага хотинимга амиркон кавуш керак, деган нарсанى ўйламаслиги керак. Топганингизни ўзингизга катта-ката сарф қиласверинг. Биз савдо ходими эмасмизки, керак бўлади, деб ўтиз мингни белимизга шўрпахтадай бор-лаб юрсак. Бизнинг қора кунимиз бўлмайди. Модомики, ҳаёт эканмиз, қалам тебратамиз. Қалам тебратмайдиган кун келса, пулнинг ҳам ҳожати қолмайди. Сиздан ўти-ниб сўрайман, рўзгорга бир тийинингизни ҳам аралаши-тирманг. Биласизми, агар хотин киши иморатга битта мих қоқса, ҳаммасини ўзим қурдим, деб айтади.

Халқ орасида «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам хотин» деган мақол юради. Мен Абдулла Қаҳдор билан чорак аср турмуш кечириб: «Хотинни хотин қиладиган ҳам эр» деган хulosага келдим. Абдулла Қаҳдор оиласда ўта талабчан, ўта қаттиққўл эдилар. Ҳамма нарса ўз жойида туришини яхши кўрар, ҳар қандай ишни сира эринмасдан, астойдил бажарар эдилар. У кишида бу нарса ҳозирча шу ерда турсин, эртага ўрнига қўярман, деган гап йўқ эди. Бир ҳафта ичиде қилинадиган ишларнинг режасини тузиб, ўқиладиган китобларнинг рўйхатини ёзиб қўярдилар. Ўша куни қилиниши лозим бўлган ишни бажариб бўлгач, эринмасдан ўчирадилар. Бир куни: «Эринмасдан яна қоғоз-қалам олиб ўчириб ўтирмасангиз нима қиласди?»— десам жилмайиб: «Тағин иккинчи марта қилиб ўтирмайин дейман-да»,— дедилар.

Қанд касалига чалинган одамнинг тишлари мўрт бўлади. Шунинг учун эллигинчи йилнинг бошларида Абдулла Қаҳдор ҳам ясама тиш қўйдирган эдилар. Умрларининг охиригача ҳеч ким у кишининг ясама тиш қўйганларини пайқамаган. Бетоб бўлиб ўринларидан туромай қолганларида ҳам тишларини оғизларидан олганларини кўрмаганман. Бир куни жияним Хуршида онахонимиздан шикоят қилиб:

— Аний менинг олдимда ясама тишини оғиздан олиб тозалайди, ҳар гал кўзим тушса, кўнглим беҳузур бўлиб кетади,— деди. Шунда Абдулла Қаҳҳор:

— Ҳамма нарса ўз жойида чиройли,— дедилар,— тишгина эмас, ёстиқ остидан жимжилоқ чиқиб қолса ҳам кишининг ўтакаси ёрилади.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: бир куни нимадир бўлиб, ўрним йиғиширилмай қолган экан, кўзлари тушиб:

— Ҳа, нима бўлди? Үрнингиз худди пўст ташлаган илондай тўлғаниб ётибди! — дедилар.

Шу-шу, ўрнимдан турдимми, каравотимни тартибга солмай ётоқхонадан чиқмайдиган бўлдим. Мана, неча йилдирки, мен у кишисиз яшайман, лекин ҳар куни ўрнимдан турдимми, Абдулла Қаҳҳорнинг ўша гаплари эсимга тушади.

Бир куни чой дамлаб олдиларига қўйдим. Чойни қўйишлари билан қопқоқ пиёла ичига тушиб кетди. Бошқа одам бўлса: «Менга айтсангиз ҳам шуни боғлаб қўяр эдим-ку!» деб танбеҳ бериши мумкин эди. Абдулла Қаҳҳор эса жилмайиб: «Ҳа, етказганига шукр, қопқорини ҳам чайиб ичадиган бўлдик!» деганлар.

Ҳар куни эрталаб Абдулла Қаҳҳор оёқнинг чигалини ёзиб келгунларича мен ораста бўлиб ўтирап эдим. Бир гал, нечук бўлиб, пардозим чала қолгац экан, эшикдан қиришлари биланоқ: «Боринг, аввал юзингизни дазмоллаб чиқинг», деганлар. Хижолатдан ўсал бўлиб қолганман. Бир куни қўчага чиқищдан аввал, ойна олдига бориб бетимга упа суроётган эдим, кўзлари тушиб қолиб:

— Ҳа, биз эр бўлиб нима гуноҳ қилдик? (яъни бизга бўп турувди-ю, бошқаларга бўлмас эканми, деган маънода) — дедилар.

Бу сўз менга катта сабоқ бўлди. Ҳақиқатан биз аёллар кўчага чиқадиган, ё меҳмонга борадиган бўлсак, кийинишни, пардоз-андозни жойига қўямиз-у, эrimiz олдида чўрига ўҳшаб юрамиз. Ҳақиқатан ҳам, эрнинг гуноҳи нима?

Хонаси келганда аёлларимизнинг кийинишлари ва пардоз-андозлари борасида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтсам фойдадан ҳоли бўлмас. Ҳусну латофатда ҳамманинг суҳи кирадиган бир дугонам бор эди. Бир куни уйига борсам, эгнида исқирт халат, бетига бир балони чаплаб олибди. Бошида мен кунда кўриб юрадиган лайлак уя причёскаси ҳам йўқ. Унинг афту ангорини кўриб энсам қотиб кетди ва таажжуб билан: «Эрингизнинг олдида шундоқ юрасизми?» деб сўрадим:

— Ҳа, нима бўпти,— деди дугонам бепарво,— ўз эrim-ку.

Ахир халқимизнинг: «Онангни отангга пардозсиз кўрсатма», — деган мақоли бор. Хўш, биз нега «ўз эrimиз»га ажи-бужу бўлиб кўринишимиш керак? Айрим аёлларимиз меҳмон кутганда ҳам лиbosга эътибор бермайди. Бечора эр ораста бўлиб келган меҳмонларга

исқиrt кийимда юрган хотинини солиштириб: «Ҳаҳ пешонам қурсин, менинг чекимга тушгани шу экан-да»,— деб ўйламасмикан?

Бир гал Москвада, меҳмонхонада сочни тартибга солишнинг иложи бўлмади. Эрталаб, Абдулла Қаҳҳор ўғонгулларича, сартарошхонага бориб, сочимни турмаклаб келдим. Ўринларидан туриб, менга синчиклаб қардилаr-у:

— Э, боринг, ўзингизнинг кундалик причёскандигизни қилиб чиқинг. Худди реставрация қилинган хотинга ўхшаб қолибсиз,— дедилар.

Яngи кийим тиктирсам аввал Абдулла Қаҳҳорнинг кўригидан ўтказар эдим. Уларга ёқмаса киймас эдим. Бир куни кўчага атлас кўйлакда чиқаётган эдим, бундай разм солиб:

— Боринг, бошқа кўйлак кийиб чиқинг, Гулсара ўртоққа (яъни энди озодликка чиқсан хотинга) ўхшаб қолибсиз,— дедилар. Фақат кийимимгагина эмас, ҳатто зеб-зийнатларимга ҳам эътибор қиласар эдилар. Катта-кон қашқар балдоғим бор эди, бир куни шуни тақсам у киши:

— Бу қўконараванинг ғилдирагига ўхшаган балдоқни қаердан олдингиз? Бўлмапти, бошқасини тақиб чиқинг, худди истеъфога чиқсан артисткага ўхшаб қолибсиз!— дедилар.

Бир куни уйимизга Ҳамза номли театрнинг бош режиссёри Александр Осипович Гинзбург рафиқаси Софья Александровна билан меҳмон бўлиб келди. Кетаётган чорда рафиқаси магазиндан янги сотиб олган кийимини кўрсатиб:

— Абдулла Қаҳҳорович, плашим ярашибдими?— деб сўради.

Александр Осиповичнинг рафиқаси семизгина аёл эди. Абдулла Қаҳҳор унга қараб:

— Дуруст, бир қоп тарвуздек...— дедилар.

Бечора Софья Александровна уч-тўрт кундан кейин телефон қилиб:

— Биласизми, уйга келиб ойнага қарасам, ҳақиқатан ҳам бир қоп тарвузга ўхшаб қолибман. Плаш кўзимга балодай кўринди-ю, дарров комиссион магазинга топшириб келдим,— деди.

Бир гал Фарғона водийсини кезиб юрганимизда бизга ҳамроҳ бўлган яқин дўстимизнинг рафиқаси магазинга кириб, похол шляпа олиб чиқди ва:

— Абдулла ака, қалай, шляпам ярашибдими? — деб сўради.

— Ҳа, дуруст, арава михининг ўзгинаси! — дедилар.  
Бунақа охори тўкилмаган сўзу иборалар ўша заҳоти туғиларди.

Бир куни нима ҳам деган эканманки, хиёл қуюшқондан чиқиб кетдилар. Мен ҳам шу топда сиркалари сув кўттармаслигини сезиб, индамай ўз хонамга кириб кетдим. Бир оздан кейин олдимга кириб:

— Биласиз-ку, мен арининг уясиман, менга чўп тиқиб нима қилар эдингиз? — дедилар.

Қанд касалига чалинган одамнинг одатан асаби бузуқ, аччиғи тез бўлади. Абдулла Қаҳҳор ҳам кейинги йигирма йил ичидаги иккита укол билан юрганлар. Лекин у киши феъл-авторларини ўzlари жуда яхши билар эдилар.

Бир куни дугонам меҳмон бўлиб келган эди. Суҳбат чоғи меҳмон:

— Кибриёҳон, бетингизга ажин тушмаганига ҳайронман, Абдулла акамнинг биронта кулмайдиган гаплари йўғ-а? — деб қолди.

Меҳмон кетгандан кейин Абдулла Қаҳҳор:

— Дунёда хотин зотидан соддаси йўқ-да, бир сутка икки соатдан иборат деб ўйлайди (яъни қолган йигирма икки соатда қанақа бўлишимни билмайди), — дедилар.

Бир куни боққа ҳурматли олимимиз И. О. Султонов келдилар. У киши ўша қунлари Ёзувчилар боғида ишлаб юрган эканлар. Гапдан гап чиқиб:

— Абдуллажон, — дедилар Иззат Отахонович, — Намангандан Санжар Тилла келган. Икки ҳафтадан бери сизни кўриш иштиёқида-ю, иложини тополмай юрибди.

Эртасига шийпонга жой қилдик, Санжар Тилла билан Иззат Отахоновични таклиф этдик.

Санжар Тилла суҳбат чоғи, гинахонлик тарзида деди:

— Абдулла ака, икки ҳафтадан бери келиб, бир сизни зиёрат қилай дейману иложини тополмайман. Қачон қарасам, ё ишлаётган, ё Кибриё опам билан суҳбатлашиб ўтирган бўласиз. Кибриё опам ҳеч мөъдангизга тегмайдиларми?

Бунга жавобан Абдулла Қаҳҳор шундай дедилар:

— Йўқ, Кибриё опанг нондай гап.

## IX

Абдулла Қаҳҳорнинг иш кунлари эрталаб соат саккиздан бошланарди. Нонушта қилиб бўлгач, столга ўтирас, шундан то соат ўн иккигача ўринларидан турмас эдилар. Бу вақт ичидаги ҳеч ким у кишини безовта қилолмас, ўзлари ҳам кабинетга ҳеч кимни қўймас эдилар. Абдулла Қаҳҳор учун кабинет янги асар туғиладиган муқаддас жой эди. У ердаги телефоннинг занги олинган, телефон орқали бўладиган барча дод-муомала менинг бўйнимда эди. Жуда муҳим одам бўлса, телефон ёнидаги тутмачани босардим, шунида у киши телефон гўшагини кўтарар эдилар.

Абдулла Қаҳҳор ишлаётган пайтда, хаёллари бўлинмасин, деб қанчалик муҳим иш бўлса ҳам мен кўчага чиқмасдим.

Ҳар куни муайян вақтда ёзув столида ўтиришлари шарт эди. Лекин «кори шаб хандаи рўз»— кечаси қилинган ишга кундузи куласан, деб кечқурунлари ишламас эдилар.

Бир кунлик командировкага бориб, битта очерк ёзиб келадиган ёзувчиларга ҳаваслари келиб:

— Мен товуққа ўхшайман, товуқ ҳам фақат ўрганганд жойида тухум қиласди, мен ҳам то сизу ёзув столим бўлмаса ёзолмайман,— дер эдилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзларига хос хислатларидан яна бири талабчанлик эди. Фақат оиласага нисбатан эмас, ўзларига нисбатан ҳам, ижодларига нисбатан ҳам талабчан эдилар. Ҳар қачон бирон асарни бугун ёзиб, эртасига нашриётга олиб борганларини эслалмайман. Ёзиб бўлгач, уч-тўрт кун ташлаб қўяр, кейин яна бир карра кўздан кечириб, қаноат ҳосил қилгач, машинкадан чиқартирас эдилар.

— Имаратнинг камчилиги битгандан кейин билинадигандек, асарнинг ҳам камчилиги ёзиб бўлгандан кейин билинади, — деб қўярдилар.

Баъзи бир ёзувчилар бир кунда ўн-ўн беш саҳифа ёзади ё биратўла машинкада босади, деб эшиштганман, аммо Абдулла Қаҳҳор бирорга ёзадиган мактубни ҳам аввал қўлда ёзиб, кейин машинкада кўчирадилар. Ҳар куни кўпи билан бир ярим-икки саҳифа ёзардилар. Борди-ю, бир кунда уч саҳифа ёзсалар: «Бугун уч саҳифа ёздим, эртага ярми бракка чиқади»,— деб қўярдилар. Бир ярим-икки саҳифани ёзиш учун тўрт-беш соат ўтирадилар. Баъзи саҳифалар ўн-ўн беш, баъзида эса ўн

олти—үн тўққиз маргадан қайта ёзилар эди. Мабодо саҳифанинг охирида бирор сўзни ўзгартириш лозим бўлса, ўша саҳифани бутунлай қайтадан ёзиди чиқардилар. Мен у кишининг меҳнатига ачиниб: «Устига ёзиди қўя қолсангиз бўлмайдими?»— десам: «Иўқ. Бошқатдан ёзиди чиққанда янги ибора, янги ташбеҳлар эсга келади, асар сайдалланади, ихчам бўлади»,— дер эдилар.

Баъзи ёзувчилар ижодий кайфият вужудга келтириш учун жиндай ичиб олади, деб эшигтганман. Абдулла Қаҳҳор ёзиш ўёқда турсин, ҳатто бировга дастхат ҳам бермас эдилар. Умуман, ёзувчилик иши улар учун ниҳоятда муқаддас эди. «Ёзувчи илҳом келса-келмаса қоғоз қоралаши шарт», дер эдилар. Илҳом келиб қолса, ярим кечаси ҳам ўринларидан туриб, кабинетга кириб кетар ё каравот ёнидаги тумбочкада турган ёндафттарга эсларига келган нарсаларни ёзиди қўяр эдилар.

Иккита ёндафттар тутар эдилар. Бири умумий дафттар бўлиб, бунга айрим сўзлар, иборалар, тасвиirlар, ташбеҳлар, фактлар, турли-туман воқеа ва ҳодисалар, адабиёт ҳақидаги ўйлар ёзиларди. Янги асар бошланганда шундан фойдаланар эдилар.

1948 йилги Мирзачўл сафари вақтида ўша дафттарга қуйидагиларни ёзиди қўйибдилар:

«Аллақаердан ўрдакларнинг қағиллагани эшитилди. Ажабо, Мирзачўлга сув келганлигидан ўрдаклар ҳам хабардор бўлибди-да!»

«Бу ерда бедана кўп бўлар экан. Ажабо, Мирзачўлда ҳам дон етиштирилишини бедана қаёқдан эшиди экан!»

«Пешиндан кейин ёмғир жуда майда ёғди, лекин шундоқ бўлса ҳам бирпасда кўлмак ҳосил бўлди. Кўлмак сап-сариқ. Одамлар қамиш, қиёқ ёқиб, тирикчилик қиласи эди, энди нима бўлади?»

«Қоронғи. Қора булут бир ҳафтадан бери тўрттагина ёмғир ташлаёлмаганидан тажанг бўлиб, уёқдан-буёққа елади, бурилади, тўлғанади».

«Кеч кузак бўлишига қарамай шолипояда ҳануз пашша бор. Бир жойда тўхтаган эдик, бошимиз узра дарров пашша тўпланди. Пашшанинг ҳар бири чивиннинг боласидай келади. Бошингизни чақса, беихтиёр оёғингиз кўтарилиб кетади — шунчалик заҳри ўткир. Шу жойларда одамлар ёзилиб меҳнат қиляпти».

Юқорида зикр қилганимиздек, Мирзачўл сафари вақтида Абдулла Қаҳҳор колхоз раиси билан ҳар куни да-

ла айланар, ўша даврларда довруғи оламга достон бўлган машҳур пахтакор Фанишер Юнусов бригадасига тез-тез бориб турар эдилар. Мана, «Мирзачўлда куз», «Келинг, ошна чўл қувлаймиз», «Сўз — Фанишерга!» деган очеркларига кирмай қолган баъзи бир деталлар:

«Касал бўлсанг, отинчанг аччиқ мастава қилиб берсин, ичиб ўраниб ёт. Нима қиласан тилимни қичитиб!»

«Менинг бригадамда одам кам демайман, майдачуидаги болалар билан ҳам иш қилавераман. Менга төвуш чиқиб турса бўлди. Жони бўлса — бас!»

1940 йил, 30 июнь куни ёндафттарга қўйидагиларни ёзиб қўйган бўлсалар-да, улардан биронта асарларида ҳам фойдаланмаганлар.

«Мана, энди қарибман. Товуқни ҳайдасам, мушук югуриб келади. Сабаби: «киш-киш» демоқчи бўлсан, «пис-пис» бўлиб чиқади».

«Унинг боши кичкина, қорни катта, оёғи калта, ўзи қоп-қора. Бир қўлинни белига қўйиб турса, худди чўян обдастага ўхшайди».

«Сен нима учун ҳамиша олдингга ойна қўйиб ўтирасан, ҳуснинг билан фаҳрланмоқчимисан?»

— Йўқ, ўзимни ўзим кўриб ўтираман, чунки ўзимдан бўлак одам йўқ».

Бир гал «Агар «Зилзила» деган қиссани битирсан, жуда иноқ, ҳамманинг ҳаваси келадиган бир оила ҳақида повесть ёзаман», деб қолдилар. Қўйидаги деталлар ўша қиссага тааллуқли бўлса керак:

«Биз эр-хотингина эмасмиз. Эр-хотинлик орамиздаги муносабатнинг бир жузъигина. Агар бирон ташқи мажбурият бизни эр-хотинликдан маҳрум қилса, орамиздаги муносабат жуда кам зарар топади».

«Орамизда фақат битта келишмовчилик бор: у мендан кейин ўлишни, мен ундан кейин ўлишни истамайман».

«Унинг хафа бўлганини авзойидан, қилмишидан билib бўлмайди, хафачилик ўтгандан кейин, қанчалик суюнганидангина билиб бўлади».

«Мұхаббат — дутор, эҳтиёт қилиб тутмасанг, тоб ташлайди».

Хотира дафтарида ёзувчилик меҳнатига доир кўп фикрларни учратиш мумкин. Мана, уларниг айримлари:

«Ёзувчи адабиётга икки хил киради: биринчи асари билан тутаб, биринчи асари билан яшнаб киради.

Тутаб кирган ёзувчи узоқ тутайди, кўнглидан чиқариб эмас, қорнидан чиқариб асар ёзади, ёзувчилик умрининг охиригача тутайди, ҳеч қачон ёруғлик чиқариб, ҳеч кимнинг диққатини жалб қилмайди.

Адабиётга чўғдай яшнаб кирган ёзувчи асардан асарга яшнайверади (қорнидан чиқариб эмас, кўнглиниң розига айланган нарсалар ҳақида ёниб асар ёза беради), бундай ёзувчилар биринчи асари биланоқ адабиёт муҳибининг диққатини жалб қиласди. Ниҳоят, охирда адабий сўнмас ўтга айланади. Мен адабиёт муҳибиман, шунинг учун адабиётга яшнаб кирган ёшларни кўриб қувониб кетаман ва бу қувончимни ўша ёшнинг ўзига, миннатдорчилик изҳор қилиб айтаман. Бу яшнаган чўғни елпиш демакдир...

Адабиётда умр бўйи тутаб юрган ёзувчи ҳеч қачон ўз маҳалласи доирасидан ташқари чиқмайди, лекин ўзини классик ҳисоблайди. Шунинг учун буларни маҳалла классиклари деб аташ мумкин...»

«Танқид адабиётимизга катта адабиёт чўққисидан қарамаёттир. Маҳаллий классиклар пайдо бўлаётиди. Адабиёт бу классиклар асарларининг рус тилига таржима қилинмаслигидан манфаатдор».

«Фалати-фалати «назария»лар ўзи кўкариб, ўзи қуриб ётиди. Бир вақтлар ижобий қаҳрамонсиз асар бўлиши мумкин эмас, деган «назария» чиқсан эди, ҳозир комедияда ижобий қаҳрамон шарт, деган «назария» ўрмалаб юриди. Бунақа ҳодисалар билан ҳеч кимнинг иши йўқ».

«Танқидчиларимиз Иттифоқ доирасига чиққани уринмаётиди. «Шу ернинг ўзи тинч» дейишяпти».

«Бошқа ишга ярамай, адабиётда танқидчилик қилиб кун кўриб юрган танқидчи қўрқоқ қоровулдай ҳар шарпадан чўчиб, шақилдоқ чалаверади».

«Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас!»

«Адабиёт ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди».

«Ҳаёт — магнит — ўзига тортади. Ёзувчи шу магнитни ўзига юқтира олсагина китобхонни ўзига торта олади».

«Бу одам ёзувчилик меҳнатини фақат ёзишдан иборат деб ўйлади».

«Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак, лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур

гапларнигина қолдириш учун талантнинг ўзигина кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак».

«Мен бу китобни не машиқат билан, дўппимни ҳидлаб-ҳидлаб ўқидим».

Хотира дафтарида айрим иборалар, ташбеҳлар, ўхшатишлар билан бир қаторда, ҳатто йалнинг тўрт фасли, қайси ойда табиатда нима рўй бериши, қайси мевалар қачон пишиши ҳам ёзиб қўйилган:

«20 март. Тол кўчак. Бошқа дараҳтларда кўкат кўринмайди. Ўриклар қийғос гуллаган. Баъзи бирлари гулини тўкаётир. Шафтоли, нок ҳам гуллаган. Ҳавода кир увада сингари булутлар пайдо бўлиб, ёмғир ташлаб ўтди. Кўча лой, осмон кир...

30 март. Дала кўм-кўк. Ўриклар гулини тўкиб, қизарган, бақатераклар жонланиб қолган, миrzатераклар кўкарган. Қечқурунлари шомдан кейин, бақа қуриллайди.

4 апрель. Кучли ёмғирдан кейин бақатерак ва миrzатераклар кўкарди. Ўриклар гулини батамом тўкиб, барг чиқарди. Қайрагочлар ҳам барг чиқара бошлади. Иссиқ районларда қурт боқиши бошланди.

10 апрель. Кўкармаган дараҳт қолмади. Парникда етилган бодринг ҳам чиқди. Кўк пиёс сероб. Редиска ҳам чиқди.

10 май. Гилос, қулупнай сероб. Иссиқ районларда арпага ўроқ тушди. Тут пишди. Бодринг чиқди. Чилги иссиқ районларда намуна берди

20 май. Жавпазак ўрик чиқди.

10 июнь. Олча қийғос пишган. Помидор чиққан. Пилла топшириш планини анча колхозлар бажарди...

30 июнь. Ҳандалак сероб. Кўкча чиқди. Пахта гуллай бошлади.

15 июль. Қовун чиқди. Файнолу пишди.

20 август. Бухоро облати ёппасига пахта териш олдиди. Ҳусайнин узум сероб.

15 сентябрь. Маккажўхори пишган. Қовун-тарвуз сероб. Узумнинг ҳамма хили пишган.

10 октябрь. Пахта терими авжида. Қундузлари костюмда юриш мумкин».

Ендафтарда ҳатто кулги неча хил бўлиши ҳам ёзиб қўйилган:

1. Кулди.

2. Қаҳқаҳа урди.

3. Илжайди.

4. Жилмайди.
5. Тиржайди.
6. Бурни билан кулди.
7. Оғзининг таноби қочди.
8. Кулимсиради.
9. Табассум қилди.
10. Заҳарханда қилди.
11. Хандон ташлаб кулди.

Иккинчи ёндафттар айрим асарларга доир бўлиб, бунга фақат шу асарга тегишли нима эсларига келса, шу нарсани ёзib қўяр эдилар. Деталлар, қаҳрамонлар ва персонажларнинг сўзлари, характерларига оид гаплар ва ҳоказолар. Бу дафтари ёзилажак асарнинг канваси — қораламаси деса ҳам бўлади.

Мана ўша ёндафттарга ёзib қўйилган «Сархона» фельетонининг қораламаси:

### «Сархона.

Янги кўз ёрган хотиннинг уйига эрининг тоғаси келади. Уй тор, паст. Қиши фасли. Боласига жони куйиб, эри папиросни ташлаган. Тоға суткасига 48 та папирос чекар экан. Демак, соатига учта папирос чекади. Шу уйда беш соат ўтириди. 15 та папирос чекди.

Келиннинг имо-ишораларига тушунмайди.

- Докторлар папиросни заарли, дейишади.
- Нега ўзи чекади?
- Папирос чеккан докторни ёмон кўраман.
- Тўғри қиласиз.

Яна чекади.

Бу одам уйга кириши билан чириган папирос тутуни киради.

Хотин деразани қия қилади.

— Пастини беркитиб юқорисини очсангиз бас, тути юқорида юради. Тамаки асли Ҳиндистондан чиққан, бир қавлда танпоки, яъни танни пок қиладиган ҳам дейишади, лекин бу тўғри эмас (яна чекади).

— Сиз ташлашга уриниб кўрдингизми?

— Тўққиз ой ташлаб, яна чекиб юбордим.

Болани ўраб қўйиб, уйнинг эшигини очиб қўяди.

Бир ҳафтагача ҳамма нарсадан папирос ҳиди келиб туради.

Тоға гап тамом бўлганда журнал вараклаб чекди, деразадан кўчани томоша қилиб чекди, қолдирини тарёлкага ташлаб, пиёладаги чойнинг юқини томизди. Тутун аралаш буғ тутундан ҳам баттар.

— Сархона экансиз, деса күйдирган калладай иржаяди, уялмайди ҳам! Афти қурсин!»

Шу тарзда ҳамма деталлар тайёр бўлган, характерлар етилгандагина ёзишга ўтирас эдилар. Ҳикоя ёзаман, деб оқ қофознигина олиб столга ўтирганларини билмайман.

Анча вақт бир ғариб образини яратаман, деб топганларини, ўз иборалари билан айтганда, «халтага солиб» юрган эдилар. Бу образнинг ҳатто прототипи ҳам бор эди, афсуски, бу ҳикоя тугалланмай қолди. Мана, ўша ҳикояга тегишли қоралама:

### «ФАРИБ.

— Бу қандоқ ғариб одам экан?

Тобут эшак аравада. Орқасида бир хотину бир кўзи кўр ит. Умрида ўн битта хотин олган. Охирида тепакал, унинг ўлимини кутиб юрган бир хотин билан қолган.

Саккизта шаҳарда турган, ҳеч қаерда ўртоқ орттирган эмас.

Бу одам кундан-кун одамлардан йироқлаша бошлаган.

Умрида шўрвадан бошқа овқат ичмаган. Гўштни қозонга солиб ишга кетади, уч кун ейди.

Бешта боласи бор, ҳаммаси ҳар қаерда, биронтасидан хабар олмайди, хотинлар пўписа қилса, алимент тўлайди.

Акасини фақат бошига иш тушганда танийди, бошқа вақтда йўқлаб келса, ҳатто уйига таклиф қилмайди.

Ҳамма хотинини мақтайди, лекин биронтаси билан яшаган эмас.

Нозанин бойқушдай унинг тепасида ўлимини кутиб ўтирибди.

Унинг саккиз ярим минг пули бор. Умрида бировни меҳмонга чақирган эмас, биронта хотинига тўй қилмаган.

Хазарчи, биров билан сўрашмайди, ҳатто ўз уйининг эшик қабзасини қофоз билан ушлайди. (Ёнида ҳамиша кесиб қўйилган қофоз.)

Биронта ўртоғи йўқ. Ўзини ҳаммадан ақлли, ҳаммадан муҳим ҳисоблайди.

Абдулла Қаҳҳор, то асар битгунча, таассуротингиз бузилади, фикрингизни тўла ифодалай олмайсиз деб, ҳатто парча ўқигани рухсат бермас эдилар. Асар битгач, биринчи ўқувчилари мен бўлар эдим. «Қани, бир ўқиб чиқинг, баъзан хотиндан ҳам дуруст маслаҳат чиқади»,

деб жилмайиб қўлёзмани тутқазардилар. Башарти менда бирон эътиroz, мулоҳаза туғилиб қолса, ҳеч қачон: «Бекор айтибсиз, ўзи дуруст», — деган гапни айтмаганлар.

Аммо пьеса ёзаётганларида, мен гўё у кишига тахтамашқ (машқ қилинадиган тахта) эдим. Пьесанинг бир пардаси битдими, дарҳол: «Қани, ўқиб чиқиб, нима воқеа бўлганини айтиб беринг», дердилар. Мен ўқиб, нима воқеа бўлганини айтиб берсам: «Биласизми то аниқ бир воқеа бўлмаса, киши фикрини баён қилолмайди. Демак, бу парда энди битиби, оқقا кўчирсан бўлади», — дер эдилар.

...Узлари насрнавис бўлсалар ҳам, аксар дам оладиган соатларида, биз «байт-барак»— мушоира қилар эдик.

Масалан, агар мен:

Эй, ёр ба умри рафта мони  
Тарсам ки набинамад дигар бор.

Мазмуни, Эй ёр, сен ўтиб кетган умрга ўхшайсан, шунинг учун ҳам иккинчи мартаба кўрмай қолмайин деб қўрқаман,— десам, Абдулла Қаҳдор бунга «р» ҳарфи билан бошланадиган байт билан жавоб беришлари керак эди;

Рагбатим йўқ, сен пари борида ҳар дилдорга,  
Рагбат этмак мумкин эрмас сендин ўзга ёрга,  
десалар, мен бунга бу тарзда жавоб берар эдим:

Агар як ҳарф бо ағёру бо ман сад сухан тўяд,  
Наёрам тоб он як ҳарф ҳам хоҳам ба ман гўяд.

Мазмуни: Агар менга юз оғиз гапириб, бошқага бир оғиз гапирса, ҳеч чидолмайман, истайманки, ўша бир оғиз сўзни ҳам ўзимга айтсиз.

Абдулла Қаҳдор шеъриятни яхши кўрар, Навоий, Муқимий, Фурқат, Бобурнинг жуда кўп разал, рубоийларини ёддан билар эдилар. Узлари ҳам биринчи ижодни шеър билан бошлаган эканлар. Гоҳ-гоҳ назмий ҳажвиялар ҳам ёзганлар.

1934 йили «Сароб» романни устида ишлаб юрган чоғларида Ёзувчилар союзининг Инжиқобод мавзеидаги истироҳат ва ижод боғида бирмунча вақт яшаган эканлар. Уша йиллар ҳаёт анча оғир: ижодхонанинг овқат-

лари бемаза, каравотларининг оёғи синган, кўрпалар қирқямоқ экан. Ўшанда ҳазил тариқасида қуидаги муҳаммасни ёзган эканлар:

«Мирзо Абдулла Хўқандийнинг истироҳат ва ижод боғида ташналиқ, гурӯсалик ва танҳоликдан ранжида бўлғони ва яна хоб жойининг ноқулайлигидан нороҳат бўлиб, бир муҳаммас айтғони:

Муҳаммас будур:

Вой дегум ҳолига ҳар ким боғни этса интихоб,  
Очдин ўлдим, эй биродарлар, бўлак йўқми азоб.  
Берса бир кося карам шўрво бўлур эрди савоб,  
Бошимда бўлди бало ё шошқалоқлик, ё «Сароб»,  
Қайга кетди ўтга мояи томчилаб турган кабоб.

Пашша қўнса бурнима қўрмоққа ҳолим йўқ, жигар  
Айтгали рози дилим йўқ одамзоддин асар,  
Бошима тушган менинг мушкулларимдан ол хабар,  
Хофизим қурбақа-ю чолғувчилар исқабтолар.  
Бўлғуси заҳру зақум узлатда нўш этсан шароб.

Чодири гўёки тобутдир ва ёки танг лаҳад,  
Кўрпанинг ўнг терсида қаттиқ ямоқлар беадад,  
Сўрининг устига чиқсанг, чарс эшакдек феъли бад,  
Бир кечча литфонд мудири ўзи ётсин бўлса мард,  
Калта-ю, синган оёққа гишт қўйиб бўлдим хуноб».

Уша йили, 22 сентябрда кимдир ижодхонага чиқиб, ош қилгану Абдулла Қаҳҳор ва у кишининг дўстларини чақирмаган экан, кўнгиллари ранжиб, шу шеърни ёзган эканлар:

Емадик ош, қолди у столда совуб, Муяла Умар,  
Ол, олиб кет тортиқ айла хотинингга паст назар.  
Бир ато ўғилларини шунча хор этсанг агар,  
Биз қозон бошиға бормаймиз, ўшал гар бўлса зар,  
Кафтигу кўсовини бошингга ургил, баччагар.  
Ошни хўп урдинг, оқиздинг тирсагингдан ёғлар,  
Ўйнадинг тарвузни еб, ҳар ён отиб пўчоқлар,  
Дейдилар айб этмангиз Мажнунни ақли соғлар,  
Термулиб ўртода ўлтирган ғарип ўртоқлар,

1 Бу ҳазил шеърни А. Қаҳҳорнинг вафотидан сўнг архивдан топдим. Шунинг учун ким назарда тутилганини билмайман, (Муаллиф).

Абдулла Қаҳҳор адабиётимизнинг долзарб масалаларига беҳад талабчанлик билан ёндошар эдилар. У кишининг наздида адабиётга тааллуқли майда гап йўқ. Шу жиҳатдан «Ҳуснбузар» деган мақолалари то ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

### «ҲУСНБУЗАР»

Навқирон чиройли йигитнинг бетига чиқсан битта иккита рихинак ҳеч қандай оғриқ ҳам эмас, касаллик ҳам, фақат ҳусни бузади, шунинг учун ҳуснбузар деб аталади.

Давримиз адабиёти мана шундай навқирон, чиройли йигит. Унинг эртага яна ҳам баркамол бўлиши, ҳусни яна ҳам тўлишуви турган гап. Бироқ, унинг баркамол бўлиши ва тўлишувига баъзан майда-чўйда иллатлар ҳалал беради, унинг ҳуснини бузади. Бу иллатларга барҳам бериш учун турли тадбирлар қаторида «қатрон қилувчи танқид»ни ҳам қўллаш керак.

Адабиётда ҳуснбузарлар тўғрисида ўйлашимга бир дилсиёҳлик сабаб бўлди. Менинг яқин бир дўстим, колхоз раиси Январь Пленумидан<sup>1</sup> кейин эл-юрт олдида шармандаю шармисор бўлди. Раис давлатга сут топшириш планини муддатидан олдин ортиғи билан бажариш учун магазиндан сарёғ сотиб олиб, сут ҳисобига топширибди. Бу шармандаликтининг аламини, дардини раис билан баробар мен ҳам тортдим десам, лоф урган бўлмайман. Ўйлаб кўринг, ўттиз йиллик раис! Пахтачиликда катта ва кўп тармоқли хўжаликни бошқаришда ўттиз йиллик тажриба эгаси! Неча йиллар қамиш-қиёқ ёқиб, шўр ялаб, ерни чўлнинг бағридан қўли билан юлиб олган, шу ердан юқори ҳосил олиб, колхозни республикамиздаги илфор колхозлар қаторига кўтарган чўл қаҳрамонларига бош бўлган одам! Бу одам чўлга шоншуҳрат ортириб, яна ўзининг жанинатосо қишлоғига қайтиб кетиш учунгина эмас, умрбод қолиш, авлод-аждодини ҳам шу ернинг тубжой халқи қилиш учун келган, уй-жой қилган, томир ёйган!

<sup>1</sup> КПСС Марказий Комитетининг 1961 йилги тарихий Пленуми наазарда тутилмоқда (Р • д).

Мен кўн қатори бу одамга тан берганимай, меҳр қўйганман. Қолаверса, мен «Шоҳи сўзана»да Мавлов, «Синчалак»да Арслонбек Қаландаров образларини яратишда уларнинг айрим фазилатларини шу одамдан олган эдим.

Энди шундай одам келиб-келиб юзи қора бўлиб ўтиrsa алам қўлмайдими, ахир!

Раис бу қилимишининг сабаби ўзига боғлиқ эмаслиги, амалпараст раҳбарлар ўзининг қобилиятсизлигини соҳта обрў билан хаспўшламоқчи бўлиб, одамларни жиноятга йўллагани тўғрисида гапира кетди-ю, юзидағи доғни важ-тақал билан юва олишидан умид узди шекиlli, бирдан жим қолди: хийладам кейин ўзига тасалли берган ва шу билан бирга менинг таъналаримга жавоб берган бўлиб, дўнғиллади: «Бу иллат ҳамма жойда ҳам бор. Суриштирсангиз, ёзувчилардан ҳам чиқиб қолади»,— деди.

Ҳақ гап!

Партия Марказий Комитетининг Январь Пленумида кўзбўямачилик ва ҳалқни алдаш ҳолларининг фош қилиниши ўзининг аҳамияти жиҳатидан партиямиз сўнгги йилларда жорий қилган йирик иқтисодий-сийёсий тадбирлар билан бир қаторда туради. Январь Пленуми бизга қишлоқ хўжалигини юксалтириш учунгина эмас, балки коммунистик онг ва ахлоқ учун қандай курашиш кераклигини ҳам ёрқин тарзда кўрсатиб берди.

ҚПССning янги Программасида нима дейилади? Унда шахснинг жамият олдиғати масъулияти, эртанги одамнинг қиёфаси ҳақида ҳар калимасини олtingга тортиб олинса арзийдиган гаплар бор.

Партиямиз кўрсатган ибрат ҳам, янги Программа ҳам руҳимиз ва виждонимизнинг поклиги учун, гражданлик ғурури учун совет кишиларининг курашида чин илҳом манбаи бўлди.

Сўз адабиёт тўғрисида кетаётган эди.

Афсус, минг надоматлар бўлсинки, кўзбўямачилик ҳоллари адабиётда ҳам учрайди.

Бундан ўн йил чамаси муқаддам бир ҳикоя ўқиган эдим.

Раиснинг хотини ош дамлаб, эрини кутади. Правление мажлиси ҷўзилган бўлса керак, ярим кечада бўлибдики, раисдан дарак йўқ. Хотин ҳовлидан оғир эшикни очиб уйга киради. Катта қандилнинг биллур маржонларидан қўйилаётган камалакнинг ҳамма ранги сайқал

берилған уй жиҳозларида акс этиб, афсонавий бир манзара ҳосил бўлган. Хотин тош ойнавандлик қитоб жавонидан чиройли муқовали каттакон бир китобни олиб, бир оз ўқигандан кейин роялнинг устига қўяди-да, дебраза олдига келади ва оғир шоҳи пардани сурниб, кўчага қарайди... Ниҳоят, раис саҳарга яқин келади, тошойнлари ярқираб кўзни қамаштираётган буфетдан бир шиша хушбўй винони олиб, бир рюмка ичади-да, кейин овқат ейди ва ҳоказо.

Раиснинг уйидаги оғир эшикдан тортиб қандил, рояль ва хушбўй виногача ҳаммаси авторнинг дидини, услубини кўрсатади ва ҳаммаси бошдан-оёқ уйдирма. Авторнинг диди ва фаҳмига кўра «тўқ ва фаровон турмуш»— шу. Афсуски, дид ва фаросатда бундан қолишмайдиган ёзувчилар яна топилади. Бу хилдаги ёзувчилар қилмишларига «назарий» асос ҳам топишади: «Одамларимизнинг эртанги кунини кўрсатиш керак» эмиш!

Уйдирмачилик бошқа, олдиндан кўриш бошқа. Партиямиз бизга уйдирмачиликни эмас, «келажакни олдиндан кўришни, жамиятни қайта қуриш режасини тушиб, уни амалга оширишни» таълим беради.

Ижтимоий вазифаси юксак ва машаққатли бўлган адабиётни беҳуда, мешчан ҳаётнинг ҳашаки сураткашига айлантириш керак эмас!

Коммунизм Программасини амалга ошириш, қадамбақадам муваффақиятларни қўлга киритиш кундалик меҳнат ва кураш, қийинчиликларни енгиш, тўсиқларни емириш билан бўлади. Энг мукаммал жамиятни — коммунизмни ҳеч ким бизга олтин товоққа солиб тутмайди. Уни ҳар ким ўз соҳасида, бирор қўли билан, бирор ақли билан ўз вазифасини ўтаб яқинлатади.

Пахта — кўп меҳнат талаб қиласидиган экин. Лекин ҳозирги вақтда теримдан бошқа ҳамма оғир меҳнат тўла равишда машинанинг елкасига юкланган бўлса ҳам, ҳануз асосан аёллар бўйнидаги оғир меҳнат бўлиб келяпти.

Мавсумда 20 тоннага етказиб пахта терадиган аёлларимиз бор. Бу қанчалик оғир меҳнат эканини тасаввур қилиш учун шуни билиш кифоя: битта чаноқдаги пахтани 3-3,5 грамм ҳисобласак, 20 тонна пахта териш учун мавсумда олти-етти миллион чаноққа қўл уриш керак.

Олти-етти миллион чаноқдаги пахтани олиш учун

теримчи неча юз минг марта ўтириб-туради, йигирма тонна юкни бўйнига осиб, неча юз километр йўл босади? Мана шу заҳматкаш бизнинг баъзи асарларимизда ашула айтиб, «меҳнат завқини сурис», ҳамиша кулиб ишлайди. Тонг қоронфисидан шом қоронфисигача ишлангандан кейин кечқурун клубга бориб лекция өшитади, уйга келиб китоб ўқийди... Агар шундоқ бўлса, машина-нинг кераги бўлмас эди-ку, деган фикр бунақа ёзувчиларнинг хаёлига ҳам келмайди.

Шунақа ёзувчиларни бир кунгина ўша аёлларнинг ўрнига қўйилса қаламлари бошқача юрар эди...

Жуда кам учраса ҳам, ҳар қалай, учраб турадиган яна бир рихинак — ёзувчилар орасида адабиётни китобхон ва томошибин кўзида бебурд қиласидан ёзувчилар бўлишидир. Булардан бири адабиётга пул ва шуҳрат қидириб кирган; бири ёшлиқда шўхлик қилиб, ёзувчикликка йиқилгану шу қўйича ёшлигини ўтказиб юборган, ҳозир бошқа касбкорга ярамаганлиги учун ёзиб-чизиб, мажлисларда «ақл» ва «сиёсат» сотиб юради, яна бири умрида биронта китоб ўқиган эмас. Ўқишдан кўра ёзишни осонроқ деб билгани учун ёзишга уринади. «Кўр кўрни ойдинда кўради» дегандай булар бир-бирини қўллайди, бир-бирини ҳар баҳона билан мақтайди, бир-бирининг асари тўғрисида яхши овозалар тарқатади. Биздаги юз-хотирчилик эса буларга қуладай шароит турдиради. Шундай қилиб, ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким ўқимаган асар ҳадемай биронта доклад ёки мақолага кириб қолади. Шу билан авторнинг қўлига ҳужжат берилган бўлади. Автор бу ҳужжатни олиб, театр, нашриёт ва редакциянинг эшигини табассум билан очиб киради, табассум иш бермаса, дўққа ўтади. Дўқ ҳам қўл келмаса, аптекалар бошқармасидан бўлак идораки бор ҳам масига шикоят билан боради, ҳаммасига ариза беради, натижада, баъзан «асар»ни ўтказишга муваффақ ҳам бўлади.

Бунақа «асар» ҳақида авторнинг баҳтига танқид суъкут қиласиди. Сукут танқиднинг бир тури эканини билса ҳам автор унча ранжимайди. Китоб магазинларининг пештахтасида сарғайиб ётса, саҳнага чиқар-чиқмас қазога учраса, «ёзувчи» шовқин солади, театр колективини, китоб савдоси ходимларини ношудлик, лоқайдлиқ ва уқувсизликда айблайди. Бу тоифа одамлар қобилиятсизлигини, нодонлигини шовқин-сурон ва дағдаға билан хаспўшлашга уринади. Ёзувчилар орасига низо

түшса, ҳар қанақа низонинг отаси ҳам шулар, онаси ҳам шулар.

Баъзи бир «рихинак»лар ҳақида кулмасдан гапириб бўлмайди.

Карнай бор, сурнай бор. Сурнай санъаткорнинг қўлида ҳуш садолар беради. Карнай ҳар кимнинг қўлида ҳам қулоқни қоматга келтиради, холос.

Насриддин афанди созанда бўлгиси келибди, машшоқларга йўлиқиб: «Мени тўпларингга олинглар» дебди. Машшоқлар: «Қайси созни яхши чаласиз?» — деб сўрашган экан, Афанди: «Созлардан сурнайни яхши пулфайман-у, лекин парда босишга ожизман, бу ёғига ўзларинг қарашиб юборасизлар», — деган экан. Ёзувчилар орасида ҳам ёзувчилик сурнайини пуллашга уста, лекин парда босишга, яъни ёзишга ожиз, бу ишда бирорларнинг «қарашиб юборишига», яъни таҳририга муҳтоҷ «адабий прораблар» бор. Пуллаш афандидану парда босиш созандадан бўлиб чалинадиган машқ тўғрисида икма дейиш мумкин бўлса, ёзиш ишини ташкил қилиш «ёзувчи»дану «таҳрир», яъни ёзиш «таҳрирчи» — бошқа ёзувчидан бўлиб майдонга келган адабий маҳсулот тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Фақат пуллашни биладиган, лекин парда босишга ожизлик қиласиган киши сурнайчи эмас, ҳаракат қилса карнайчи бўлиши мумкин, холос.

Матбуот бу хилдаги «адабий прораб»ларга қарши ўқузиб туради. Ўтган йил сатира журналинизм «Муштум» ҳам ўқузди.

«Прораб»нинг китоби босилиб чиққан. Тақриз кутилмоқда. «Прораб» китоб ёзив берган ёзувчи билан оғизбурун ўпишиб ўтирибди. Шу пайт газета келиб қолади. Газетада мазкур китоб тор-мор қилингандан бўлади. «Прораб» ёзувчига қараб ўшқиради: «Аҳмоқ, бирорвга китоб ёзив бериш қўлингдан келса ёзив бергин-да!» — дейди ва уни уйидан ҳайдаб чиқаради.

Яна бир мисол. Москвада бир темада асар ёзган ёзувчиларнинг кенгаши ўтказиладиган бўлди. Шу кенгашга бир ёзувчи юбориладиган бўлганда, бирданига иккни киши «китобни биз ёзганимизу кенгашга у киши борадими?» деб даъво билан келган эди.

Ҳозир адабиётимиз гул-гул очилиб турган бир вақтда кўнгилни хира қиласиган шунаقا рихинаклар тўғрисида сўз очишнинг ҳожати бормиди? Менимча, ҳожати бор. Адабиётимиз гул-гул очилиб тургани, бу рихинак-

ларни ситиб ташлаш зарур бўлгани учун ҳам ҳожаги бор. Буларни ситиб ташлаш бизнинг вазифамиз. Адабиётимизнинг соғлиги учун кураш, асарларимизнинг таъсир кучини ошириш, миллион-миллион китобхонларимизнинг қалбидан чуқурроқ ўрин олиши учун кураш демакдир!»

Абдулла Қаҳҳор адабиётнинг чинакам жонкуяри, ёш қаламкашларнинг ҳақиқий мураббийси бўлганлар. У кишининг назаридан бирон ёзувчи четда қолмас эди. Хоҳ наср, хоҳ назм бўлсин нимаики чоп этилса дарҳол ўқиб чиқар, фикр-мулоҳаза ва қувончларини муаллифга ёзиб юборар эдилар.

Сайд Аҳмаднинг 1940 йили босилиб чиққан «Тортиқ» ҳикоялар тўпламига тақриз ёзиб, фикр билдирганлари кўпчиликка маълум:

«Сайд Аҳмад қўлига танбур олибди, қулоғини бурашига, парда босишига, чертишига қараганда тузук бир машқ ҷаладиганга ўхшайди, лекин ҳали машқ ҷалгани йўқ. «Тортиқ»даги ҳамма ҳикоялар шуни кўрсатади.

Танбурни қўлга олиб, созлашдан мурод машқ чалиш эканини эсдан чиқармаса бўлгани».

Шундан кейин ҳам унинг ижодини муттасил кузатишда давом этдилар ва ўша тақриздан кейин орадан 26 йил ўтгач, ёзувчининг «Уфқ» романига сўзбоши ёзиб берганлар. Мана ўша сўзбошидан парча:

«Яхши ёзувчиларимиздан Сайд Аҳмаднинг «Уфқ» китоби тенгқурлари орасида ярқираб турибди. Бу китобни китобхон бошдан охиригача шавқ билан, ҳеч қарда тўхтамасдан, диққати сусаймасдан, иштаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади.

...«Уфқ»да тасвир этилган қишлоқ ҳаётини, одамларини кўриб, ҳар бир ўзбек катта ифтихор билан «Биз ўзбеклар» дейди. Қардош халқлар ўзбекни меҳр билан «ўзбек оғайним» деб атайди. Сайд Аҳмад бундан кўп йиллар бурун қўлига адабиёт танбурини олиб, чертганида, қўли келишганини кўриб, яхши созандা бўлиб, яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилган эдик. Шу орзумиз ушалиб келаётибди. «Уфқ» унинг илҳом ва маҳорат билан чалган машқидир. Созандада баъзи пардаларга ортиқроқ нолиш бериб юборган бўлса, буни ҳаяжон натижаси дейиш мумкин».

Лекин шу билан бирга, китобнинг баъзи бир жўзъий камчиликлари, нуқсонлари ҳақида фақат муаллифнинг

**Жулоғига айтадиган сўзларини ёндафттарга ёзиб қўяр эдилар.**

Езуучи Уткир Ҳошимовнинг ижоди ҳам ҳамиша Абдулла Қаҳҳорнинг диққат марказида бўлган. Уткирнинг «Чўл ҳавоси» қиссасини ўқиб, 1964 йили унга бир хат ёзган эдилар:

**«Уткир!**

«Чўл ҳавоси»ни ўқиб, суюниб кетдим. Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади. Қисса жуда соф, самимий, илиқ, табиий, роҳат қилиб ўқиласди. Қиссанинг хат шаклида бўлиши кўп жойларда ритмни бузади, сизни чеклаб қўяди. Ҳикоя биринчи шахсадан олиб борилса ҳам шундоқ бўлур эди, буни ўйланг, ҳисобга олинг. Шу аланга ҳеч қачон сўнмасин. Ижодингиз ҳеч қачон тутамасин!

**Хурмат билан Абдулла Қаҳҳор».**

Ёндафтларига эса шу асар хусусида қуйидаги фикрларни қайд қилиб қўйибдилар:

**«Чўл ҳавоси.**

Икки йигит бир қизни яхши кўради, қизнинг кўнгли биринчи йигитда, иккинчиси биринчи йигитга ёмонликлар қиласди, лекин буларнинг муҳаббатига тан бериб, биринчи йигитни ўлимдан қутқазди.

Бу тема янги эмас, лекин ишланиши янгича: чиройли, соф...»

1967 йилнинг февралида яна шу муаллифнинг «Шамол эсаверади» деган қиссасини ўқиб, ёндафттарга шундай ёзиб қўйибдилар:

«...Мақсад билан Гавҳар бир-бирини яхши кўради. Мақсад университетда ўқийди. Гавҳар қишлоқ мактабини битириб, шаҳарга келади. Талъат деган йигит унга ёмон кўз билан қарайди. Студентлар пахта теримига чиққанда Талъат Гавҳарга қўл узатади, мақсадга етишиш учун университет катталари ёрдамида уни «машъал» қиласди. Гавҳар мажлисда «машъал» лигини фош этади ва ҳаром одамларнинг ёрдамида эмас, ҳалол йўл билан университетга кириш учун қишлоқка қайтади.

Мақсад билан Гавҳар орасидаги муҳаббатга кишининг ҳаваси келади. Қани эди, ёшлар орасидаги муҳаббат шундай бўлса!

**Повесть иштаҳа билан ўқиласди».**

1960 йилларнинг боши эди, шекилли. Бир куни кино-

режиссёр Латиф Файзиев қорачадан келган, ўзи озғин бўлса ҳам елкалари кенг бир йигитни эргаштириб келди. Анчагача ўтиришди. Бутун сұхбат давомида ҳалиги йигит чурқ этмади. Фақат, кетиш олдидан ийманибгина йўлакдаги батареяning устига қўллэзма қўйиб:

— Фурсатингиз бўлса қўриб қўярсиз,— деди.

Абдулла Қаҳҳор қўллэзмани ўша куниёқ ўқиб чиқиб:

— Эй, бундан дуппа-дуруст ёзувчи чиқади-ку!— деб суюниб кетдилар.

Бу ёш йигит Учқун Назаров, қўллэзма унинг «Одамлар» деган биринчи ҳикояси эди.

Устоз ҳамма ишларини қўйиб, дарров ҳикоянинг ўёқ-буёғига қалам уриб, ўзлари «оқ йўл» тилаб, ҳикояни «Шарқ юлдузи» журналига бердилар.

Абдулла Қаҳҳор ғамхўр устоз, меҳрибон мураббий сифатида хонаси келганда ёшларнинг кўнглини кўтариш, уларга маънавий кўмаклашишга ҳам ҳамиша тайёр эдилар.

«Ўтмишдан эртаклар» повестига Абдулла Ориповнинг «Муножот» шеъридан тўрт мисрани эпиграф қилиб олганлари бежиз эмас:

«Эшилиб, тўлғаниб ингранади куй,  
Асрлар ғамини сўйлар «Муножот».  
Куйи шундай бўлса ғамнинг ўзига  
Қандай чидай олган экан одамзод!»

Кейинроқ шоирнинг қўйидаги:

«Гоҳо ер меҳрини ўйларкан,  
Эслга тушар дорнинг сиёғи.  
Ажаб ҳикмат: одам ўларкан  
Узилгандан... ердан оёғи»,—

мисраларни «Нурли чўққилар» ҳикоясига эпиграф қилиб олдилар.

Шоир Эркин Воҳидовга ҳам устознинг ихлослари баланд эди. «Маҳалла» деган ҳикояларига унинг:

«Инсон билан тирикдир инсон,  
Мұҳаббатдан ҳаётнинг боши,  
Одамзодга баҳш этади жон,  
Одамларнинг меҳр күёши»—

**деган мисраларини эпиграф қилиб олганларидан ҳам буни билиш мумкин.**

Лекин агар бирон ёш ёзувчи ўз имконияти даражасидан настроқ асар ёсса, уни дарров огоҳлантириб қўяр эдилар. Ўз имкониятини ҳисобга олмай, редакциялардан хафа бўлиб юрган баъзи ёш ёзувчиларга эса ҳақиқатни рўй-рост айтардилар.

### **«Хурматли Б.**

**Хатингизга кечикиб жавоб берадиганим учун кечиринг. Бетоб эдим.**

Газета ва журналларимиз редакциялари ёш ва ҳаваскор ёзувчиларга кўпинча жабр қиласди: номаълум ёш ҳаваскор ёзувчининг ўртacha асаридан номи маълум бўлган ёзувчининг ёмон асарини афзал кўради, босилмаган асарлар ҳақида аниқ, кескин фикр айтмайди, баъдан айтольмай ёзувчини овора қиласди.

Иккала ҳикоянгизни диққат билан ўқиб чиқдим. Ҳаётимиздаги камчиликлар ва буларга қарши кураишда одабиётимизнинг вазифаси ҳақидаги фикрларингизга қўшиламан. Лекин салбий одамлар, салбий ҳодисалар қонундан ташқари одамлардан, ҳодисалардан патоло-еик фарқ қилиши керак: наинки сиз қаламга олган хотин образи ҳозирги хотин-қизларимиз образини «яна ҳам яхшироқ кўрсатишга хизмат» қиласа!

Сиз яна айбни редакцияларга қўйиб, назаримда, ўз имкониятингиз тўғрисида ўйлаб кўришини эсингиздан чиқариб қўйибсиз.

Ўзингиз айтмоқчи, бир ийлдан бери овора бўлиб ҳеч нарсага эриша олмаган бўлсангиз, бунинг туб сабаби мана шу.

**Хурмат билан Абдулла Қаҳҳор».**

Еки мана бу хатни олайлик:

### **«Ўртоқ К. К.**

**Хатингизга кечикиб жавоб берадиганман, узр.**

1. Ўзида талант борлигини 40—50 ёшида пайқаган одамлар ҳам бор, лекин буларнинг биринчи ёзган асарлари ростдан ҳам талант эгалари эканини кўрсатган. Бу ҳикоянгиз сизда талант борлигини кўрсатмайди, ёзувчиликка ҳавас уйғонганини кўрсатади, холос. Ҳавас ҳаммада ҳам бўлиши мумкин, лекин ҳаваснинг ўзи кишини ҳеч қаёққа элтмайди. Мен, масалан, танбур чер-

тиб ҳаммани қойил қилгим келади, лекин начораки, дард бор-у, дармон йўқ.

2. Редакция ходимларининг айби ҳикоянгизни тушунмаганида эмас, тушуниб туриб сизга ростини айтмаганида. Агар ростини айтса, бир-икки кун хуноб бўлар эдингиз, яна бир-икки идорага ариза ёзар эдингиз-да, оқибат ўйлаб, инсофга келар эдингиз. Қаранг, бир йилдан бери редакция ходимлари билан олишибсиз, бир йилдан бери ҳамма айбни ўшаларга қўйиб бўғилиб юрибсиз-у, бирон марта танангизга ўйлаб: «Мен ноҳақ бўлмайин тагин» деган гап хаёлингизга келмабди.

Редакция ходимлари: «Ўзи дуруст, лекин камчиликлардан холи эмас» деб сизга мумкин қадар беозор хатлар ёзмасдан ростини айтса: «Бу нарса ярамайди, адабий савиянгиз шу бўлса, минбаъд ҳикоя ёзив овора бўлманг», деса шу оворагарчилик бўлмас эди.

3. Емон хотин тўғрисида ёзиш, ҳар нарса ёзиш мумкин. Лекин ёзган вақтда ёзишдан мақсад нима эканини, онамиз ҳам, оиласиз ҳам хотин жинсидан эканини эса дин чиқармаслигимиз керак.

Бошқа иши қилинг. Бошқа ишда муваффақият тио лайман.

1961 йил»

1964 йилнинг ёз фасли. Дўрмондаги боғимизда турардик. Қорақалпоғистонлик ёш ёзувчи Тўлепберген Қайпбергенов ҳам Ёзувчилар союзининг ижодхонасида дам олаётган экан. Аммо, салкам бир ой мобайнида Абдулла Қаҳдор билан тез-тез кўришиб турган бўлса ҳам, асарини у кишига кўрсатишга журъат этолмабди. Ниҳоят, кетиш арафасида, қисиниб-қимтиниб асарини кўтариб келди. Абдулла Қаҳдор ўзларига хос меҳмоннавозлик билан кутиб олдилар ва ҳамма ишни йиғишириб қўйиб, повестни ўқиб чиқдилар. Шу даражада қувониб кетдиларки, ҳатто ўзбек тилига таржима қилинни ҳам ўз зиммаларига олдилар. Бу Т. Қайпбергеновнинг «Совуқ бир томчи» деган қиссаси эди. Ёш ёзувчининг кўнглини кўтариш мақсадида асарни рус тилига таржима қилиш учун ҳатто таржимон ҳам топиб бердилар.

Ёш ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг биринчи асарини журналда ўқиб, унга шундай деб ёзган эдилар.

## «Хурматли Ш. Холмирзаев!

«Шарқ юлдуси»да босилган «Тўлқинлар» повестиниң азизни ўқидим. Повесть яхши таассурот қолдиради. Маъмуржонни бошда табассум билан тасвир этасиз. Бутун асар давомида қисқаликка интиласиз. Ёзувчиликда кўзингиз очилиб келаётгани кўриниб турибди. Назаримда, повестнинг номи тўғри эмас.

Кейинги шиларингиз бароридан келсин!

Салом билан Абдулла Қаҳҳор».

Асарлари деярли чиқмаган Анвар Муқимовнинг «Бизнинг ташаббус» деган ҳикоясини ўқиб, ўша заҳоти унга шундоқ деб хат ёзганлар:

«Анваржон! «Бизнинг ташаббус»ни ўқиб, қувониб кетдим. Сизда сатирик ёзувчининг ўткир кўзи, қувалиги бор. Бу соҳада муваффақият қозонишингизга аминман.

Хурмат билан Абдулла Қаҳҳор.

14.XI.1965 йил».

1966 йилнинг 5 февраляда яна шу ёзувчига қўйидаги хатни ёзганлар:

«Анваржон!

Салом! Биринчи хатни сизга чин кўнгилдан ёзган эдим, ҳозир ҳам чин кўнгилдан айтмоқчиман: ҳикоя чиқмабди. Ўша ҳикоянгизда каттакон бир ижтимоий иллатни тангадай ўринга жойлаган эдингиз, бунда тариқча маъно бир пақир сувда сузуб юрибди.

Ў ҳикояни ёзганнингизда қалбингизни ўртаган бир дардингиз бор эди, ҳикоя ёзиб шу хусусда арз қилган өдингиз, бу ҳикояни ёзишингизда сизни ҳеч ким безовга қилган эмас, шунинг учун китобхонга ҳеч қанақа арзингиз йўқ, ҳикояни юрагингизни бўшатиш учун эмас, ҳикоя ёзиш учун ёзгансиз. Ўша иккита товламачи дилимга озор берган, шуларнинг устидан китобхонга арзим бор эди, демоқчимисиз? Аксинча, ҳар иккаласи ҳам сиздан шикоят қилиб турибди: бизни бу одам ҳеч қаерда кўрганий ўйқ, биз унинг дилига озор берган эмасмиз, бизга туҳмат қиласяпти. Ҳақиқатан, бу одамлар уйдира, ҳикоя ёзиш учун ўйлаб чиқарилган.

Мен бу гапларни сизда катта талант борлигига қаттиқ ишонганим учун айттаётиман, мендан хафа бўла кўрманг. Мендан хафа бўлсангиз, юз ўғирсангиз ҳам кетингиздан қолмайман. Биринчи хатни сиз менга эмас,

мен сизга ёздим. Менинг муносабатимни шундан ҳам билаверинг.

Ҳеч қачон бир нарса ёзиш учун ёзманг. Айтадиган гапингиз жуда зарур бўлганда, мени айт, деб тиши оғриғидай азоб бергандагина ёзинг. Емон кўрган одаминеизга муҳаббат изҳор қилиб хат ёзолмайсиз-ку! Нима учун йўқ туйғудан асан тўқиши мумкин, деб ўйлайсиз?

Салом билан талантингиз мухлиси

Абдулла Қаҳҳор».

Яна шу ёзувчига:

«Анваржон!

Юборган ҳикояларингизда бир оз жон бор. «Ишлар жойида»ни бирон газетага юборинг. «Ўқитувчилар газетаси»га маъқул бўлармикан?

«Ақлим киряпти»га қалам уриб кўрдим, бари бир кўнглімдагидай очилмади. Буни шу планда қайта ёзив чиқсангиз (ўзида бор деталларга тегманг!)

1. Гозиев ичкиликка муккаси билан кетган киши, хотинининг хархашасидан қутулиш учун ичгани баҳона топаберади: ўзининг түғилган куни, хотинининг түғилган куни, янги уйга кўчилган куни, катта ҳайит, кичик ҳайит, мавлуд, шахтёrlар, балиқчилар, геологлар куни... Турган гап, шу кунлар муносабати билан меҳмон чакиради, лекин ҳамиша меҳмонлар келгунча омборхонада учиб қолаберади.

2. Бугундан бошлиб Гозиев ичкиликни ташламоқчи, шу муносабат билан қўй сўйиб ёр-жўраларини чақирган, уларнинг олдида оғзига сўз олмоқчи. Бироқ тарки одат амримаҳол — Гозиев яна омборхонада учиб қолади.

Шундоқ қилинса яхши бўлар.

Эринманг. Яхши ҳикоя чиқишига ишонаман.

Ҳикоянинг ўзида яхши гаплар, деталлар бор, буларни ўз ҳолиша қолдиришига ҳаракат қилинг.

Ҳикоя битгандан кейин менга юборинг, яна маслаҳатлашамиз.

Салом билан Абдулла Қаҳҳор.

Менинг таклифларим илҳом түғдирмаса зўрма-зўфраки уринманг, чунки илҳомсиз тузатиш бузишдан нари ўтмайди. Ҳикояни шу туришида ҳам бирон редакцияга юбориш мумкин.

27.IV—1966 йил

**Мана шу мактубларниң ўзиәк Абдулла Қаҳдор та-  
содифан қўлига тушган асарларни эмас, балки ёш,  
истеъдодли ёзувчилар қалами остидан нима чиқса, ҳам-  
масини зўр ҳафсала ва катта меҳр-муҳаббат билан  
ўқийдиган, ҳамиша уларга руҳан мадәд берадиган  
устоз эканлигидан далолат беради.**

1965 йили ёш ёзувчилар билан бўлган сұжбатда Аб-  
дулла Қаҳдор ўз қувонч ва тилакларини ёшларга қўйи-  
дагича изҳор қиласган эдилар:

«...Хозирги ёшларнинг билимли, маданиятли экани,  
адабиётнинг моҳияти ва вазифасини чуқур билгани ус-  
тига-устак яна учта олтин фазилати бор.

Биринчи фазилат: буларнинг дили ҳасад, баҳиллик  
деган қабиҳ туйғудан пок. Бу табиий бир ҳол, чунки  
чуқур билим, ҳақиқий талант эгаси ўз кучига, олдинда  
кетаётганларга етиб олишга, бир сафда кетаётуб, ҳеч  
қачон орқада қолмаслигига ишонади. Маърифатсиз,  
талантсиз ёзувчи (ёзувчи эмас) эса, бирорвга етиб олиш-  
га ожизлик қиласди-ю, уни ҷалиб йиқитишга, лоақал  
бўйнига бир латта иллаб таъбини хира қилишга, юргани  
ҳалал беришга уринади. Ҳақиқий талант эгалари бир-  
бирларига ҳасад эмас, ҳавас қиласди, бир-бирининг ғай-  
ратини келтиради. Булар орасида рақобат эмас, жамия-  
тимизни олға силжитадиган куч-мусобақа бўлади.

Иккинчи фазилат: ҳозирги ёшларимиз камтар, ҳар  
бир мӯваффақиятга бор имкониятининг «чашна»си деб  
қарайди. Бу ҳам табиий ҳол, чунки минг кетмон уриш-  
га, тоғни қўпориб ташлашга қодир одам бир кетмон  
уриб қўйиб керилмайди, ўзини елпимайди, таҳсин ва  
оғарин кутмайди. Бир кетмон уриб, таҳсин ва оғарин  
умидида атрофга қараган одам шу билан иккинчи кет-  
мон уришдан ожиз эканини кўрсатади.

Учинчи фазилат: ёшларимиз асарларини умумада-  
биёт гази билан ўлчашни талаб қилишади, ёшига риоя  
қилиб, пастроқ талаб қўйишни ўзларига ор деб били-  
шади. Ёзувчи ёшлигига ёшлигига риоя талаб қисса  
талантига шира тушади, эрта қарийди, кейин қарилиги-  
да қарилигига риоя талаб қиласди-ю умумадабиёт гази-  
ни кўрганда қунишади, пақиллайди... Бизнинг ёшлари-  
миз той бўла туриб отнинг төпкисини кўтарадиган  
чайир, чаққон ҳар қандай катта галадан ҳам улоқни  
олиб чиқиб, халқнинг совринига сазовор бўладиган ча-  
вандоз отлар бўлиб етишпти.

**Мана шунинг учун эртага буюк адабиёт яратилиши-**

га, бу адабиётни ҳозирги ёшлар яратадиган олишига бунчалик аминман...

Энди эшикни зич ёпиб, қулоқларингга айтадиган яна бир тилагим бор.

Эскичасига айтганда, худога минг қатла шукрки, ҳозир ёшларнинг асосий кўпчилиги ичкилиқдан ҳазар қиласди, ичкилик ичишни айб деб билади. Булардан биронтаси ичиб қўйса, дарров дув-дув гап бўлиб кетиши шуни кўрсатади.

Мана шунақа баъзан ичиб қўядиган бир йигитга таъна қилсан, хижолат бўлди, хижолатдан чиқиш учун ерга қараб: «Илгариги ёшлардан ҳеч бири ичмаганми?», — деди. Аввало, одам ўз гуноҳини бошқа бироннинг гуноҳи билан ювмоқчи бўдиши чакки, чунки гуноҳни гуноҳ ҳеч қачон юва олмайди: ундан кейин, илгариги вақтда ичган ёшлар ичкилик фожеага олиб боришини кўрган эмас эди-да! Ҳозир ичкилик фожеаси кўз ўнгимизда турибди: ўша вақтларда ичган ёшлардан бири ичкилик орқасида, фақат ичкилик орқасида хомаклигича қолди — қовун бўла олмади, бири ичкилик орқасида катта талантини буришириб ўтирибди... Бу ҳол фожеа эмасми?

Бундан ташқари, ёзувчининг, ҳамиша халқ кўз ўнгигда турадиган ёзувчининг маънавий қиёфаси деган гап бор. Ичкилик одамни иркит, кишини таъби тортмайдиган бебурд, субутсиз, ёлғончи қилиб қўяди. Ёзувчи эса покиза, чиройли, бурдли, субути, ҳақгўй бўлиши керак.

Ҳозирги адабий ёшларимиз шубҳасиз, ўзига ҳам, адабиётга ҳам ғубор қўндирамайдиган ҳақиқий замона ёшлариdir. Биз бир-биримизга катта меҳр қўйиншимиз, бир-биримизни ҳар томонлама бойитишнимиз, бир-биримизни бало-қазодан, ёмон кўздан сақлашимиз зарур, ёртаги буюк адабиёт биносининг ҳақиқий меъморлари бўлишимиз керак. Шундоқ бўламиз, бунга бутун адабий жамоатчилик, бутун халқ катта ишонч билан кўз тутаётиди».

Ўрни келганда бир гапни алоҳида таъкидлаб ўтишини истар эдим: Абдулла Қаҳҳор ичкилики нафақат адабиёт даргоҳидан, балки умуман ҳаётимиздан қувиб чиқариш тарафдори бўлиб, «Оқ арақнинг қора иши», «Тўйлар муборак», «Уят» каби мақолаларида ичкиликтозликка қарши «қилич яланғочлаб» майдонга чиққан эдилар. Мана ўша мақоладан айрим парчалар:

«...Баъзи одамлар «Тўйда ичкилик бўлсин-у, меъёри-

да бўлсин» дейишади. Хўш, бу «меъёрни» ким белгилаб беради?.. Бордй-ю, ўрта бир одам белгилайдиган бўлса; ўша миқдорда ичкилик столга қўйилгандан кейин чойнакларда «қўшимча» ичкилик келтирилмаслигига, вақтчоғликини фақат шишадан топадиган одамлар ўзи келтирган шишани столнинг тагида бўшатишмаслигига ким кафил бўлади?

Баъзилар тўйда шампанскийга йўл қўйилсин, дейишади. Бу таклиф ҳам номақул, чунки биринчидан, шампанский бошқа ҳамма ичимликтан қимматга тушади; иккинчидан, кунбўйи арақ ичишини хотинидан яшириш учун ҳар куни эрталаб унинг ўзидан бир рюмка арақ сўраб оладиган арақхўр қабилида иш кўраверади.

Наша чекиш айб, кўкнор ичиш уят, нима учун ичкилик ичиш айб-уят эмас, нима учун тўйни айб-уятлика ҳар иккисидан ҳам қолишмайдиган ичкилик билан безаймиз? Наша бангиликка, кўкнор кўкнориликка элтиб, кишини одамгарчиликдан чиқаради, деймиз. Нима учун пиянистани одам ҳисоблаймиз? Ичкиликнинг масалан, кўкнордан нима афзаллиги бор? Кўкнори кўкнори ичиб ўғирликка тушгани, одам ўлдиргани маълум эмас, лекин пиянистанинг қилмаган жинояти йўқ-ку! Шўми ичкилиқнинг бошқа бангилардан афзаллиги!..

## XI

Абдулла Қаҳҳор мақтовга жуда хасис әдилар. Шогирдларидан биронтасининг елкасига қоқиб, «фалон асарингни боллабсан, сенга қойилман!» деганларини эшитганим йўқ.

Таниқли олимимиз Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорнинг олти жилдлик асарларига муфассал муқаддима ёзиб, бир куни келиб ҳаяжон билан ўқиб берганида у киши: «Ҳа, менинг ҳақимда энди бир нарса ёзилибди», — деб қўя қолган әдилар. Бошқа одам бўлса: «Эй, Озоджон, қойилман, баракалла, ажойиб сўзбоши ёзибсан!» — деб қучоқлаб ўпар эди, албатта.

Кези келганда айтишим керакки, чорак аср ҳамнафас бўлиб бирор маротаба мен ҳам мақтов эшитган эмасман. Бир гал — у вақтда Ёзувчилар союзи ҳозирги Хадича Сулаймонова кўчасида эди — ёш ёзувчилар билан учрашув бўлган экан, шунда эшитишмача кимдир: «Домла, Кириё опа билан ижодий ҳамкорлигингиз ҳақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз», — деб қолиб-

дя. Абдулла Қаҳҳор шундоқ жавоб берибдилар: «Кибриё опанг ҳақида нима десам экан... Кибриё опанг аввало менга форс-тожик адабиётига дарча очиб берди. Кейин яхши таржимон, яхши пазанда, яхши ёрдамчи, яхши боғбон, яхши хотин ва яна жуда кўп яхши фазилатлари борки, уларнинг ҳаммасини айтиб бўлмайди».

Бир куни уйимизга меҳмон келган эди. Дастурхон одатдагидай дид билан ясалган, таомлар қўйилган. Шунда кимдир:

— Абдулла ака, Кибриёхоним пиширган бу лаззатли таомларни еб юзга кирасиз! — деб қолди.

Абдулла Қаҳҳор бунга жавобан кулимсираб шундай дедилар:

— Ҳа, чаласавод хотинлар ошпаз бўлиб ишлаётган бир вақтда шундоқ аёл нима учун ёмон овқат пишириши керак!

Мантиқни қаранг: ҳақиқатан ҳам чаласавод хотинлар ошпаз бўлиб хизмат қилаётган бир вақтда, нега оқкорани ажратса оладиган, фаҳм-фаросати жойида бўлган зиёли аёллар ёмон овқат пишириши керак.

Абдулла Қаҳҳор паловни жуда яхши кўтарар эдилар. «Нима ейсиз?» — деб сўрасам, кўпинча:

«Гумбаз бўла қолсин» дердилар. Сабзи пиёз тўғралган бўлса, 45 минутда ошни пишириб, дастурхонга олиб келиб қўяр эдим. У киши шунга ўрганиб қолган эдилар.

Бир куни дўстларимиздан бирининг уйида меҳмон бўлдик. Ҳадеганда иссиқ овқатдан дарак бўлавермади. Анча фурсатдан кейин дастурхонга манти келди. Абдулла Қаҳҳор санчқини мантига урдилару:

— Емайман, покришкаси қалин экан, — деб секин нарироққа суриб қўйдилар ва бир оздан кейин шивирлаб: — Ўзингиз дуруст экансиз, — дедилар.

Мен суюниб кетиб:

— Вой, сиз ҳам мақташни билар экансиз-ку! — дедим.

— Биласизми, одам бозорга опчиқиб сотадиган нарсасини мақтайди. Хотин ўзимники, нима учун мен уни мақташим керак? — дедилар.

Эшитган мақтовим шу — «Ўзингиз дуруст экансиз»дан нарига ўтганлари йўқ. Мен бундан асло ўқинмайман — мақтов ҳам «парда» лироқ бўлгани дуруст.

Оилада мен Абдулла Қаҳҳорнинг ўнг қўли эдим. Асарларини қайта-қайта машинкада кўчирад, керак

бўлса машина ҳайдар эдим. У киши қанд қасалига қарши икки марта укол олардилар, ўшанда ҳамиширалик вазифасини ҳам ўзим ўтар эдим.

Абдулла Қаҳҳор яратган комедияларнинг деярли ҳаммасини Ҳамза номидаги Узбек давлат академик драма театрининг саҳнасида Александр Осипович Гинзбург кўйган. У киши ўзбек тилини билмас эди. Ҳамиша театрга бирга бориб, комедияни сўзма-сўз таржима қилиб берар эдим.

1953 йили Латвия драма театри «Шоҳи сўзана»ни саҳнага қўядиган бўлди. Маълумки, латиш халқи билан ўзбек халқининг урфу одатлари орасида катта фарқ бор. Март ойида Ригадан Абдулла Қаҳҳор номига телеграмма келди. Унда муаллиф премьерага таклиф қилинган, иложи бўлса, уч-тўрт кун олдин келиши сўралган эди. Уша кезларда Абдулла Қаҳҳор «Оғриқ тишлар» комедияси устида жиддий ишләётган эдилар. Шу боис менга:

— Келинг, менинг ўрнимга сиз бора қолинг,— дедилар.— Мен айтадиган гапларни сиз ҳам айтишингиз мумкин-ку. Агар ёлғиз бормайман, десангиз мен Маданият министрлигининг санъат бошқармасидан илтимос қиласман, бошқарма бошлиги Ҳамида Донская бирга боради.

Шундай қилиб, биз — Донская иккаламиз Ригага бориб «Шоҳи сўзана» комедиясининг премьерасини ўтказиб келдик.

Таржимонлар билан бўладиган ёзишмалар ҳам менинг зиммамда эди. «Вақтим йўқ» ёки «Асарингизнинг фалон жойи ёқмади» деб асабларини бузмасин деб, ўзларига билинтирмасдан жавоб ёзар эдим. Шу жиҳатдан Константин Симоновнинг менинг номимга йўллаган қўйидаги мактуби эътиборга лойиқdir:

### «Мұхтарама Кибриёхоним!

Мактубингиз анчадан бери столим устида турибди, бу орада неча бор Москвадан узоқ жойларга сафар қилиб келдим. Қайтгач, ҳар гал Сизга қандай жавоб берсам экан, деган мулоҳаза мени безовта қиласди.

Бу масалалар Сиз учун ҳам, Абдулла Қаҳҳорович учун ҳам мушкул эканини яхши биламан. Бирор, хозирги вазиятда менга ҳам ниҳоятда оғир эканини Сиз ҳам тушунинг. Менинг Абдулла Қаҳҳоровичга муносабатимни ўзингиз яхши биласиз. Ҳеч қачон профессионал тар-

жимонлик билан шуғулланмаган ва ҳеч қандай таржи-  
мөнлик тажрибасига эга бўлмаган мендек ёзувчи ўн  
йил давомида уч марта ўз сафдошимнинг асарини рус  
тилига таржима қилишга киришган экан, буни фақат,  
бир нарса билан — таржима қилаётган одамнинг  
истеъдодига бўлган чексиз муҳаббати билангина изоҳ-  
лаш мумкин.

Сизга ҳамма гапни рўйирост айтаяпман. «Синчалак»ни мен катта қизиқиши, завқ-шавқ билан таржима  
қилган эдим. Мен бу асарни жуда севиб қолдим ва  
Қаҳҳор насрининг мафтункор жилоларини рус китобхо-  
нига етказишни жуда-жуда истадим.

Қаҳҳорнинг комедиясини бир оз бошқачароқ түйғу  
билан таржима қилдим. Нега? Чунки менга комедия  
жанрининг ўзига хос табиати анчагина нотаниш. Ундан  
ташқари, комедиядаги миллий хусусиятлар ҳам асар  
таржимасини қийинлаштиради. Шундан, бу комедия рус  
саҳнасида ҳеч қачон қўйилмаса керак, деб ўйладим.  
Бироқ асарни таржима қилишга рози бўлдим. Негаки  
комедия ниҳоят даражада ўтқир ва катта истеъдод би-  
лан ёзилган эди. Иккинчидан (бу мен учун ҳам муҳим)  
ўша пайтларда Абдулла Қаҳҳоровичга руҳан мадад бе-  
ришини истаган эдим.

«Ўтмишдан эртаклар» ҳақидаги фикримни сизга  
айтган эдим. Бу асар ҳам менга ёқди, унинг «Синчалак»дан кам жойи ўйқ. Зўр маҳорат билан ёзилганини  
кўриб, беҳад севинган эдим. Асарни тўлалигича таржима  
қилганимда жуда мамнун бўлардим. Бунинг учун  
ҳозир менда на жисмоний қувват, на руҳий кўм бор.  
Шундай бўлса-да, шароитимнинг оғирлигига қарамай,  
Абдулла Қаҳҳоровичнинг юбилейи олдидан қиссанинг  
бир неча бобини «Литературная газета»га таржима қи-  
либ беришни дўстлигимиз бурчи деб ҳисоблайман. Тар-  
жима устида узоқ вақт ҳафсала билан ишладим ва у  
«Литературная газета» саҳифасида босилиб чиққанида  
жуда қувондим. Бироқ, энди қиссани тўлалигича таржима  
қилолмайман. Бу тўғрида сизга илгари ҳам айтган-  
ман. Ўйлайманки, Сиз билан Абдулла Қаҳҳорович бу-  
нинг менга алоқадор бўлмаган сабабларини бошқалар-  
дан кўра яхшироқ тушунасизлар.

Мен кейинги икки ярим йил давомида бир китоб  
устида ишладим. Уни шу пайтгача ёзганларим ичидা  
энг яхшиси деб ҳисоблайман... Лекин унинг қачон мат-  
буотда пайдо бўлиши маълум эмас. Яқинда шу асарни

**түгатдым.** Энди янги асар бошлагунимга қадар ҳам жисмонан, ҳам руҳан бир оз ҳордиқ чиқаришиш шарт. Акёнинча, умримдан салкам тўрт йил юлиб олингандай, вақтинча бўлса-да, юлиб олингандай ҳис қиляпман. Руҳий мувозанатимни тиклаб олиш, дарҳол бирон каттароқ шига қўл уришдан ўзимни тиймоғим даркор. Хуллас, ҳозир романни қўйиб, бошқа шига қўл уролмайман. Роман билан бир вақтда таржима билан шугусланишга ҳам қодир эмасман, чунки бу иш мендан жуда катта меҳнат ва зўр матонат талаб қиласди. Ҳовирча бунга иложим йўқ...

Қиссанинг қолган қисмини таржима қиласди ган таржимон менинг ишимдан фойдаланишини истамаса, заррача хафа бўлмайман. Майли, янгидан таржима қила қолсин. Агар фойдаланишини истаса, мен қилган бобларни таржимасига киритсин-да, таржиши ҳамкорликда қилинганини ёки қиссанинг қайси бобларини мен таржима қилганимни кўрсатсин. Қисқаси, таржимон нимани лозим топса, мен ўшанга розиман. Мен Сизга илгари айтган гапимни яна бир бор эслатиб қўймоқчиман. Қисса, таржима қилинмасдан, фурсат кутуб ётиши мумкин эмас. Уни кечиктирмай, дарҳол таржима қилиш керак, у ниҳоятда гўзал асар...

**Мана шунақа гаплар, муҳтарама Кубриёхоним!**

Бу мактубни Абдулла Қаҳҳоровичга кўрсатасизми, йўқми, унинг кайфиятию саломатлигига қараб ўзингиз ҳал қилинг. Ҳар қандай шароитда ҳам Сизни ва Абдулла Қаҳҳоровични аввалгидек самимий ва чин дилдан ҳурмат қиласман, севаман.

**Эҳтиром билан Константин Симонов».**

## XII

Сўнгги йилларда Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий активлиги заррача сусаймади. 1966 йили «Аяжонларим» комедиясини ёзишга киришдилар. Бу комедияни Абдулла Тўқай мукофотининг лауреати, режиссёр Тўла Хўжаев 1967 йили Ҳамза номидаги академик драма театрида зўр маҳорат билан саҳналаштириди. Аввалги комедиялари каби «Аяжонларим» ҳам республиканинг деярли барча театрларида, Тоҷикистон, Қирғизистон, Туркманистон каби қўшни республикалар саҳналарида қўйилди.

Абдулла Қаҳдор бу комедияга нуқта қўйишлари биланоқ «Мұҳаббат» повестини бошладилар.

1967 йилнинг сентябрь ойида ёзувчининг олтмиш йиллик юбилейч Навоий номидаги опера ва балет театрида зўр тантана билан нишонланди.

Кўзда бирдан қанд касали хуруж қилиб, Абдулла аканинг саломатликлари ёмонлашди ва қаттиқ сёқ оғриги бошланди. Дардга ниҳоят даражада бардошли эдилар. Тунларни бедор ўтказишларига қарамай, кундузлари, одатдагидек, чойдан сўнг ётган жойларида диван ёнига кичкина стол қўйиб, ишлай бошлардилар.

Оёқ оғриғидан чеккан азобларини кўриб бир гал:

— Бугун ишламасангиз нима қиласди? — десам:

— Ажабсиз! Ҳозир бугунги ишни эртага қўядиган вақтми? — дедилар у киши.

1968 йилнинг январида бир куни ваннахонада юви наётган чоқда чап оёқларининг бош бармоғи озгина шилинибди. Бир маҳал ранглари қув ўчган ҳолда ваннахонадан чиқдилару «Тамом!» деб ўзларини каравотга ташладилар. Дарҳол доктор чақирдим. Доктор тезлик билан касалхонага ётқизишни тавсия қилди. Лекин дори-дармон кор қилмади. Февраль ойида уйга олиб келдим. Хасталик, уйқусизликка қарамасдан «Мұҳаббат» қиссасини ёзиб, тутатдилар.

Хонақи дори-дармонларни ҳам қилиб кўрдик, бари бир натижা бермади. Мўмиё билан даволаш соҳасидаги йирик мутахассис, профессор Одил Шароповга мурожаат қилдик. У киши қай тарзда даволаш усулларини тушунтириб берди ва бир курс муолажа қилди. Бироқ, айтарли даражада ижобий ўзгариш сезилмади.

Жонажон дўстлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдужамил Матқобилов қанд касалига чалиниб, оёғидан маҳрум бўлган эди. Биз уни оғир аҳволда ётганида касалхонага бориб кўрган эдик. Абдулла Қаҳдор «Мен ҳам ўшандоқ бўлиб қоламан» деб жуда-жуда изтироб чекдилар. Тангадай яра битавермагач, докторларнинг маслаҳатига кўра, Москвага олиб борадиган бўлдик.

У киши нимагадир Москвага боришни истамадилар. Профессор Наби Мажидовичга ихлослари жуда баланд эди. Шу киши билан маслаҳатлашдилар:

— Абдулла ака, бу ерда ётсангиз, Сизни бизга ўхшаган мутахассислар даволайди, Москвада эса Сизни бизнинг домлаларимиз кўради. Кремль касалхонаси

**Алтаги бионинг стационарни тенглаштириб бўлмайди, албатта боринг,— деда ташвиқ қилди.**

Ниҳоят, у киши рози бўлдилар ва 8 апрель куни бир ҳамшира ҳамроҳлигида Москвага жўнадик. Аэропортда бизни қарши олган Узбекистон ваколатхонасининг ходимлари: «Кремль касалхонасида ҳозирча бўш жой йўқ элан. Генерал Вишневский ҳам шу соҳанинг зўр мутахассиси»,— деб бизни Вишневский номидаги шаҳар касалхонасига олиб боришиди. Бу ерда ҳам ҳолироқ жой томилимади, Абдулла ака кўп кишилик палатага ётқизилди.

Касалхона маъмурияти лутфу марҳамат кўрсатиб, беморларга таом тарқатиладиган хонада уч маҳал овқат нишириб беришимга рухсат этди.

Мен кунора эрталаб соат олтида туриб, Данилов бозоридан икки кунлик ҳаридни қилиб, яна Серпуховская кўчасидаги касалхонага қайтиб келаман. Соат саккизтўқизларда Абдулла акани ионушта қилидраман. Кечки овқатларини нишириб, бирга еб, соат тўқизларда Большая Полянка кўчасида жойлашган ваколатхонамизнинг ётоғига бориб ётаман.

Касалхонада Абдулла Қадхорни профессор Н. И. Krakovskiy ва доцент Золотаревскийлар кўришиди. Қон юришини яхшилаш мақсадида барокамерага солмоқчи бўлмади, бироқ электрокардиограмма қилинганидан сўнг бунга журъат этишмади. Бир ҳафтадан кейин институт директори генерал Александр Александрович Вишневскийнинг ўзи буйрак ости безига икки юз грамм новокаин юбориб, «блокада» қилди ва иккала оёқца «Вишневский» малҳамини сурив, бинт билан боғлаб қўйишни буюрди. Малҳам бир ҳафта туриши керак экан. Модомики бир ҳафта ичидан бошқа дори-дармон қилинимас экан, бу ерда ётгандан кўра, ваколатхонанинг ётоғига олиб борганим тузук эмасми, деб у кишини олиб кетишга рухсат сўрадим. Бир ҳафтадан кейин яна битта «блокада» қилишиб-ю, шу билан 26 апрель куни Абдулла Қадхорни касалхонадан ётоқхонага олиб ўтишга рухсат беришиди.

Икки «блокада»дан сўнг оёқ оғриғи бир оз масайди-ю, лекин бош бармоқдаги яра битмади.

Генерал Вишневскийнинг уйига бордим. У Алексей Толстой кўчасида истикомат қиласар экан. Генерал мени очиқ чехра билан қабул қилди. Жуда одамохун экан, ўша заҳоти:

— Юр, ҳозир бориб кўраман, — дея машинага ўтириб, ётоқхонага келди. Беморнинг аҳволини мушоҳада қилигач:— Эртага институтта келтин, мен икки киншилик палата топиб бераман,— деди менга.

Лекин ўша куни тунда, 13 майдан 14 майга ўтар кечаси Абдулла Қаҳҳорнинг юраклари қаттиқ оғриқ берди-ю, «Тез ёрдам» чақирдим. «Тез ёрдам»да келган врач укол қилиб, bemorni бир оз тинчлантириди. Электрокардиограмма қилинганида «юрак инфарктга учраган» деган холосага келинди.

Эрталаб у кишининг олдига Тошкентдан келган ҳамишорани қолдириб, ўзим Вишневский номидаги институтга бордим. Бу хабарни эшигтан генерал Вишневский касални ўридан қўзғатиш мумкинми, мумкин эмаслигини аниқлаш учун бир врачни менга қўшиб юборди. У келиб кўргач, озор бермасдан, замбилга солиб тушириш (биз учинчи қаватда эдик) мумкинлигини айтди ва ўша куни Абдулла акани касалхонага олиб бордик. Биз боргунча алоҳида бир палата тайёрлаб қўйилган экан. Кейинчалик билсам, генерал Вишневскийнинг буйруғига мувофиқ, бўлим бошлиғи профессор Н. К. Галанткиннинг кабинетини бўшатиб беришибди. Касалхонала ётқизгандан кейин Абдулла Қаҳҳорнинг юраги уч кеча устма-уст қаттиқ оғриқ берди. Мен кечаю кундуз ёнларидан жилмасдим. Касалхона ҳам маҳсус навбатчи тайинлади. Тошкентдан келган ҳамишира ҳам биз билан бирга. Бироқ, Абдулла Қаҳҳор жуда безовта.

— Айтинг, улар ташқарига чиқиб ўтирсии, керак бўлса чақирасиз,— дедилар у киши. Менга ўзингиз ўтирганингиз жифоя.

Томоқдан бир қултум сув ҳам ўтмай қолди. Докторлар қон томири орқали ғизо юбормоқчи бўлишибди, лекин кўнмадилар.

Электрокардиограмма қилган врачларнинг галига қараганда юракда фақат ёнғоқдеккина жой бутун қолган, юрак пардаси ҳам сувга тўлган экан.

Абдулла Қаҳҳор аҳволлари оғирлигини сезиб, мени Тошкентга олиб кетинг, дея қисталанг қила бошладилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг Москва шаҳар касалхонасида оғир ётганини эшишиб, дўстларимиздан бирни машҳур кардиолог, профессор Кассирскийга телефон қилиб, Абдулла Қаҳҳорни бориб кўринг, деб илтимос қилибди.

Професор Кассирский беморни текшириб бўлгач,  
мен ундан:

— Тошкентга олиб кетсам қалай бўларкин? — деб  
сўрадим.

— Фақат икки ҳафтадан кейин,— деб жавоб берди  
профессор.

Абдулла Қаҳҳор сезгир одам эмасми, профессор  
кетгандан кейин:

— Докторнинг гапини эшитдингизми? — дедилар.—  
«Икки ҳафтадан кейин» дегани — шу икки ҳафта ора-  
сида ё у ёқлик бўлади, ё бу ёқлик, дегани.

Бир пайт оёқлари очилиб қолган экан, дарров кўр-  
па билан ёпсам:

— Ажаб соддасиз-да, бош кетяпти-ю, сиз оёқни эҳ-  
тиёт қилиб ўтирибсиз! — дедилар.

Инфарктдан олдин қайси доктор келмасин, аввал  
оёққа қарап эди, эндилликда ҳеч ким оёққа эътибор  
қилмай қўйди. Шундан ҳам билдиларки, ҳаётлари хавф  
остида.

Бир куни, мени ўтқизиб қўйинглар, деб туриб олди-  
лар. Мен муолижка қиласидиган доктор Софья Григорьев-  
надан маслаҳат сўрадим.

— Абдулла Қаҳҳорович, сиз инфаркт бўлгансиз.  
Энг камида икки ой қимирламасдан ётишингиз керак,—  
деди у.

— Икки ой осмонга қараб ётишим керак бўлса,  
менга бунаقا ҳаётнинг кераги йўқ,— дедилар.— Икки  
ой осмонга қараб ётар эканман-у, тузалганимдан кейин  
ҳам «бугун рулда ўлиб қоламанми, эртагами?» деб  
юрагимни ҳовучлаб юрадиган бўлсан, бунаقا ҳаётнинг  
баҳридан ўтдим. Модомики, озгина умрим қолган экан,  
мени қийнаб нима қиласизлар? Қўйинг, шу тўрт кунни  
истаганимча ўтказай.

Александр Александрович билан маслаҳат қиласам,  
у бундай деди:

— Ақлли одам, аҳволини ўзи яхши билади. Майли,  
нима деса, қилинглар.

Шундан кейин иккита ёстиқни орқаларига суяб, ўт-  
қизиб қўйдим.

Юқорида айтганимдек, дардга ниҳоят даражада  
бардошли эдилар. Бирор маротаба «вой» деганларини  
эшитмадим. Одатан бемөрлар мадад тилаб докторнинг  
йўлига нигорон бўлади. Абдулла Қаҳҳор аксинча, док-

торлардан ҳафсалалари пир бўлди: ҳатто уколга ҳам кўнмасдилар. Ялиниб-ёлворсам у киши:

— Укол қилиб чўса умримни бир ҳафта чўзади. Менга бир ҳафталик умринг кераги йўқ,— дедилар.— Оздириб хунугимни чиқариб нима қиласизлар? Енимдан одамлар кўзини юмиб ўтишини истамайман...

Тошкентдан жияним Хуршида, Душанбедан синглим Марҳабо келди. Улар навбатчилик қилишга бажонидил тайёр. Лекин мен бир дақиқа ҳам олдиларидан жилолмайман. Синглим билан жияним ҳам кеча-кундуз биз билан бирга.

Инфарктдан сўнг бутун ўй-хаёллари мен бўлдим. Бир куни менга қараб:

— Утиниб сўрайман,— дедилар,— бундан буён машина ҳайдаманг, икки киши эдик, энди биттамиз қолдик. Сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг. Самарқанддан уканигиз Ҳикматуллони чақиринг, ёнингизга келсин. Шундай катта боғда ёлғиз ўтиришингиз қийин. Қийналасиз. Яна битта гапим шуки, сиз эрмак учун озгини таржима билан шуғуллансангиз кифоя. Эр-хотин шунча йил ишладик. Энди бўлди. Агар мен Абдулла Қаҳдор бўлган бўлсам, сиз туфайли бўлдим. Бошқа аёл бўлганда менинг характеримга бир ҳафтадан ортиқ чидамас эди. Сиз бўлмаганингизда мен эҳтимол бундан йигирма йил бурун ўлиб кетган бўлардим...

Афсус, «Зилзила»<sup>1</sup> чала қолди. Одатан, ёзувчиларда шундоқ бўлади. Ҳаммаси бўлиб етмишга яқин ҳикоя ёзганман, шундан ўттиз нечтасини ҳам олти томликка киргиздим, қолгани сизнинг ихтиёргизда.. Энди менга Тошкентдан яқинларни чақиририб беринг. Айтадиган гапимни айтишим керак...

— Агар бу ташвишлар мен учун бўлса, ҳеч ҳожати йўқ. Аввало, мен учун сизнинг номингиз кифоя, ундан кейин менинг бешта болам йўқки, сиз уларнинг ғамини есангиз,— дедим.

— Менинг даргоҳим муқаддас эди, мендан кейин ҳам муқаддас бўлишини истайман. Бўлмаса, менга шоир Шухратни чақиририб беринг. Ҳарҳолда, сочига оқ тушган, ота-онасини кўмган,— деб туриб олдилар.

Умримда биринчи маротаба Абдулла Қаҳдорнинг хоҳишлиарини бажо келтирмадим.

<sup>1</sup> Эллигинчи йилларда «Зилзила» деган қисса бошлаб, учтўрт бобини, ёзиб ҳам қўйган эдилар, ўшами назарда тутдилар (муалиф).

— Майли, ҳеч бўлмаса, Узбекистоннинг Москвадаги вакили Қосим Раҳимовични чақириб беринг,— дедилар кейин.

Қосим Раҳимович келгач, шундоқ дедилар:

— Хотиним Қибриё қарийб йигирма беш йил мени тишининг кавагида асрари, шунинг учун мен истар эдимки, мендан кейин унинг ҳаётида ҳеч нарса ўзгармаса. Менга энди ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ. Агар улугларимиз билан учрашиб қолсангиз ва қулай фурсат тошилса, менинг шу тилагимни етказинг. Сиздан яна бир илтимос: зудлик билан менга Тошкентдан шоир Шуҳратни чақирибиб беринг. Мен айтадиган гапларимни айтиб, хотиржам бўлишим керак.

Қосим Раҳимович бу илтимосни бажонидил қабул қилди.

24 май куни эрталаб касалхонага қадрдан дўстлари Константин Симонов келди. Симонов бу учрашув ҳақида кейинроқ шундай деб ёзди:

«...Қаҳҳор умуман жасоратли, мард киши эди. Менинг сўнгги хотирам Қаҳҳор шахсиятининг мана шу хислати билан боғлиқдир.

Мен уни вафотидан атиги бир кун олдин bemorxona-da kўрганман. У ўлим чанг солаётганини билса ҳам ўлишни истамас ва ўзигагина хос табиатига кўра ўлим олдида ҳам ўзини бардам тутар эди. У касалхона кара-вотида устма-уст қўйилган ёстиққа суюниб ётаркан, оғир-оғир нафас олар ва қўрқувни билмайдиган нуроний чехрасида худди ёр-дўстларининг истиқболига югуриб чиқолмаганидан бир оз хижолат тортгандек бир үфода ётар эди.

Қаҳҳор ўлаётганини билса ҳам, то жони бор экан, ўзини она ернинг асл фарзандидек сезарди...

Қаҳҳор ҳақиқий инсон эди, ўзидан кейин у адабиётда умрбоқий асарлар қолдирди...»<sup>1</sup>

Константин Симонов кетгандан кейин кўп фурсат ўтмай, шоир Шуҳрат етиб келди. Абдулла Қаҳҳор ўша куниёқ айтадиган гапларини айтиб, васиятларини қилдилар ва худди елкаларидан тог ағдарилгандек, бирдан хотиржам бўлиб қолдилар. Үн уч кундан бери туз totmagan одам ўша куни ярим пиёла товуқ ўйрава ичдилар. Бироқ, кечга бориб менга:

<sup>1</sup> А. Каххар «Избранное», Изд-во «Худ. литература», стр. 9.

— Хуршидага айтинг, ётоқхонага бориб ётсин,— дедилар.— Қиз бола, мабодо бирон кор-ҳол бўлиб қолса...

Шунча кундан бери бирон марта «вой» демаган одам кечаси бир бор «воҳ» деб қўйдилар-у, худди ўзларидан ўзлари хижолат бўлгандай:

— Мен оламдан ўтиб кетаётганим учун «оҳ» чекаётганим йўқ,— дедилар,— уй-жойим, боғу ҳовлим туриб, шу катакдай уйда, темир каравотда, яна ёру дўстларим билан видолашмай кетаётганимга «оҳ» чекдим.

Эрталаб безовта бўла бошладилар ва яна Шуҳрат акани сўрадилар. У киши етиб келгунча, бу ўртада бўлим бошлиғи профессор Галанкин кириб, томирларини ушлаб кўрди ва докторнинг юзида «умид йўқ» деган ифода зоҳир бўлди. Шуҳрат ака етиб келдилар.

Соат ўнларда даволовчи врач Софья Григорьевна келди, у одатдагидай:

— Кечани қандоқ ўтказдиларинг?— деб сўради. Худди унинг сўzlари қулоқларига ёқмагандай Абдулла Қаҳҳор тожикчалаб:

— Гапа муҳтасар кунед! (Гапни қисқа қилинг!)— дедилар.

Доктор юракка қулоқ солмоқчи бўлиб, аппаратини тутди: «Абдулла Қаҳҳорович, менга қаранг» дейиши билан бир сесканиб кетдилару... узилдилар.

Бир онда мен чорак аср бирга умр кечирган ҳамдамим, ҳамсуҳбатим, ҳамсарим, мушфиқ-мехрибонимдан айрилдим-қолдим...

Уша кезлар мен ҳаётдан бутунлай умидимни узгандек эдим, чунки, Абдулла Қаҳҳорсиз умр кечиришни тасаввур қилолмасдим. Бироқ Лев Толстой айтганидек, ҳар қанақа ғам ҳам жароҳатга ўхшар экан: жароҳат вақт ўтиши билан аста-секин янги эт чиқарив битганидек, ғам ҳам, доти қолса-да, вақт ўтиши билан эскирар экан. Ҳозир фақат бир нарса кўнглимга таскин беради: Абдулла Қаҳҳор жисман орамизда бўлмасалар-да, у кишининг хотираси абадий барҳаёт..

**На узбекском языке**

**Кибриё Каххарова**

**ВЕЧНО РЯДОМ**

**(Воспоминания о народном писателе  
Узбекской ССР Абдулле Каххаре)**

**Тақриҷи: Немат Аминов.**

**Редактор Шавкат Туроб. Рассом Д. Рахматов. Расмлар  
редактори Ҳ. Раҳматуллаев. Техник редактор У. Ким.  
Корректор Ш. Валиева.**

**ИБ № 2162.**

Босмақонага берилди 30.10.86. Босишга рухсат ётилди  
10.02.87. Р 17528. Формати  $84 \times 108\frac{1}{32}$ . 1-босма юғоз-  
га «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида  
босилди. Босма листи  $3.0+0,5$  (вкл.) Шартли босма  
листи  $5.04+0,84$  (вкл.) Нашир листи  $5.07+0,6$  (вкл.)  
Шартли кр.-отт. 6,29. Тиражи 60000. Вуюртма 5194.  
Шартнома 127—86. Баҳоси 50 т.

**Узбекистон ЙКСМ Марказий Комитети «Шиғардим-  
нашрияти. Тошкент 700113. Қатортол кӯчаси, 60.**

**Узбекистон ЙК Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизни Байроқ орденли босмақонаси. Тошкент,  
Ленин кӯчаси, 41.**